

O'ZBEKISTON ISSN 2181-8150

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№9. 2020

**СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ,
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!**




Юрдошларимизни, қишлоқ ва
сув хўжалиги меҳнаткашлари
ҳамда агроилм фидойиларини
улуғ айём – Истиқлол байрами
билан қизғин муборакбод этамиз!



*Жиззах бош насос станцияси
бошқармаси жамоаси
барча ҳамюртларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 29 йиллиги
билан қутлайди.*

ИСТИҚДОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЎБИ ЙЎЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ

Кўксарой қароргоҳида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, илм-фан, маданият соҳаси фидойилари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари махсус студияларда онлайн кузатиб борди. Тадбирда Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВ байрам нутқини сўзлади. Қуйида Юртбошимизнинг ана шу нутқидан иқтибосларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Башарият тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина, ўз ҳаёти ва келажagini мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. “Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!” деб миллат озодлиги йўлида жонини фидо қилган улуғ аждодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди.

Халқимизнинг бекиёс жасорати ва матонати билан Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги ана шу асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеадир.

Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “**Янги Ўзбекистон**” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йиллар-

да тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислохотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айти шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис этиб яшамоқда.

Бугун бир ҳақиқатни қатъий ишонч билан айтиш мумкин: **дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шакланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда.**

Ҳозирги мураккаб вазиятда биз учун ғоят муҳим иккита вазифани самарали ҳал этиш – энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни, биз аҳолимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш, шу билан бирга, иқтисодийетимизни тиклаш, одамларга ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериш муаммосини бир пайтнинг ўзида ҳал этмоқдамиз.

Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди.

Халқимизда “**Оққан дарё – оқаверади**” деган ҳикматли гап бор. Бунини бугунги мураккаб вазиятда амалга ошираётган улкан ишларимиз исботлаб турибди.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли молия ташкилотлари дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда иқтисодийетнинг пасайишига йўл қўйилмаганини таъкидламоқда ва кейинги йил-

ларда сезиларли ўсиш кутилаётганини прогноз қилмоқда. Бу албатта ўз вақтида кўрган тезкор чораларимизнинг самарасидир.

Карантин чекловларига қарамасдан, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш бўйича бошлаган кенг кўламли ишларимизни изчил давом эттирмоқдамиз.

Иқтисодий соҳадаги кенг кўламли ислохотлар туфайли халқаро вал-юта захираларимизнинг ҳажми қарийб 5,5 миллиард долларга ошиб, жами 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта ютуғимиздир.

Иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалиги алоҳида роль ўйнамоқда. Соҳани модернизация қилиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда замонавий агрохизмат марказларини ташкил этиш учун Жаҳон банкнинг 500 миллион долларлик маблағи жалб этилди.

Биз кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга биринчи марта шундай улкан молиявий ресурсларни йўналтирмоқдамиз.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз бу йилги мураккаб шароитда фидокорона меҳнат қилиб, ғалладан олти ярим миллион тоннага яқин ҳосил етиштирдилар. Чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимизга, ернинг ҳақиқий эгасига айланаётган

кластер хўжаликлари ходимларига, барча дала меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Маълумки, миллий мустақиллигимизнинг бош мақсади юртимиздаги ҳар бир инсоннинг иззат-ҳурмати ва қадр-қимматини жойига қўйишдан иборатдир.

Биз ана шу эзгу ишни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтиришни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Жумладан, ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди. Йил якунига қадар уларнинг сони ҳозирги 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилади. Ушбу тоифани қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун давлат бюджетидан ўн икки ярим триллион сўм маблағ ажратилди.

Сўнги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз хужжат топширди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик вазифа бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда.

Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат мустаҳкам маънавий пойдеворга эга

бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади.

Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз.

Халқимизда “Кўз – қўрқоқ, қўл – ботир”, деган чуқур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳкам боғлаб, пок ният билан меҳнат қилсак, шубҳасиз, кўзлаган марраларимизга эришамиз.

Муқаддас китобларда айтилганидек, ҳар қандай қийинчилик ортидан албатта бир енгиллик келади. Барчамиз бунга ишонимиз ва қодир Оллоҳдан шуни сўраймиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ўз инсоний бурчи ва фуқаролик масъулиятини чуқур англаб, истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларга, қурувчи ва тадбиркорларга, фермер ва деҳқонларга, навқирон ёшларимизга яна бир бор самимий раҳмат айтаман.

Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонаман.

Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжиҳатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий, жумладан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ва қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатларга асосан ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Биз ҳам кўп сонли журналхонларимиз номидан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган ҳамкасбларимизни муборақбод этамиз.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони билан

Джураев Байнияз Чориевич - «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат корхонасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Сайфитдинова Мастураҳон - Қува туманидаги «Қува анори» агрофирмаси раҳбари, Фарғона вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан

Жумаев Уткир Тошмурадович - Ғузор туманидаги «Қорақўлчилик илмий наслчилик тажриба станцияси» масъулияти чекланган жамияти директорининг маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Тураев Машраб Нархурозович - Нуробод туманидаги «Олға» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Самарқанд вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан

Ниязова Марям Кадировна - Каттақўрғон туманидаги «Кумуш тола» хусусий корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

Явминова Раҳбархон Нишонна - «Наманган худудий агропилла» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Кенжабоев Абдулажон - Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги механизатори, Фарғона вилояти

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Бакиров Низомидин Жалилович - Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси

Джалилов Салойдин - «Қуйи Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Хатирчи тумани ирригация бўлими бошлиғи, Навоий вилояти

Жуманиязов Касим Хажиевич - Шовот тумани «Темир йўл обод» чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган комплекси раҳбари, Хоразм вилояти

Каримов Хуснидин Мўминович - Асака туманидаги «Обод турмуш орзуси» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Саляммов Маматкул - Оҳангарон туманидаги «Жасур агро бизнес» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Файзиева Гулнора Усмоновна - Касби туманидаги «Хўжақулов Бекжон» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Хаитов Ақтам Ахмадович - Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси

«Дўстлик» ордени билан

Барноев Ҳамро Чулмуродович - Миришкор туманидаги «Усмон Юсупов агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Жамолдинов Авазбек Акбарович - Улуғнор туманидаги «Андижон бройлер» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти



Мухамедназаров Лутфулла Хакназарович - Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази бўлим бошлиғи

Саттаров Уткур Хамидович - Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор Тоғай» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Собиров Саматжон Набижонович - Чуст туманидаги «Наби Собир» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Турсунова Сабоат Акромовна - Пешку туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Бухоро вилояти

Халимова Сагадат Эсамбаевна - Зафаробод туманидаги «Боғ боши» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Яркулова Юлдузхон Газимовна - Кармана туманидаги «Воҳид Мусо» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Жақсимуратов Шаряр Дуйсенбаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ирригация тизимлари ва гидротехник иншоотлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи

Жуманазаров Улуғбек Ражабович - Тарвуз-қовун етиштирувчилари Қашқадарё вилояти ассоциацияси раиси

Каримов Хамит Исакович - Поп тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими участка мудири, Наманган вилояти

Маҳатов Муродулло Сулайманович - Бахмал туманидаги «Олис тоғлар» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Пайғамбаров Абдумуталиб Абдубаннобович - Учкўприк туманидаги «Азизов Акбарали» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Рахмонов Давлат Амонович - Сардоба туманидаги чорвадор-чўпон, Сирдарё вилояти

Туйчиев Рахатжан Турсинович - Избоскан туманидаги «Избоскан шоналари» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Хурамов Яраш Тураевич - Жаркўрғон туманидаги «Агромаштаъмиркурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

«Соғлом турмуш» медали билан

Асраев Буронбой Маткобулович - Янгиқўрғон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Наманган вилояти

Усмонова Мунавар Сунъатовна - Окдарё туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Самарқанд вилояти

«Жасорат» медали билан

Матмуратов Равшанбек Бахтиярович - Амударё туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Холматов Илхом Бекназарович - Навбахор туманидаги «Тоҳирбек сайқали» фермер хўжалиги механизатори, Навоий вилояти

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Абдурасул Неъматович - Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари – «Ўзбекчорванасл» агентлиги бош директори

Аккиев Шухратжон Жумаевич - Олот туманидаги «Жумагелди» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Ахмедов Азиз Тошпўлатович - Навбахор туманидаги «Қир ариқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Ашуров Ойбек Расулбердиевич - Марҳамат туманидаги «Водий ҳамкор агрофирма» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Бойтураев Ганишер Норбу-таевич - Ховос туманидаги «Ховос агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти механизатори, Сирдарё вилояти

Вапаев Александр Мадри-мович - «Қарамази-Қиличбой» ирригация тизимлари бошқармаси экскаватор машинисти, Хоразм вилояти

Икромов Барнохон Тохировна - Қува туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

Курбанов Отабек Хасанович - Янгибозор туманидаги «Хоразм фаҳри» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Қўзимуродов Икромжон Жўраевич - Шеробод туманидаги «Шеробод агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сурхондарё вилояти

Маткаримова Тажибике Алламбергеновна - Хўжайли туманидаги «Яшил табиат био маркази» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Саттаров Хажимахаммад Худайбердиевич - «Шўрўзак-Сирдарё» ирригация тизими бошқармасининг Ўнг тармоқ канали муҳандис-гидротехниги, Сирдарё вилояти

Тоштемиров Олимжон Кушбакович - Зарбдор туманидаги «Ютуқ майдони» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўлмасова Эъзосхон Мама-солиевна - Фурқат туманидаги «Фурқат агропилла» масъулияти чекланган жамияти агрономи, Фарғона вилояти

Уринов Фахридин Очилович - Хатирчи туманидаги «Орзу» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан

Халилов Равшан Қахрамон ўғли – Тошкент давлат аграр университетининг 1-босқич талабаси (Жиззах вилояти).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аграр соҳада илм-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, таълим жараёнига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш, ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда илғор хорижий тажриба ва агротехнологиялар бўйича етарли билим ва малакаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

аграр таълимда бакалавриат таълим йўналишларида таълимнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгилаш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурларини аграр соҳа олий таълим муассасалари томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқлаш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддатини 2 йил этиб белгилаш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларига соҳада 5 йиллик стажга эга бўлган ходимларни тавсиянома асосида ўқишга тавсия этилганда ўқиш муддатини сиртқи таълим шаклида 4 йил этиб белгилаш ҳамда тўлов-контракт миқдорини кундузги таълим йўналишидаги тўлов-контракт (стипендиясиз) миқдорига тенглаштириш;

тажриба-синов тариқасида, Тошкент давлат аграр университетига бакалавриат таълим йўналишларининг сиртқи таълим шакли бўйича масофавий таъ-

лим олиш тизимини босқичма-босқич йўлга қўйиш;

хорижий фуқаролар учун тўлов-контракт миқдорини, истисно тариқасида, икки баробарга камайтириш;

бакалавриат йўналишида касбий таълим (йўналишлар бўйича) бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги «Агроинновация» давлат унитар корхонаси ва Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги «Ғўза уруғчилиги маркази» негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Миллий марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими (AKIS) стратегиясини амалга ошириш;

ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида интеграцияни таъминлаш;

республикада агрохизматлар ва қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат (extension) марказлари фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш;

соҳага янги илмий ва инновацион ютуқларни, рақамли технологияларни жорий этиш;

вилоят ва туманларда янги ташкил этиладиган агрохизмат марказларига замонавий билимларга эга мутахассисларни жалб қилиш ва мунтазам равишда уларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш;

халқаро сифат стандартларини ҳудудий агрохизмат марказларида жорий қилинишига кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда уч ой муддатда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини тубдан

такомиллаштиришни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими (AKIS) стратегияси ва йўл харитасини ишлаб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Тошкент давлат аграр университетининг:

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтини Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимига ўтказган ҳолда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти сифатида ташкил этиш;

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй манзилидаги бинога бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти томонидан қишлоқ хўжалигининг долзарб муаммолари бўйича давлат илмий техник дастурлари доирасида бажариладиган мақсадли фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойиҳаларни қонунчиликда белгиланган тартибда молиялаштириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Аграр таълим тизимини 2030 йилгача бўлган инновацион ривожланиш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлашини таъминласин.

6. Олий таълим муассасаларининг кафедраларига йўналишлар бўйича бириктириладиган агросаноат мажмуига кирувчи илмий-тадқиқот муассасалари, илмий марказлар ва ташкилотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали негизда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежалари негизда олий мактаблар ўрнига агротехнологиялар техникумларини (кейинги ўринларда — Техникумлар) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Белгилаб кўйилсинки, Институт Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг, Техникумлар қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежаларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигига:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги тизимидаги олий таълим муассасаларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан Тошкент давлат аграр университети ва Институтда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари ҳамда профессионал таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проректор лавозимларини жорий этиш;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети қошида республика олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари таркибидан танлаб олинган ёшлар учун «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва уни рақамли трансформациялаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида махсус факультет ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

9. Қуйидагилар:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ташкил этиладиган янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб фаолият юритадиган агротехнологиялар техникумлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки:

Техникумларда юқори малакали педагог-ҳодимлар таркибини шакллантиришда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида аграр соҳадаги олий таълим муассасалари ҳамда ҳудудларда жойлашган олий таълим муассасаларининг турдош кафедралари профессор-ўқитувчиларига устуворлик берилади;

Техникумларни муваффақиятли таъминлаган битирувчилар яқка тартибдаги суҳбат асосида кириш имтиҳонларисиз қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларининг мос бакалаврият таълим йўналишларида 2-босқичдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

бошқа олий таълим муассасаларидаги қишлоқ хўжалиги соҳасига оид турдош бакалаврият ва магистратура мутахассислиги таълим йўналишлари кафедра мудирларини лавозимга тайинлаш ҳамда озод этиш Тошкент давлат аграр университети билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда Институт ва Техникумларнинг тузилмаси ва Устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш корхоналарининг катта амалий тажрибага эга мутахассисларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

педагог-ҳодимларнинг ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида стажировка ўташларини;

ўқув-услубий жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини;

ахборот-ресурс марказларини зарур ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш чоралари кўрилишини;

янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларни инobatга олиб, хорижий олимлар, олий

таълим ва аграр соҳаларда самарали фаолият юритаётган мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрланишини;

мамлакатдаги ислохотларнинг замонавий босқичи эҳтиёжлари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ҳамда дастурларини янгилаш ва қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни таъминласин.

12. Қуйидагилар Институт ва Техникумларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Белгилаб кўйилсинки, Институт ва Техникумларни жорий сақлаш харажатлари 2020 йилда «Маориф» соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2021 йилдан бошлаб мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги:

қайта ташкил этилаётган Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси, Олийғоҳ кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари, тегишли ҳудуди, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкни Институтга, қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежаларининг мол-мулкларини Техникумларга белгиланган тартибда бепул берилишини таъминласин;

қайта ташкил этилаётган Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида 2019/2020 ўқув йилида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларга уларнинг ўқишини тугатганига қадар Институтда ўқишини яқунлаш имкониятини яратсин;

Институтга бошқа ҳудудлардан ишга қабул қилинган профессор-ўқитувчиларни фаолият юритган даврида турар жой билан таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида профессор-ўқитувчилар ва илмий-тадқиқотчилари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ҳамда хўжалик шартномалари ҳисобидан тушган маблағлардан тўланадиган солиқ ставкаларини икки баробарга камайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига:

таълим муассасаларини соҳа бўйича юксак билимларга эга бўлган, чет тилларини яхши биладиган, замонавий инновацион технологиялардан хабардор малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш;

хорижий тилни, хусусан инглиз тилини яхши ўзлаштирилганлигини

тасдиқловчи сертификатга эга бўлган (IELTS даражаси 6,5 ва ундан юқори) профессор-ўқитувчиларни (хорижий тиллар бўйича профессор-ўқитувчилар бундан мустасно) ойлик маошларига 10 фоиз устама белгилаш;

вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий адабиётларни харид қилиш, профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув адабиётларини чоп этиш харажатларини қоплаш учун халқаро молия институтларининг грантларини жалб қилиш вазифалари юклатилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларни «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда «Инновацион ривож-

ланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш» жамғармаси маблағлари ҳисобига хорижий давлатларнинг етакчи олий ва илмий-тадқиқот муассасаларига мақсадли стажировка ўташга юбориш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 июль*

ТАЪЛИМ

АГРАР ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР - ЗАМОН ТАЛАБИ

Жаҳон бозорида нефть, пахта, газ ва электр энергияси нархи пасайиб, озиқ-овқатнинг баҳоси ошиб бораётган шу кунларда кўплаб давлатлар ун, дон, гуруч, ёғ, картошка каби маҳсулотларни экспорт қилишга чекловлар ўрнатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бўлиб, суғориладиган майдонларда 2-3 мартадан ҳосил олиш, фойдаланишдан чиққан ерларни ўзлаштириш чоралари кўрилмоқда. Аслида сўнгги уч йилда соҳада манфаатдорликни ошириш, оддий қилиб айтганда, деҳқон ва фермерни бой қилиш учун барча масалалар ҳал қилиб берилмоқда.

Қайд этиш керакки, аграр соҳада илм-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий ишланмалар натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилапти. Бунда эса Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, ислоҳотларнинг мазмунига мос янги таълим йўналишларини киритиш, ўқув жараёнини таълимнинг кредит-модуль тизимида ўтказиш, “Ахборот-маслаҳат марказлари”ни, олий таълим муассасалари ҳузурида давлат- хусусий шериклик шартлари асосида “Кичик

инновацион корхоналар”ни ташкил этиш, илғор хорижий тажриба ва агротехнологиялар бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга кадрларни тайёрлаш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил яқинда қабул қилинган “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори янги имкониятлар эшигини очмоқда. Хусусан, унга кўра 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали негизида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ташкил этилади.

Бу эса Андижон тажрибасини қишлоқ хўжалигида қўллаш, замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш, институт профессор-ўқитувчиларининг тажрибаларини оммалаштиришга, институт ўзининг халқаро алоқаларини кенгайтириш, QS рейтинг тизимида киришида қўл келади.

Қарорнинг ўзига хослиги унинг бакалавриат таълим йўналишларида таълимнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этишга йўл очишидир. Натижада таълим жараёни халқаро стандартларга мослаштирилиб кредит-модуль тизимида олиб борилади. Битирувчиларимиз эса ўқишларини ўзлари истаган хорижий давлатларда давом эттиришлари ёки хорижий олий таълим муассасаларидан бизга кўчириб келишлари, хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини ўқув жараёнига жалб этишда муаммолар бўлмаслигини таъминлайди. Икки томонлама тан олинадиган диплом бериш эса янада қулайлик яратади.

Эндиликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратурада ўқиш 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш хоҳиши бўлган талабалар учун ўқиш 2 йил этиб белгилангани кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини йўлга қўйилишига асос бўлади. Ишлаб чиқаришда иштирок этаётган талабалар вақтини тежаб, тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган 1 йиллик дастурлар асосида таҳсил олади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларига соҳада 5 йилдан кам ишламаган ходимлар тавсиянома асосида ўқишга кириши мумкин. Уларнинг ўқиш муддати сиртқи таълим шаклида бўлиб, 4 йил давом этади. Тўлов-контракт сўммаларини кундузги таълим йўналишидаги тўлов-контракт (стипендиясиз) миқдорига тенглаштирилиши тизимда ишлаётган мутахассисларнинг назарий билимларини ошириб, қисқа фурсатда соҳада олий маълумотли кадрлар сонини ортишига хизмат қилади.

Тажриба-синов тариқасида Тошкент давлат аграр университетида сиртқи таълимни масофавий шакли йўлга қўйилган. Бу эса таълим харажатларини камайтириб, сиртдан таҳсил олаётган талабаларга манзур бўлмоқда.

Хорижий фуқаролар учун тўлов-контракт миқдори истисно тариқасида, икки баробарга камайтирилди. Демак, аграр соҳадаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хорижий талабалар сони ортади. Хорижий инвестициялар жалб этилиб, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконияти яратилади. Тизимда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар қўшни давлатларда тадбиқ этилиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари ва техникалари экспорти ошади.

Қайд этиш керакки, Президентимиз ўтган йилнинг 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида бизга тегишли топшириқлар берган эди. Ижросини таъминлаш учун Тошкент давлат аграр университети ҳузурида “Ўза уруғчилиги маркази” фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда замонавий лабораториялар билан жиҳозланган марказда 25 хил навадаги ўза янги усулда тажрибадан ўтказилмоқда. 27 гектарга сабзавот, дуккакли экинлар ҳамда ем-хашак экинларининг бирламчи уруғчилиги ташкил этилди.

Ушбу марказдаги илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида “Агроинновация” давлат унитар корхонаси билан бирлаштирилиб, “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази”га айлантирилди.

Бу эса ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида интеграцияни таъминлаш, соҳага янги илмий ва инновацион ютуқларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий этиш бўйича маълумотлар базасини шакллантириш каби янгиликларни таъминлашда қўл келади.

Юртимизда қишлоқ хўжалиги ҳамда таълим тизимида олиб борилаётган туб ўзгаришларни инобатга олган ҳолда Тошкент давлат аграр университети ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида “Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари” ҳамда “Профессионал

таълим муассасалари билан ишлаш бўйича” проректор лавозимлари жорий этилмоқда. Бу эса ўқув жараёнига рақамли ва АКТ воситалари кенг жорий этилиши, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан олий таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги таъминлайди.

2020-2021 ўқув йилидан Агросаноат кластерлари ва кооперациялар учун Тошкент давлат аграр университети қошида республика олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари таркибидан танлаб олинган ёшлар учун махсус факультет ташкил этилади. “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва уни рақамли трансформациялаш” лойиҳасидаги ушбу махсус факультетда ҳар йили 200 нафар иқтидорли талаба саралаб олиниб, агрокластерлар ва кооперациялар учун хорижий тажрибалар асосида кадрлар тайёрланади.

Шунингдек, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида аграр соҳасидаги олий таълим муассасаларининг 20 та мутахассислик кафедралари агросаноат мажмуига кирувчи илмий-тадқиқот муассасалари, илмий марказлари ва ташкилотлари қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларининг кафедраларига мос йўналишлар бўйича бириктирилиши ишлаб чиқариш соҳасидаги сўнги илмий янгиликларни талабалар эътиборига етказишга, таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашга ёрдам беради.

Профессор-ўқитувчилар ва илмий-тадқиқотчилар олиб бораётган илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, хўжалик шартномалари ҳисобидан тушган маблағлардан тўланадиган солиқ ставкаларини икки баробарга камайтирилишидан тежалган маблағлар ҳисобидан профессор-ўқитувчилар ва илмий-тадқиқотчиларни моддий рағбатлантириш, кафедраларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади.

Қарорда белгилаб ўтилган хорижий тилни, хусусан, инглиз тилини яхши ўзлаштирганлигини тасдиқловчи сертификатга эга бўлган (IELTS даражаси 6,5 ва ундан юқори) профессор-ўқитувчиларни (хорижий тиллар бўйича профессор-ўқитувчилар бундан мустасно) ойлик маошларига 10 фоиз устама белгиланиши ҳам педагог-ходимларимизни ўз устида мунтазам ишлашларига тўртки бўлмоқда.

2021 йилнинг 1 январдан бошлаб, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда “Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш” жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий давлатларнинг олий ва илмий-тадқиқот муассасаларига мақсадли стажировка ўташга юборилади. Албатта, ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларига хорижий тажрибаларни кенг тадбиқ этилиши таълим сифатини ошишига хизмат қилади.

Келажак пойдеворлари – бу бизнинг ёшларимиздир. Илм сари интилиб, устоз ва мураббийларининг ўғитларига, пандунасихатларига амал қилган ёшлар эса асло кам бўлмайди. Зеро, садафга ўралганлар дур бўлганидек, илмга йўғрилганлар нур бўлади. Илм нури эса ҳаётингиз йўлини умрингиз давомида йўлчи юлдуздек ёритиб бо- раверади.

Ботир СУЛАЙМОНОВ,
ТошДАУ ректори, академик.

ТЕХНИКУМЛАР ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар билан бир қаторда аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунга охириги йилларда соҳага оид қабул қилинган Президентимизнинг қарор ва фармонлари ёрқин мисол бўла олади. Ушбу ислохотларнинг мақсади қишлоқ хўжалиги соҳасида илм-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, етарли билим ва малакаларга эга бўлган мутахассисларни етиштириш, уларни илғор хорижий тажриба ва агротехнологиялар билан таништириб бориш, аграр соҳасига оид тегишли кўникмалар ҳосил қилишдан иборатдир.

Бу борада Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Аграр соҳа профессионал таълим тизими бўйича Тармоқ Кенгаши ташкил этилди ва унинг Низоми ишлаб чиқилди. Шунингдек, аграр соҳа хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторига таклифлар тайёрланиб, Бандлик ва меҳнат муносабаталари вазирлигига тақдим этилди ва классификаторга киритилди.

Вазирлигимиз томонидан илғор хорижий тажрибалар асосида Қишлоқ хўжалиги соҳасида тармоқ квалификация рамкаси, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаси бўйича 141 та касб стандартлари ишлаб чиқилиб, электрон платформага жойлаштирилди ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан рўйхатга олинди, реестрга киритилди.

Президентимизнинг 2020 йил 30 июлдаги “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 7-бандига асосан Тошкент давлат аграр университети ва Нукус, Термиз филиаллари ҳузурида 10 та, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузурида 2 та техникум ҳамда ўтган йил 6 сентябрдаги Фармонига асосан 3 та техникум ташкил этилган.

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар яқка тартибдаги суҳбат асосида кириш имтиҳонларисиз қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларининг мос бакалаврият таълим йўналишларида 2-босқичдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади. Бу, албатта, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларини амалга оширишда юқори малакали кадрларга бўлган талабни тўлдириш ва қишлоқ ёшларини олий маълумотга эга бўлишларига имконият яратади.

Ҳозирги кунга қадар вазирлик томонидан техникумлар учун 25 та таълим йўналишидан 19 таси бўйича ўқув режалари, 84 та касбнинг 68 таси бўйича малака талаблари ишлаб чиқилди.

Вазирлигимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2020 йил 7 августдаги 2-баёнининг 19-илоvasи билан 2020/2021 ўқув йили учун техникумларга давлат гранти асосида 1175та қабул квотаси ажратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Респуб-



ликасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган намунавий Устав асосида техникумларнинг Уставлари ишлаб чиқилди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети тизимидаги 13 та, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти тизимидаги 2 та техникумларда ўқувчилар қабули бошланиши муносабати билан обдонлаштириш, моддий-техник жиҳозларни ўқиш жараёнига тайёрлаш, вилоятлардаги Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда оммавий-ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, онлайн маъруза ўтказиш шароитларини яратиш, масофавий таълим технологияларини жорий этиш, юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш чораларини кўриш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, кириш имтиҳонларини ўтказиш масалалари бўйича доимий мулоқот ўрнатилган. Техникумларга ҳужжатларни қабул қилиш жорий йилнинг 25 августидан бошланди ва 25 сентябрга қадар давом этади.

Республикаимизда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги техникумларнинг ташкил этилиши мамлакатимиз аграр соҳасини малакали мутахассислар билан таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга, пировардида халқимиз дастурхонини янада бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шакарбой ЖОНИҚУЛОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
масъул ходими.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ ИШТИРОКИДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ” ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кластер модели жорий этилди, натижада охириги йилларда пахта экин майдонларининг **125** минг гектари ёки **12** фоизида кооперациялар, **908** минг гектари ёки **88** фоизида кластерлар фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалигида қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, соҳага жаҳон тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида билим, инновациялар ва агрохизматлар тизимини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада хизмат турларини такомиллаштириш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) 2020 йил 20 мартда Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасига “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) молиялаштириш учун **30 йил муддатга:**

10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан **181 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилиши;**

10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг **100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити ажратилиши;**

5 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг **219 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредити ажратилиши маъқулланганлиги;**

б) Лойиҳанинг умумий қиймати **659,3 миллион АҚШ доллари**га тенг эканлиги, улардан Ўзбекистон Республикасининг улуши – **159,3 миллион АҚШ доллари**ни, шу жумладан:

солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклидаги улуш – **124,3 миллион АҚШ доллари**ни;

Лойиҳа иштирокчиларининг (бенефициарлар) улуши эса **35 миллион АҚШ доллари эквивалентини** ташкил этиши;

в) Лойиҳани амалга ошириш даври **6 йилни** (2020–2026 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳа доирасида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигида **илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган самарали тизимини яратиш;**

қишлоқ хўжалигини **рақамлаштириш, статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш**нинг ишончли ва шаффоф усуллари-ни жорий этиш;

озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда **“Даладан истеъмолгача”** тамойили асосида сифат назоратини кучайтириш, агрологистика, йўл ва бошқа зарур инфратузилмани яратиш;

экспортни рағбатлантириш, халқаро бозорларда рақобатбардош, экспортбоп юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида **қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;**

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини камайтириш, **кооперация тизимини ривожлантириш ҳамда соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;** ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланиш;

соҳага бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сервисини такомиллаштириш.

3. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасининг техник-иқтисодий асоси ҳамда унинг асосий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш схемаси 2-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2а-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарздан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали 3-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси кредитидан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали 3а-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси имтиёзли кредитидан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали 3б-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида 2021-2025 йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини ҳамда натижадорлигини таъминлайди;

Жаҳон банкидан олинган маблағлар Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда тижорат банкларига берилган ресурсларнинг қайтиши ҳисобидан қайтарилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Лойиҳани ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш, уни бошқариш, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

кредит линиясини бошқариш, Жаҳон банкининг маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли

фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг ва ҳисоботни юритиш функциялари Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига юклатилади.

5. **“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳи) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Барноев, Ходжаев) га куйидаги вазифалар юклатилсин:

Лойиҳанинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ижросини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш;

Лойиҳа доирасида қилинадиган харажатларнинг мақбул ечимларини ва тижорат банклари томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларни асослилиги, натижадорлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги асосида танлаб олиш;

Лойиҳа доирасида ажратишиб, иқтисод қилинган маблағларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Жаҳон банки билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда қайта тақсимлаш;

зарур ҳолларда, қарор иловаларига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бошқармаси Ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонунчиликка мувофиқ халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида:

агарда ушбу лойиҳалар халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган бўлса, юридик шахслар томонидан сотиб олиннадиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди;

ушбу қарз маблағлари ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар

божхона божи тўлашдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахслар фойда солиғи тўлашдан 2021 йил 1 июлгача бўлган муддатга озод этилган; ушбу имтиёзлар натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида бериладиган қарзни молиялашнинг муддатлари ва шартлари (валюта хатарини ҳисобга олган ҳолда), сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарздан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни (кейинги ўринларда – Низом) ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов) ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва Халқаро тараққиёт уюшмаси ўртасида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги қарз битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси номидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари, бошқа вазирлик ва идоралар билан Жаҳон банки томонидан ажратиладиган маблағларни қайта кредитлаш битимларини имзолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу битимларга ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ваколати берилсин. Бунда, қайта кредитлаш битимларининг шартлари Низомга асосан белгилансин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги Лойиҳа асосида Инвестиция дастурларига белгиланган тартибда ўзгартириш ва кўшимчалар киритилишини таъминласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Лойиҳа доирасидаги тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, натижадорлигини таъминлаш, жалб этилаётган маблағларни ўзлаштириш жараёнида ошкораликни таъминлаш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини;

Лойиҳа доирасида мева-сабзавотчилик кооперацияларига ер майдонларини белгиланган тартибда, шу жумладан, ҳудудларда барпо қилинадиган йирик агрологистика комплекслари учун белгиланган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари учун компенсация ундирмасдан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини;

ажратилган ер участкаларидаги ердан фойдаланувчилар компенсациялари (фермер хўжаликлари томонидан кўрилган зарарлар, кесилган дарахтлар, фуқароларни кўчириш ва фуқароларга кўрсатилган барча зарарлар) ва агрологистика комплексларини муҳандислик, йўл ҳамда транспорт инфратузилмаларига уланишини таъминлаш ва бошқа харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланишини таъминласин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи чет эллик мутахассисларга кириш визалари консуллик ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳа доирасида жалб этиладиган чет эллик мутахассисларга кўп марталик визаларни расмийлаштириш, бериш ва муддатини узайтиришни, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойига рўйхатга олиш ва муддатини узайтиришни давлат божи ундирмасдан таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали

амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шунингдек, Жаҳон банки ҳамда миллий қонунчилик талабларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

14. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

15. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:

Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқсин ва жорий қилсин;

Лойиҳани амалга оширишда очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Ишчи гуруҳи (Барноев, Ходжаев): **бир ҳафта** муддатда ўзининг биринчи мажлисини ўтказиб, Лойиҳа доирасидаги масъул ижрочиларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган Лойиҳа доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида “Йўл харита”ларини тасдиқласин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев):

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Эргашев), Марказий банк (Холхўжаев) билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган вазирлик ва идора ходимлари учун хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда **икки ҳафталик семинар** ташкил қилсин;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида давлат-хусусий шериклик шартла-

ри асосида тадбиркорлик субъектларини жалб этиш чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги (Эргашев) билан биргаликда молиялаштирилган сублоийҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин;

в) Бош вазир ўринбосари С.Умурзоқов қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида Лойиҳа доирасида экспортёр корхоналарни жалб қилиш чораларини кўрсин;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан бир ой муддатда Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ташаббускорлар иштирокида тақдимотлар ўтказилсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва “Дунё” ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2020 йил 1 декабрда ва 2021 йилнинг ҳар чорага якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 август*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз томонидан имзоланган “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, Ишчи гуруҳи тасдиқланиб, унга Лойиҳа ижросини мувофиқлаштириш, жалб қилинаётган 500 миллион доллар маблағ доирасидаги ҳар бир лойиҳани асослиги ва мақсадга мувофиқлигини ўрганиш юклатилди. Лойиҳа доирасида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Мутасадди идоралар раҳбар-мутахассислари ва хорижий молиявий идоралар вакиллари мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида ўз фикр-муносабатларини билдирди.

Баҳодир ХОЛИҚОВ, Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари

- Ҳар қандай давлатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг асосий устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорти ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида 9 та устувор йўналиш белгиланган бўлиб, улардан бири республикада қишлоқ хўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини қўллаш ҳамда амалга ошириш ҳисобланади.

Кеча қабул қилинган қарорда ҳам жалб қилинаётган маблағнинг муайян қисми илмий тадқиқот институтларини трансформацияси йўналиши доирасида фанни ривожлантиришга, илғор технологияларни жорий этишга ажратилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасалари, ихтисослашган марказлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга йўналтирилади.

Иван ХОРВАТ, Жаҳон банки консултанти

- Ушбу қарорнинг имзоланиши фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестиция киритувчилар учун ажойиб янгилик бўлди. Ўзбекистон юксак салоҳият ва имкониятлар мамлакатидир. Жаҳон банкининг лойиҳаси бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Маслаҳатлашувлар ва инновацияларни жорий этиш имкониятларининг яратилиши лойиҳанинг муҳим жиҳатидир. Бу ўринда янги тизим нафақат ахборот йўналишида, балки техник томондан ҳам қўмақ кўрсатувчи малакали мутахассислар, бутун мамлакатни қамраб олувчи сервис хизмати, ёрдамга эҳтиёжи бор фермерлар учун доимо очик эшиклар ҳақида сўз бормоқда. Улар ўз ишларини ривожлантириш учун барча керакли маълумотларга эга бўлишади. Бу эса ўз навбатида, соҳада самарали натижаларга эришишга тўртки бўлади.

Эдриан НИЛ, Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича маслаҳатчиси

- Мазкур қарорнинг қабул қилиниши мени ғоят қувонтирди. Бу Жаҳон банки учун жуда аҳамиятли лойиҳа. Унга салмоқли сармоялар киритилади ва бу соҳанинг яқин келажакдаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Лойиҳа соҳага оид билимларни ошириш, янги технологияларни жорий этишни назарда тутати. Бу эса ўз навбатида, агро соҳада янги тадқиқотларга йўл очиб беради. Сармояларнинг киритилиши, мутахассислар малакасининг оширилиши, фермерлар билимини амалиёт билан боғлаш имконини берувчи маслаҳат хизматининг йўлга қўйилиши ҳам диққатга сазовордир.

Бугун Ўзбекистонда мазкур тизим яхши йўлга қўйилган. Европа Иттифоқи ҳам лойиҳани молиялаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб, уни қўллаб-қувватлайди. Ишонамизки, ушбу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг агросекторини яхшилашга хизмат қилади ва мамлакатга дунё бозоридида ўз ўрнини топишига имкон беради.

Шухрат ОМОНОВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи

- Жалб қилинаётган 500 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегияси мазмунидан келиб чиқиб, тўртта компонент бўйича тақсимланади.

Биринчи компонент қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви ва соҳадаги илмий-тадқиқот муассасаларини тубдан янгилашга қаратилади. Бу келгусида ишлаб чиқаришда илмий асосланган таклиф ва ишланмаларни кенг жорий қилинишини таъминлайди.

Иккинчи компонент — кредит линияга 200 миллион АҚШ доллари ажратилади. Бу маблағнинг 70 фоизи, биринчи навбатда, интенсив боғлар ва тоқзорларни барпо этиш, мева-сабзавотчилик тармоғидаги маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш ва очик далаларда энергия тежовчи технологияларни жорий этишга йўналтирилади.

Лойиҳанинг учинчи компоненти интенсив боғларни яратишда жорий этиладиган янги механизмга қаратилади. Бунда аҳолига интенсив боғларни тайёр ҳолда топшириш режалаштирилмоқда.

Тўртинчи компонент эса, агрологистика марказларини ташкил этиш бўлиб, бугунги кунда республикада 405 минг тонна қувватга эга 25 та агрологистика корхонаси фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда Жаҳон банки ҳамда Осие тараққиёт банки иштирокида учта йирик шундай марказ ташкил этилиб, ҳамкорликда ишга тушириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Б.ЭГАМҚУЛОВ тайёрлади.

ПАХТАКОР ХИРМОН КЎТАРМОҚДА

Пахта ҳосилини ўз вақтида, сифатли йиғиб-териб олиш хусусида



Мана пахтакорларимизнинг йил бўйи қилган заҳматли меҳнати маҳсули – пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсуми ҳам бошланмоқда.

Бу муҳим агротехник тадбирда, энг аввало, далани танлаш ва теримга тайёрлаш лозим. Далани танлашда экиш муддатларига ва бир хил ўсиш ва ривожланишига ҳамда очилиш суъратлари юқори бўлганларига эътибор қаратиш керак. Ёўзада 40-50 фоиз кўсақлар очилган майдонларни аниқлаб, аввал дефолиация ўтказилади. Дефолиациядан 10-12 кун ўтгач, дала пахта теримига тайёр бўлади, ҳар бир далага техника кириши учун йўллар тайёрланади. Суғориш ариқлари кўмилиб, даладаги челлар ва ўқариқлар текисланади. Дала боши ва охирида айланма майдонидаги ёўзалар ўриб олиниб, тиркамалар юриши учун қулайлик яратилгандан сўнг, даланинг 5 нуқтасидан конверт усулида 10 тадан ўсимлик намунаси олиниб, ушбу ўсимликлардаги жами кўсақлар сони ва ундан очилганлари санаб чиқилади. Намунадаги ўсимликларда кўсақлар 80-85 фоиз очилган бўлса, ушбу далада йиғим-терим ишларига киришилади.

Йиғим-терим мавсумида ишларни ташкил этиш, яъни пахтани териш, ортиш, топшириш, қабул қилиш, ғарамлаш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа алоқадор идораларнинг тайёрлаб тасдиқланган меъёрий ҳужжатлари ва белгилаб берган тартиб қоидалари асосида амалга оширилади.

Уруғлик пахтани териш тартиби

Уруғлик пахта етиштирувчи уруғчилик фермер хўжаликларида махсус комиссия томонидан апробация ўтказилгандан сўнг, уруғлик пахтани териб олиш тартибига қаттиқ риоя қилинган ҳолда ўтказилади. Уруғлик пахта худудлар бўйича ёўза тупининг 3-8-ҳосил шохидаги биринчи кўсақлар пахтасидан териб олинади. Бунда уруғчилик хўжалигининг йўналишига қараб, уруғлик авлодлар (репродукция) бўйича алоҳида теришлиши шарт.

Уруғлик пахтани териб олишда далада камида 65-70 фоиз кўсақлар очилган бўлиши ҳамда теримда иштирок этадиган теримчилар уруғлик пахтани териб олиш тартиби билан таништирилиши шарт.

Мутахассислар томонидан уруғлик учун яроқли деб топилган ёўза майдонлари бегона ўтлардан ва бошқа нав аралашмаларидан тозаланган бўлиши лозим. Далада 65-70 фоиз кўсақлар очилганда уруғлик пахтани теришга рухсат этилади. Уруғчилик хўжалиги уруғчи агрономи, пахта уруғчилиги бирлашмаси мутахассислари назорати остида уруғлик пахта теришлиши ташкил этилиши шарт. Уруғлик пахтани териб олишда

пастдаги ва 8-ҳосил шохидан юқори шохлардаги, ёўзанинг асосий тупидан узоқ жойлашган, касалланган, мажбуран очилган, зараркунанда ҳашаротлар билан зарарланган кўсақлар пахтасини териш таъқиқланади.

Уруғлик пахтани терувчи ҳар 10 та теримчи устидан битта назоратчи қўйилиши лозим.

Пахтани машинада териб олиш

Бу йилги шароитда пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олиш мақсадида далаларни танлаш, тайёрлаш, машина иш органларини тўғри сошлаш, теримни ташкил этиш қоидалари ва технологиясига қатъий амал қилишга боғлиқдир. Лекин бу тадбирлар ўтказиладиган далада машинабоп ёўза навлари танланиб, парваришига алоҳида эътибор берилиши лозим. Ёўза навлари компакт бўлиб, ўртача ҳосилдорлиги 25-30 ц/га дан кам бўлмаслиги лозим.

Далалар бегона ўтлар, айникса, ёўзага ўралиб ўсувчи кўп йиллик бегона ўтлардан тоза бўлиши керак. Бунинг учун бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлар қўллаш даркор.

Охирги культивацияда ариқлар қатор ораларининг ўртасидан юзароқ олиниб, ёўза туплари атрофида йирик кесаклар пайдо бўлмаслигини таъминлаш лозим, шунинг учун культивация юза ва тупроқ намлиги етилганда ўтказилиши керак. Амал даврида эгатларни охирги очишда тупроқ ёўза туплари тагига сурилса, ёўзанинг ётиб қолишига йўл қўйилмайди.

Дефолиация кўсақларнинг очилишини тезлаштиради, пахта хомашёсининг сифатини яхшилайди, биринчи нав пахта чиқиш имкониятини оширади, энг муҳими, терим муддатларини қисқартириш ва далаларни кейинги экинларни экишга тайёрлаш учун эртароқ бўшатиб бериш имконини беради.

Шунинг учун машинада пахта териладиган майдонларни дефолиация қилишга алоҳида эътибор берилиши лозим, бунда терим олдида ҳар бир ёўза ўсимлигида ўрта ҳисобда 3 тадан ортиқ кўк барг, 4 тадан ортиқ қуруқ, барг бўлмаслиги керак. Машина терими бошланган пайтда кўсақларнинг очилиши 80-85 фоиздан ортиқ бўлиши лозим, шунда пахта териш машиналарининг унумдорлиги юқори бўлади.

Машиналар учун 10-12 метр кенликда текисланган қайрилиш майдончаси бўлиши шарт.

**Джамалхон АХМЕДОВ,
Феруза ХАСАНОВА,
ПСУЕИТИ.**



Бу йил етиштирилган пахта ҳосилининг бир қисмини МХ-1,8 вертикал шпинделли ва "Case-2022", "CE-220, CE-420, CE-620, CE-630", "JOHN DEERE" русумли горизонтал шпинделли пахта териш машиналари билан териб олишга қизгин тайёргарлик кетмоқда.

ПАХТА ҲОСИЛИНИ МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА СИФАТЛИ ТЕРИШ



Бундай машиналар ёрдамида ҳосилни ерга тўкмасдан, тўлиқ ва тоза териб олиш даражаси далаларни теримга тайёрлаш, пахта териш машинасини ғўза тупларининг ҳолати ва ҳосилдорлигига қараб тўғри ростлаш, теримни отряд усулида ташкил этиш, унинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаб бориш, машина ва механизмларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш, содир бўлган носозликларни даланинг ўзида бартараф этиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қодаларига оғишмай амал қилишга боғлиқ эканлигини фермерларимиз ва пахта-тўқимачилик кластерлари мутахассислари яхши биладилар.

Агрономлар, фермерлар ва туманлар "Агросервис МТП" муҳандислари терим бошланишидан олдин машинабоп пахта майдонларини танлаб олишлари зарур.

Майдонлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: қатор оралиғи кенглигининг амалдаги қийматдан четланиши кўпи билан ± 3 см; пушталарнинг чўққиларида 5 см. дан катта йирик кесаклар бўлмаслиги лозим; ғўза тупларининг баландлиги 80-100 см атрофида; терим олдидан ғўза барглари тўкилиш даражаси энг камида 85-90%; ғўза тупларидаги кўсақларнинг очилганлик даражаси 80-90%; даланинг боши ва охирида машинанинг қайрилиши учун тайёрланган текис майдончанинг кенлиги энг камида 10 метр; ҳамма ўқариқлар ва бешамақлар сифатли текисланган бўлиши шарт;

дала контурларининг шакли тўғри тўртбурчак (конверт) кўринишига келтирилган (машинанинг иш унуми ва кўрсаткичлари ортади); алоҳида контурларнинг майдони машинанинг бир кунлик иш унуми (4-6 гектар)га тенг, узунлиги энг камида 500 метр (машина кун давомида бир даланинг ўзида ишлайди, қайрилиш ва бурилишларга кўп вақт сарфланмайди); далалар бегона ўтлар, айниқса, ғўзага ўралиб ўсвучи ўсимликлардан (масалан, печакдан) тоза (шпинделлар тез кирланмайди, уларни тозалаш осонлашади); кўчат сони гектарига 100-120 минг туп атрофида (далада режадаги ҳосил тўпланари, машинада кўп пахта терилади); ғўзалар бир текис ривожланган, пахта ҳосилдорлиги гектарига энг камида 30-35 центнер атрофида (кам ҳосилли далаларда машинанинг агротехник кўрсаткичлари ва иш унуми пасайиб кетади).

Машиналар юқори унум билан ишлаши ва пахтани ерга меъёридан ортиқ тўкиб юбормаслиги учун уларнинг ҳар бири терим олдидан ва терим даврида (дала ва ғўзанинг ҳолатига қараб) ўрнатилган тартибларда ростланиши лозим.

Вертикал шпинделли машиналарнинг энг муҳим ростлаш кўрсаткичлари ва уларнинг қийматлари қуйидагилардир: аппаратлар иш тирқишлари ўқлари ва машинанинг бўйлама ўқи орасидаги масофалар 450 мм; аппарат иш тирқишининг вертикал ҳолатдан четланиши - кўпи билан ± 15 мм;

аппарат пастки рамкасининг ерга нисбатан нопараллеллиги - кўпи билан ± 5 мм; жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар орасидаги иш тирқишининг пастки ва юқори қисмларидаги кенгликлари ўртасидаги фарқ - кўпи билан 2 мм; жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар юқориги дискларининг вертикал бўйича ўзаро силжиши - кўпи билан 7 мм; жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар шпинделларининг ўзаро шахмат тартибида жойлашувидан четланиши - кўпи билан ± 6 мм; жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар орасидаги иш тирқишининг қийматлари: олдинги жуфтлик учун 26-40 мм ва кейинги жуфтлик учун 22-36 мм; аппаратнинг олдинги ва кейинги жуфт барабанлари орасидаги иш тирқишлари кенгликларининг тафовути - кўпи билан 4 мм; ажраткич чўткалари қилларининг шпинделлар тишларига максимал ботиб туриши 2 мм; ажраткич чўткалари қиллари билан шпинделлар тишлари орасидаги максимал тирқиш 1,5 мм; ажраткичлар ўртасига ўрнатилган тўсиқнинг қирраси билан олдинги ажраткич чўткаларининг қиллари орасидаги тирқиш кенлиги 5-7 мм; аппарат эшикчаси билан олдинги ажраткич чўткаларининг қиллари орасидаги тирқиш кенлиги 5-7 мм; пневмосистема вентиляторлари юритмаси тасмаларининг юқори тармоғини 3-4 килограм куч (30-40 Н) билан босганда уларнинг эгилиши 11-23 мм.

Горизонтал шпинделли машиналарни ростлаш: терим аппаратининг олдинги қисми тортқи ёрдамида орқа қисмига нисбатан 25-50 мм пастда жойлаштирилади (иш тирқишига кесаклар тиқилиб қолмайди); тупкўтаргич тубидаги созловчи пластинанинг орқа қисми тупкўтаргич тубидан 50 мм пастда бўлсин (тупкўтаргичнинг учи тупроққа кириб кетмайди); аппарат баландлигини бошқарадиган ричагли механизм шундай созлансинки, бунда баландликни автоматик бошқариш тизими иш жараёнида аппаратнинг пушта устидан доимо 12 мм баландликда ўтишини таъминласин; ғўза тупларини шпинделларга қисиб (босиб) берувчи шчиток юзаси билан шпинделларнинг учлари орасидаги масофа 6,5-7 мм бўлиши шарт; меъёрида созланган пахта ажраткич дисклари шпинделларга уларнинг узунлиги бўйича бирдек ва оҳиста тегиб туриши лозим (тирқиш кенглиги: 0,1-1 мм); ҳамма чўтка-намлагичлар шпинделлар сиртларига горизонтал равишда бирдай тегиб туриши лозим. Шпинделлар яхши тозаланиши учун чўтка-намлагичга келаятган тозаловчи суюқлик миқдори етарли бўлиши керак. Ғўза туплари ва чаноклардаги пахтанинг намлиги юқори бўлса, суюқликни камроқ ишлатиш тавсия этилади.

Пахта ҳосилини машинада териш қоидалари: пахта даласи бутун кенглиги бўйича 10 қатордан иборат алоҳида-алоҳида пайкалларга ажратилади ва улар нишон қозиқлари билан белгиланади. Пайкаллардаги қаторлар ёндош қатор ораларидан бошлаб саналади; қаторларга кириш олдидан аппарат иш тирқишининг кенглиги ростланади. У пахта ҳосилдорлиги ва ғўзаларнинг ривожланганлик даражасига қараб ўрнатилади; аппаратлар ёндош қаторларга кирмаслиги керак, чунки бундай қатор ораларининг кенглиги турлича бўлгани туфайли, ғўза туплари иш тирқишига эгилиб қиради, пахта ерга кўп тўкилади ва аппаратлар ғўзаларни шикастлайди; қаторларга кириш олдидан аппарат ва вентиляторлар ишга туширилади ва тракторнинг зарур узатмаси қўшилади. Двигател энг катта тез-

ликда ишлашга қўйилади; аппарат иш ҳолатига туширилади. Қайрилиш жойларида охириги ғўза туплари бошқарилувчи ғилдираклар билан тенглашгандан кейингина машинани оҳиста ва равон қайириш керак; даланинг бошида ғўза туплари аппарат иш тирқишига тўппа-тўғри кириши лозим. Пайкаллардан чиқаётганда охириги ғўза тупи иш тирқишидан ўтгандан кейингина, двигателнинг айланиш частотасини камайтириш мумкин; терим аппаратининг баландлиги ғўза тупидаги пастки кўсақларнинг пахтаси тўла териладиган, барабанларнинг пастки дисклари эса пуштага тегмайди-ган қилиб ўрнатилади. Механик-ҳайдовчи аппарат рамкаси тупроқни сидирмаётганини ва катта кесаклар иш тирқиши олдини тўсмаётганини доимо кузатиб бориши керак; қабул камералари тиқилиб қолганда машина, аппарат ва вентиляторни дарҳол тўхтатиб, тиқилган нарсаларни олиб ташлаш, носозликларни бартараф этиш лозим. Қабул камераси тиқилиб қолган ҳолда иш давом эттирилса, пахта ерга кўп тўкилади, шпинделларга пахта ўралашади ва ажратгичлар синиб кетади; шпинделлар сатҳи шира босмаган ва пахта толалари билан ўралмаган – тоза бўлиши лозим. Шпинделлар ифлосланганда уларни босим остидаги сув билан ювиб – тозалаш шарт. Акс ҳолда, машинанинг агротехник кўрсаткичлари 3-4 фоизга пасайиб кетади; бункер пахта билан тўлганда дарҳол бўшатиш лозим. Бункери кўтарилган машинани юргизиш қатъиян ман этилади; қаторлардан чиқишда, пахтани бўшатишда, бир даладан бошқа далага ўтишда ва йўлда юрганда аппаратлар транспорт ҳолатга кўтарилади. Машинани узоқ масофага ҳайдаб боришда терим аппаратларини транспорт ҳолатига кўтариш ва уларни тирак ёрдамида қимирламайдиган қилиб қотириш керак. Шунда аппаратлар ўз-ўзидан ерга тушиб кетмайди.

Машинада содир бўладиган носозликларни даланинг ўзида бартараф этиш учун ишдан тез-тез чиқадиغان қуйидаги эҳтиёт қисмларнинг захираси олдиндан барпо этилади: чап шпиндел; ўнг

шпиндел; шпиндел пастки таянчининг втулкаси; шпинделларни тўғри ва тескари айлантурувчи понасимон тасмалар, уларнинг цилиндрик пружиналари; пахта ажраткич барабан; пахта ажраткич юқори таянчининг втулкаси; чўткали планка; пневмосистема вентиляторининг понасимон тасмаси; насос-дозатор, унинг клапани; тормоз цилиндрининг манжетаси.

Машиналарга техник хизмат кўрсатувчи кўчма устахонада мотор мойи, тормоз суюқлиги, электр системасининг лампалари ва сақлагичлари, турли ўлчамлардаги шпонкалар ва шплинтлар, изоляцион лента каби деталлар ва материаллар ҳамда тозаловчи чўтка, шпинделларни тўғри айлантурувчи тасмаларни ечадиган ва ўрнатадиган илгак, шчуп, зарур гайкали ва торец калитлар, монтаж сингари асбоб-ускуналар етарли миқдорларда туриши лозим.

Шуни доимо эсда тутиш лозимки, пахта териш машинасини бошқарувчи шахс оддий механизатор эмас, у – механик-ҳайдовчидир. Механик-ҳайдовчи нафақат машинани бошқаради, балки унинг қисмларини ғўза ва даланинг ҳолатига қараб ростлайди, иш жараёнида содир бўладиган носозликларни бартараф этади, машинага сменалик ва даврий техник хизмат кўрсатиш ишларини мустақил бажаради, энг муҳими, пахта териш машинасидек мураккаб техника воситасини самарали ишлата олади. Шу боис пахта териш машинасини фақат билимли, тажрибали ва ўз ишига масъулият билан ёндашадиган механик-ҳайдовчигагина ишониб топшириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, етиштирилган пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олиш салмоғи ва сифатини ошириш учун фермерлар, агрономлар, муҳандис-техник ходимлар, механизаторлар ва сервис ходимлари ўзларининг билим ва тажрибаларини тўлалигича намоён этишлари лозим бўлади.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор,
ҚХМИТИ.

БОҒ-ТОКЗОРЛАРДА ПИШИБ ЕТИЛГАН МЕВАЛАРНИ ТЕРИШ ВА САҚЛАШ



Жорий йилда мамлакатимиз боғ ва токзорларида кўп мева ва узум ҳосили етиштирилди. Баҳорнинг эрта келиши ҳамда июнь-август ойларида ҳавонинг ҳаддан ташқари юқори исиб кетиши боис боғларимизда ва токзорларимизда мева-узумлар 15-20 кун олдин пиша бошлади. Натижада, ушбу ҳолат айрим вилоятларда фермер хўжалиklarини шошириб қўйди. Боғларда мевалар тезлик билан пишганлиги боис, биринчи навбатда, пишиб етилган мевалар кетма-кет терилиб, савдо тармоқларига ва қайта ишлаш саноатига юборилмоқда. Сентябрь ойида мевали боғларда ва токзорларда мавсумий парвариш ишлари, асосан, тугалланган бўлиб, мева ва узум ҳосилини қишга сақлаш учун теришга эътибор қаратиш зарур.

Меваларнинг кечпишар навлари бу йилги шароитда сентябрь ойи бошида пишиб етилиб бўлди. Эндиги вазифа ушбу ҳосилни нест-нобуд қилмасдан териб олишга қаратишдан иборат бўлиши зарур. Бунинг учун теримчиларга мева-узум ҳосилини териш техникаси тушунтирилиб, улардан ҳосилни сифатли қилиб териш талаб этилади.

Боғларда, энг аввал, ерга тўкилган мевалар териб олинади, кейин дарахтдаги ҳосил узилади. Узилган мева-узумлар товар ҳолатига келтирилади, яъни улар сараланади, катта-кичикликка кўра ажратилади ва яшиқларга тахланади. Яшиқларга жойланган мева-узум маҳсулотлари транспорт воситаларига ортилиб, сақлашга, қайта ишлашга, сотувга юборилади ёки экспорт қилинади.

Айрим данакли мевалилардан шафтоли ва олхўри меваларининг пишиб етилганлари қуритишга, яъни салқин жойларга, дарахтлар тагига қўйиб, очик ҳавода қуритилади.

Қуритиш мавсуми бошланганда ёгингарчилик ҳам бошланади. Натижада, кўп хўжалиқларда мева-узум маҳсулоти исроф бўлиши мумкин. Шунинг учун кейинги йилларда мева-узум маҳсулотларини янги усул, яъни плёнка остида қуритиш усули бўлиб, мева ва узумни плёнка билан ёпилган хоналарда қуритиш афзаллиги аниқланди.

Сентябрь ойида бажариладиган тадбирлар

Буларга: ярим очик палатка. Ушбу палатка қуйидаги катталиқда бўлади: эни 4 м., баланд тепаси 2 м. 40 см., ён деворларининг баландлиги 1 м., палатканинг иккала ён томонига патнисларнинг жойлаши учун этажеркалар ўрнатилади. Ҳар қайси патнисга 6-8 кг. мева ёки узум сиғади. Палатканинг битта бўлимида 10 тагача ҳўл мева-узум маҳсулотини қуритиш мумкин. Палатканинг ён деворлари ердан 40 см. баландликкача плёнка билан беркитилади. Қуритиш жараёнида пайдо бўлган буғларни чиқариб юбориш учун табиий ҳаво алмашиши таъминланади. Палатканинг ичида ҳарорат ташқарига нисбатан 2-3°C юқори бўлади.

Йиғма палатка, бу бошқаларга нисбатан қуйидаги афзалликларга эга: усти полиэтилен плёнка билан ёпилади ва энгил йиғилади. Йиғма палатка эни ва узунлиги 4 м., энг баланд тепа қисми 2 м. 20 см., ён деворларининг баландлиги 1 м. 60 см. Палатканинг пастки қисми ердан 40 см. баландликда очик туради, қолган қисми плёнка билан тўлиқ ёпилади. Палатка ичидаги ҳарорат ташқаридагига нисбатан 3-6°C юқори бўлади. Эрталабки шудринг палатка ичига ўтмайди. Сифатли қуритилган маҳсулотни қишда савдо тармоқларига жўнатиш ёки хорижга экспорт қилиш мумкин.

Қишки олма, нок ва беҳи навларининг асосий қисмини сақлаб, яъни омборхоналарга ҳамда совутгичли омборхоналарга жойлаб, кеч куз ва қиш ойларида экспортга йўналтириш ҳамда аҳоли истеъмоли учун сотувга чиқаришга қаратиш зарур.

Қишки узум навларидан “Пушти тойфи”, “Нимранг”, “Ҳусайни”, “Риза-

мат” навларининг бир қисмини экспорт қилиб, асосий қисмини сақлашга қўйиш мумкин. Саноатбop узум навларининг ҳосили қайта ишлаш корхоналарига юборилади.

Ушбу ойда пишган кечки мева-узумнинг бир қисми сақлашга қўйилади. Мева-узум маҳсулотлари ертўлалар, омборлар, оддий ўралар ёки типовой омборхоналарда ҳамда совутгичли омборхоналарда сақланади.

Мева-узум маҳсулотларини сақлаш учун энг яхши шaroит: ҳаво харорати ва намликни доимо аниқ белгиланган даражада ушлаб туриш.

Мевалар етилганда, уларни об-ҳаво қуруқ вақтда, банди билан бирга авайлаб узиш керак.

Сақлаш учун терилган мевалар етилиш даражаси бўйича навларга ажратилади ва улар ўлчамлари бўйича саралаб, яшиқларга жойланади, 7-8 яшиқни устама-уст, омборни шипигача 50-60 см. масофа қолдириб тахланади. Яшиқларнинг айрим қаторлари ўртасида ҳаво юриши учун 10 см. тирқиш ва ораликда юриш учун 60-80 см. ли йўлак қолдирилади.

Олмани омборларда идишсиз сақлаш учун деворлар бўйлаб турли кенгликда баландлиги 10-15 см. ли ёндорли сўқчалар ўрнатилади.

Тахтадан ёки фанерадан ишланган баланд бўйли параллел жойлашган сўқчалар ўртасидаги масофа 70-80 см. дан кам бўлмаслиги керак.

Мева-узумларни сақлаш вақтида текшириб туриш учун сўқчалар пирамида шаклида қўйилиб ёки юпқа қават қилиб ёйиб қўйилади.

Олма ва нокни 5-6 ойгача сақлашнинг энг яхши шарт-шaroити: ҳаво харорати



0-1°C ва нисбий намлик 85-95% бўлиши керак.

Албатта, оддий ертўлаларда бундай шароитга эришиш қийин, шунинг учун юқоридаги шароитга яқинлашишга ҳаракат қилиш керак, яъни ҳавони шамоллатиб, сув сепилиб, олтингургурт билан дудлаш ва мева-узумларнинг сифатини кузатиб бориш талаб этилади.

Узум сақланаётганда эҳтиёткорлик билан узилган узум бошларини сояга ёйиб, 1-2 кун мобайнида шамоллатиб сўлтилади. Сўнгра узум бошларини иккитадан бойлаб осиб сақласа бўлади. Ёки узун новдалар билан кесилган узум бошлари новдаси сувли идишга ботириб қўйиб сақланса, натижаси яхши бўлади, яъни узум узоқроқ сақланади.

Айрим жойларда узум қамишда тўқилган бордонларга ётқизиб ҳам сақланади. Сақланаётган маҳсулот бир ойда икки мартаба кўздан кечириб турилади ва омборхонага олтингургурт билан дудлаб турилади.

Маълумки, тоқзорларда узумлар узиб олингач, изидан кетма-кет тоқларни кесиш ва шакл бериш ишлари бошлаб юборилади. Бу агротехник тадбирлар жанубий минтақалардан ташқари барча ҳудудларда бошлаб юборилади.

Ток тупларининг новдаларини кесиш икки мuddатда: ерга кўмиладиган тоқлар кузда, кўмилмайдиган тоқлар, асосан, эрта баҳорда кесилади.

Токни умумий қабул қилинган технология бўйича кесиш зарур. Ток кўмиладиган туманларда кесиш вақтида тупларда қабул қилинган меъёрдан 20-25 фоиз қўшимча кўзлар қолдирилади. Кучли ўсадиган “Пушти тойфи”, “Нимранг”, “Ҳусайни”, “Ризамат”, “Қора кишмиш” каби навларда кўзлар кўпроқ қолдирилиб, узунроқ кесилади. Бир тупда 200-300 тагача кўз қолдирилиб, ўртача ўсувчи “Баян Ширей”, “Ркаци-тели”, “Саперави”, “Мускат розовый” навларида кўзлар сони 150-180 тагача қолдирилади. Кучсиз ўсадиган “Рислинг”, “Пино Чёрный” навларида 80-120 та кўз қолдирилади.

Пишган новдаларни кесишда уларни пастки симга боғлаш мумкин бўлсин, заифроқ новдалар 2-3 та кўзча қолдириб кесилади. Келажакда 4-5 та занг бўлиши учун новдалар қолдирилади, 9-10 ёшли занг новдалар янгиланиш мақсадида кесиб ташланади.

Кесилган ток туплари қўндоқланиб ерга ётқизилгач, кўмишдан олдин оидиум (кул) ва антракноз касалликларига

қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингургурт қайнатмаси билан жиққа ҳўллаб пуркаланади.

Мева дарахтларини қишлашга тайёрлаш зарур. Жорий йилнинг июнь-июль ойларида ҳаво-ҳароратининг қаттиқ исиб кетиши боис тупроқда нам анча камайган. Бунинг учун тупроқ қатлами қалин бўлган бўз ва бўз-ўтлоқ ерларга экилган боғларни сентябрь ойи бошида, тупроқ қатлами юққа бўлган (таги шағалли ерларда) майдонларда сентябрь ойининг охиригача суғориш зарур. Бунда дарахтлар қишга яхши тайёрланади ҳамда улар совуқдан азият чекмайди.

Резавор мевали ўсимликлар (қулупнай, қорағат, малина) бу ойда яхши парвариш қилиниб, бегона ўтлардан тозаланиб, таглари чопилиб, иложи бори-ча чиринди (гўнг) билан озиклантирилиб суғорилади. Шунда улар келаси йил ҳосили учун етарли миқдорда мева куртақларини ҳосил қилади.

Равшан АБДУЛЛАЕВ, қ.-х.ф.н.,
Ҳилола АБДУЛЛАЕВА,
қ.-х.ф.ф.д. (PhD),
Академик М.Мирзаев номидаги
БУВаВИТИ.

ДЕҲҚОН ВА ТАЛАБАГА МУҲИМ ҚўЛЛАНМА

“Наврўз” нашриёти **жорий йилда профессор Т.Э.Остонақуловнинг юқорида қайд этилган номда монографиясини кўп нусхада чоп этди.**

Монографияда дунё ва мамлакатимизда туганакмевали экинлар гуруҳининг тутган ўрни, ҳолати ва фойдаланилиши батафсил баён этилган. Дунё деҳқончилигида туганакмевали экинлардан картошка, маниок, ямс, батат, таро, топинамбур етиштирилиб, улардан республикамизда кенг тарқалгани картошка, қисман ер ноки ва батат экилади. Шунинг учун мазкур монография 3 та бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим – картошка экинига, унинг аҳамияти, тарқалиши, морфобиологик хусусиятлари, навлари, эртаги, кечки, иккиҳосилли, ҳақиқий уруғидан кўчат экиш сифатида картошка ўстириш технологияси, Голландия нав ва технологияси хусусиятлари, муаммолари, картошкани сақлаш усуллари ва шароитлари, картошканинг айниши ва жадаллашган вирусиз уруғчиликни in-vitro асосида ташкил этиш услуги ва тартиблари берилган.

Иккинчи бўлим – топинамбур экинини ўрганишнинг долзарблиги ва зарурати, ишлатилиши, фойдали хусусиятлари, ботаник таърифи, биологияси, ўстириш ва сақлашдаги муаммолари аниқланиб, бу борада тадқиқот йўналишлари ва объектлари белгиланиб, нав намуналар тўплами ҳар томонлама баҳоланган ва истиқболлилари ажратилган, битта “Эътироф” нави яратилиб, давлат реестрига киритилган. Ажратилган ер ноки навларини ўстириш технологиясининг асосий мақбул элементлари белгиланган. Бундан ташқари топинамбур истиқболли навларининг жадаллашган (4 йиллик) бирламчи ва элита уруғчилик тартиби ишлаб чиқилган. Уруғлик туганакларни сақлаш шароити ва усуллари такомиллаштирилгани баён этилган.

Учинчи бўлим – ширин картошка (батат) экинига бағишланиб, унда мавжуд генофонд комплекс баҳоланиб, истиқболлилари “Сочакинур”, “Тойлоқи”, “Ҳар-Вау”, “Јарап” навлари ажратилиб, уларни ўстиришнинг замонавий технологиялари илмий асосланган.

ЯНГИ НАШРЛАР

Т. Э. Остонақулов

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУГАНАКМЕВАЛИ ЭКИНЛАР



Тадқиқот натижалари асосида тегишли хулосалар қилинган ва мамлакатимизда туганакмевали экинлар вакиллари – картошка, айниқса, ер ноки ва батат ўстириб, мўл ва сифатли ҳосил олиш имконияти мавжудлиги кўрсатилган.

Умуман, монография агрономия йўналишидаги: бакалавр, магистр, докторантлар, олий таълим профессор-ўқитувчиларига ва фермерлар учун мўлжалланган.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сардоба сув омборида рўй берган тошқиндан кейин бир неча марта Сирдарёга ташриф буюрди. Юртбошмизнинг техноген офатдан зарур кўрган аҳоли вакиллари билан бўлган мулоқотларида сув омборининг ҳудуд учун муҳимлиги бот-бот такрорланди. “Нима учун Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ривожланишда ортда қолган? Сув бўлмагани учун, – деди ўшанда давлатимиз раҳбари. – Деҳқон одам билади, пахтага 5-6 марта сув бериш керак. Нимага бошқа жойларда 40-70 центнер ҳосил олинадими-ю, бу ерда 15 центнер? Чунки икки марта ҳам сув бера олмасдик-да. Иккинчидан, бирон марта такрорий экин эка олармидик? Сув йўқ эди-ку. Шунинг учун 2010 йилда тўғри хулосага келинган”.

Дарҳақиқат, бугун – техноген ҳодисадан сўнг ортда қолган тўрт ойдан кейин Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг сув танқислигидан азият чекаётгани катта ҳудуддаги ҳолат Сардоба сув омбори барпо этилишининг жуда тўғри ва ўз вақтида амалга оширилган иш бўлганини тасдиқламоқда.

— Сардоба сув омборидан келаётган сувнинг меъёрдан пастлиги нафақат фермерларимиз, балки деҳқон ва томорқа ер эгалари ишига ҳам салбий таъсирини ўтказмоқда, — дейди Мирзачўл тумани ҳокими Комил Холмуродов. — Улар ўтган йили

ўз ерларига экилган тўқсонбости экинлардан бўшаган ерларга бу йил деярли бошқа ўртаки ва кечки экинлар эка олишмади. Оқар сувнинг камлиги ичимлик суви таъминотига ҳам таъсирни ўтказмоқда, боиси, ичимлик сув ҳавзаларига яқин ҳудудлардаги фуқароларимиз томорқаларидаги экинларни, мол-ҳолини суғориш, жазирама кунларда ҳовлиларига сепиш учун ҳам ичимлик сувидан фойдаланишаётир. Чекка ҳудудларга эса, ичар суви етиб бормаяпти, кўпчилик уни ташиб келишга мажбур бўлмоқда.

“Санзор” фермер хўжалиги Арнасой туманининг иқтисодий бақувват, моддий-техника базаси мустаҳкам, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида қатор йиллардан буён юқори натижаларни қайд этиб келаётган жамоаларидан бири. Хўжаликка “Дўстлик” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари соҳиби Рашида Ёдгорова раҳбарлик қилади. Опа Сардоба сув омбори тикланиши ўта зарур эканини эътироф этди.

— Ўтган йили 100 гектар майдонга такрорий экин эккан эдик, — дейди Рашида Ёдгорова. — Бу ернинг тенг ярмига хўжалигимиз чорваси учун кечки озуқа экинлари, қолганига эса, жамоамизнинг 25 нафарга яқин аъзолари учун мош, ловия, маккажўхори, полиз экинларини экиб, парвариш қилдик. Сув етарли бўлгани учун қумоқ тупроқдан иборат ерларимиздан мўл ҳосил олдик. Бу йил

эса, Сардоба сув омборидан келаётган сувнинг камайиши сабаб жуда кўп ва катта режаларимиз ўзгариб кетди. Атиги 35 гектар ерда такрорий экин экилди, сабаби сув кам. Арнасой тумани ҳудуди Қизилқумнинг бошланишида жойлашган, сув бўлмаса, бу ерларда деҳқончилик қилишнинг ўзи бефойда.

Жиззахнинг энг йирик пахтачилик ҳудуди – Дўстлик тумани далаларининг катта қисми Сардоба сув омбори суви билан суғорилади. Туман ўтган йили вегетация мавсумининг авжида сув омборидан секундига 12,5 метр куб оби-ҳаёт олган эди. Бу йил эса, бу миқдор 7 метр кубга тушиб қолди. Жозил ака Эргашев шу туманда ўзи ташкил қилган деҳқон хўжалигининг 1 гектар еридан олаётган ҳосили билан оиласи фаровонлигини таъминлайди.

Бунда ўзига тегишли ер майдони лоток ариқнинг шундоққина ёнбошида, бошқача айтганда, “қулоқ”нинг бошида бўлгани отахонга жуда қўл келади. Сув беминнат бўлган майдондаги сабзавот ва полиз экинларидан йилига камида уч марта ҳосил олмаса кўнгли жойига тушмайди. 20 хилга яқин мевали дарахт экилган боғ, ярим сотихдаги иссиқхона ҳосилини-ку, айтмасангиз ҳам бўлади. “Сувни Марказий ўнг тармоқ канали орқали Сардобадан олардик, — дейди Жозил ака. — Ҳар йили лиммолим бўладиган лотокдан сув бу йил бир марта ҳам тўлиб оқмади. Ерларимиз атиги бир марта қониб сув ичди. Ҳосил ҳам шунга яраша бўлса, ажаб эмас!

Ҳудудлар раҳбарлари, тажрибали фермерлар, деҳқон ва томорқа хўжаликлари эгаларининг дилидан чиқаётган бу гаплар “Ўзи Сардоба сув омбори керакмиди?” дея савол беришни яхши кўрадиганларга жавоб бўлади, деб ўйлаймиз.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

БУГУНГИ МЕҲНАТ КЕЛГУСИ ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ



Маълумки, мелиорация тадбирларининг сифатли баъжарилиши тупроқда экинларни етиштириш учун қулай бўлган сув ва ҳаво, ҳарорат ва озик режимини, атмосферанинг ер юзасига яқин қатламида ҳавонинг ҳарорати ҳамда ҳаракатини ўзгартириш имконини беради. Натижада янги ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонлари кенгаяди, ернинг унумдорлиги ортиб, ҳосилдорлик ошади, маҳсулот сифати яхшиланади. Шу билан бирга мелиорация тадбирлари экологик муаммоларни ҳам ижобий ҳал этади.

Бу борада Бухоро вилоятида ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда вилоятда жами 274,6 минг гектар суғориладиган экин майдонлари бўлса, шундан 235,7 минг гектари турли даражада шўрланган ерлар бўлиб, бу ҳол тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигига доимо хавф солиб туради. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш учун ўзига хос агротехникани, машаққатни талаб этади. Айти пайтда вилоятда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёр даражасида ушлаб туриш учун 8 минг 675,4 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, шундан 1 минг 106,2 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 3 минг 134 дона кузатув қудуқлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Вилоятимизда ўтган йиллар давомида, ҳукуватимизнинг тегишли қарорлари билан тасдиқланган Давлат дастурлари доирасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 12 минг 304 км коллектор тармоқлари, 1021 дона гидротехник иншоотлар, 796 дона тик дренаж қудуқлари, 15 дона мелиоратив насос станциялари қурилди ва таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Бугунги кунга келиб, юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши натижасида лойиҳа ҳудудларидаги суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даражага туширилиб, мелиоратив ҳолатини яхши-ланишига ва барқарорлигини таъминланишига эришилди. Натижада ушбу ҳудудларда ҳосилдорлик пахта майдонларида ўртача 2 -2,5 центнерга, ғаллада 3 -5 центнерга ошишига эришилди, дейди «Аму-Бухоро» ирригация тизимлари ҳавза

бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедицияси бошлиғи Хайриддин Бозоров.

Жорий йилда ҳам вилоятда мелиорация соҳасида 15 та лойиҳа доирасида жами 89,0 км узунликдаги коллектор-дренаж реконструкция қилиш ва қуриш, ҳамда 20 та лойиҳа доирасида 1836,5 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш тадбирлари белгиланган бўлиб, мазкур қурилиш лойиҳаларида ҳозирда иш қизғин. Қурилиш объектларида пудратчи ташкилотлар томонидан 27 та эксковатор, 14 та бульдозер, таъмирлаш-тиклаш лойиҳаларида 43 та эксковатор, 16та бульдозерлар жалб қилинган. Маълумки жойлардаги мелиоратив ҳолатни аниқлашда, тинимсиз кузатувлар олиб бориш, тадқиқ этиш ва ўзига ҳос хулосани талаб этади. Ана шу мақсадда соҳа ходимлари томонидан ҳудудлардаги 3 минг 134 та кузатув қудуқларидан, улар орқали 25 та суғориш тармоқларидан, 612 та дренаж қудуқларидан, 72 та коллектор-дренаж тармоқларидан сув намуналари ва 4 минг 800 та тупроқ намуналари таҳлил қилиб борилмоқда.

Албатта қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, ер ресурслари ва уларнинг бугунги кундаги ҳолатига бевосита боғлиқ. Шу боис ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган бундай изчил тадбирларнинг амалга оширилиши вилоятда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўз муҳбиримиз.

Суратда: (чапдан) «Аму-Бухоро» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедицияси бошлиғи Хайриддин Бозоров ва бошлиқ ўринбосари Акмал Қўдратовлар келгуси ишларини муҳокама қилмоқда.

Бугун мамлакатимиз Биқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, самарадорлик ва унумдорликни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳанинг муҳим жиҳатлари ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Шу икки жиҳат экин майдонларининг унумдорлигини оширишда, ҳосилдорликни кўпайтиришда етакчи омил ҳисобланади.

Бу борада Самарқанд вилоятда ҳам изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Вилоятда жорий йилда Давлат дастури асосида, “Самарқандсувқурилишинвест” ДУК буюртмачилигида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, мелиоратив объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича кўплаб лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этиляпти.

— Вилоятимизда 2020 йилда Давлат дастури асосида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича жами 11 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, шундан 5 та лойиҳа 2019 йилдан 2020 йилга ўтувчи ва 6 та лойиҳа янгидан бошланувчи ҳисобланади. — дейди “Самарқандсувқурилишинвест” ДУК муҳандиси Исмоил Абдураззоқов. — Ҳозирда мазкур объектларимизда ишлар қизғин. Шулардан бири бўлган Оқдарё туманидаги “Қорадарё” дарёсининг Р.Ҳамраев массиви ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида бош пудратчи “Самарқандмахсуссувдренаж” МЧЖ томонидан шаршара қурилмоқда. Эътирофлиси, ушбу объектимиздаги ҳудудни селдан ҳимоялаш мақсадида олиб борилаётган ишлардан маҳаллий аҳоли жуда мамнун. Бу қурувчиларимизга далда бўлиб, шижоатига шижоат қўшапти. Шунингдек,



вилоятимизда ўтган йили ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари билан тасдиқланган Давлат дастурлари асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 16 та лойиҳа доирасида жами 14 млрд сўмлик 555,9 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш, тиклаш ишлари олиб борилди. Натижада туманлардаги 16 минг 300 гектар ерда ер ости сизот сувлари сатҳи пасайишига ҳамда 7 минг 900 гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати барқарорлашишига эришилди.

Жорий йилда ҳам бу тадбирлар давом эттирилиб, Давлат дастури асосида мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш бўйича 14 лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларнинг 6 таси йилдан-йилга ўтувчи ва 8 таси янги лойиҳа бўлиб, 596,3 км тармоқларда таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб бориляпти.

Албатта, юқоридаги тадбирлар туфайли лойиҳа ҳудудларидаги суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даражага тушиб, ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади ва барқарорлиги таъминланади. Натижада ушбу ҳудудлардаги ҳар гектар ерда пахта ҳосилдорлиги ўртача 2-2,5 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги 3-5 центнерга ошишига эришилади.

Хуллас, вилоятда ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш ишлари доимо соҳа ходимлари диққат эътиборида. Ҳозирда ҳаётга тадбиқ қилинаётган янги дастурлар, тизимли ишлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим устувор вазифаси — суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашнинг бош омилдир. Зеро, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ҳосилдорликни ошириш баробарида, ҳудуд иқтисоди юксалишига ҳам хизмат қилади.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

Сураатларда: (чапдан) “Самарқандсувқурилишинвест” ДУК муҳандиси Исмоил Абдураззоқов, “Самарқандмахсуссувдренаж” МЧЖ муҳандиси Эркин Мухторов. “Самарқандсувқурилишинвест” ДУК муҳандиси Исмоил Абдураззоқов (чапдан) пудратчилар билан келгуси ишлар режасини тузмоқда.

ҲАР МУАММОНИНГ ЎЗ ЕЧИМИ БОР

Хоразм вилоятининг Қўшқўпир тумани ўзига хос иқлимга эга бўлиб, қишнинг қуруқ-совуқ, изғиринли, ёзнинг қуруқ-иссиқ, жазирамали келиши туфайли баҳор ҳамда куз ойларида сув танқислиги сезилиб, деҳқон ва сувчилар ҳаётига таъсир ўтказади.



Кўҳна Хоразмнинг қумлоқ ерлари сувни жуда кўп талаб этади. Деҳқон учун долзарб август ойи ўтиб, пахта пайкалларида кўсақлар етилиб, далалар оппоқ манзара касб эта бошлади. Полиэларда йиғим-терим ишлари авжида.

Туманнинг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Ҳамро Валиев билан суҳбатимиз бугуннинг қайноқ дамлари хусусида бўлди. Туманнинг ривожланиши йўлида олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилар экан, унинг хоргин чехрасида мамнунлик акс этди.

Бошга келганини кўз кўради. Ҳозир ҳаммамиз учун синов даври, бунинг устига пандемия шароитида қатор қийинчиликлар, муаммолар юзага келиши табиий. Деҳқон учун кеча билан кундузнинг фарқи йўқ. Ахир, йиғим-терим даври бошланди. Суғориладиган ер майдонларимиз жами 23020 гектарни, аҳоли томорқалари 4601 гектарни ташкил қилади. Бу ер майдонлари Кенагас,

Қулобод, Ғозовот, Зей ёп каналлари орқали сув билан таъминланади.

Президентимизнинг 2020 йил 1 майдаги "Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, давлатимиз томонидан инқирозга қарши кураш маблағидан 1 млрд. 350 млн. сўм ажратилиб, Ғозовот, Ших, Оқдарбанд қишлоқлари худудларига оби ҳаёт етказиб беришдаги тақчилликларни камайтириш учун учта НДН-20 ва СНП-500 русумли сув насослари, жумладан, Ғозовот каналига 2 та, Озерный коллекторига 1 та сув насоси ўрнатилди. Бунинг натижасида 890 гектар экин ерларидаги сув муаммоси бартараф этилди.

Шунингдек, пахта-ғаллачилик билан шуғулланадиган 25 та фермер

хўжаликларига 25 та дизель ёқилғиси билан ишлайдиган кичик сув насослари ажратиб берилди. Қисқаси, бугунги пандемия даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда учрайдиган қатор муаммолар ўрганилди, улар имкон даражасида бартараф қилиниб, озиқ-овқат захирасини яратиш йўлидаги ишлар йўлга қўйилмоқда. Шунинг учун туманда жорий йилда 238 гектар ўза майдонларида сувтежевчи технологиялар асосида суғориш ишлари йўлга қўйилиб, бу ишлар учун белгиланган лойиҳага асосан 4 млрд. 707 млн. сўм маблағ сарфланди. Куз охирида деҳқон ва сувчиларимизнинг саъйи-ҳаракатлари билан етиштирилаётган ҳосилнинг залворига залвор, ҳиссасига ҳисса қўшилмоғи муқаррар.

Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.



**Қўшқўпир тумани қишлоқ
хўжалиги жамоаси
юртимизнинг барча
меҳнаткашларини
Истиқлолнинг 29 йиллиги
билан табриклайди.
Халқимизнинг йўли
ҳамиша ойдин,
келажаги порлоқ бўлсин!**

Навоий вилоятида ҳам сувни тежовчи суғориш технологияларининг афзалликлари, ҳосил етиштиришда талаб этиладиган ресурсларни иқтисод қилиш эвазига даромадни ошириш усулларини кенг тарғиб этиш, тежамкор технологияларни ўрнатмаган фермер хўжаликлари раҳбарларини янгиликлар билан яқиндан таништириш мақсадида ўқув-кўргазмали семинарлари ташкил этилмоқда. Ана шундай семинарлардан бири Кармана туманидаги “Ахатхон Анваров” фермер хўжалигида ўтказилди. Семинарда тумандаги фермерлардан ташқари кластер ташкилотлари раҳбарлари ҳамда тежамкор технологияларни ўрнатиб берувчи пудрат ташкилотлари мутахассислари иштирок этишди.

Мазкур технологияларни амалда синовдан ўтказаяётган фермерлар замонавий қурилмаларнинг фойдали томонлари ҳақида сўзлаб беришди. Жумладан, туманда биринчилардан бўлиб, 2019-2020 йилларда ўз экин майдонларига тежамкор технологияларни ўрнатган, бу борада икки йиллик тажрибага эга “Музаффар Истамов” фермер хўжалиги раҳбари М.Истамовнинг мулоҳазалари барчада қизиқиш уйғотди.

- Анъанавий эгат олиб суғоришда пахтанинг ҳар гектаридан 25-30 центнер ҳосил олган бўлсак, ўтган йили сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиб суғорилган пахтазордан гектарига 40 центнердан пахта хомашёси олдик. Бу йил тажрибамиз ошди, гектарига



НАВОЙ ВИЛОЯТИ: ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТАЖРИБАСИ

50 центнердан ҳосил олишимизга ишонаман, - дейди фермер М.Истамов.

Савол-жавоб, қизғин мунозаралардан кейин семинар иштирокчилари фермер хўжалигида ўрнатилган сув тежовчи технологияларнинг ишлаш жараёнини кузатишди. Шунингдек, пахта даласини ҳам кўздан кечириб, ўзларига керакли хулосаларни олишди.

Худди шундай ўқув-кўргазмали семинарлар жорий йилнинг 29 августига қадар вилоятнинг Қизилтепа, Хатирчи туманларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Қуйи Зарафшон ИТХБ матбуот хизмати.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бошқа ҳудудлар сингари Қорақалпоғистон Республикаси туманларида ҳам қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сув тежовчи технологияларининг афзалликлари, уларнинг имкониятлари, талаб этиладиган ресурсларнинг иқтисод қилинишига бағишланган кўргазмали ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Карантин талаблари асосида ўтказилаётган ўқув-семинарларда мутахассислар сув тежовчи технологияларнинг афзалликлари, бугунгидек сув танқислиги шароитида қулайлиги ва бу технологияни жорий қилиш учун деҳқон-фермерларга давлат томонидан яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумотлар беришмоқда.

Дастлабки ўқув-семинари 19 август кунини Амударё туманидаги “Ҳайтаков Улуғбек” фермер хўжалиги даласида бўлиб ўтди. Мазкур туманда жорий йилда 5 та фермер хўжалигининг 75

гектар ғўза майдонларига сув тежовчи технологиялар ўрнатилди.

- Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш – бугунги кун ва эртанги келажакнинг талабидир, - дейди “Асл қишлоқ тараққиёт” МЧЖ пудрат ташкилоти раҳбари Жасур Юнусов. - Кўриб турибмизки минтақамизда йил сайин сув танқислиги кузатилмоқда. Ана шундай шароитда ҳам экин майдонларидан юқори ҳосил олиш учун албатта тежамкор технологияларни жорий қилиш зарур бўлади. Бунинг учун давлатимиз томонидан субсидия ва кредитлар ажратиш назарда тутилгани фермерларга молиявий кўмак бўлмоқда.

Тўрткўл туманида бу йил “Агро Тўрткўл Текстил Кластер” МЧЖ 60,4 гектар ва “Кўҳна Тўрткўл Шухрат” фермер хўжалиги 15,1 гектар жами 75,5 гектар майдонга томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатди.


Сув тежовчи технологияларнинг афзалликларига бағишланган навбат-

даги ўқув-семинари 20 август кунини Тўрткўл туманида ўтказилди. Унда қўшни Эллиққалъа ва Беруний туманлари фермерлари ва сув хўжалиги масъуллари ҳам иштирок этди.

Семинар иштирокчилари “Кўҳна Тўрткўл Шухрат” фермер хўжалигининг оддий усулда ва сув тежовчи технологиялар ёрдамида парваришланаётган ғўза майдонларини кўздан кечирдилар.

Семинарда ўндан ортиқ фермер келгуси йил ўз далаларида тежамкор технологияларни ўрнатиш истаги борлигини билдирди. Ташаббускор фермерларга сув хўжалиги масъуллари ва тежамкор технологияни далаларга қурувчи пудрат ташкилоти вакиллари ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида кўрсатмалар беришди.

Ғ.ОТАЖОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги
матбуот котиби.



Жалики эзгуликлар ва яхши
ниятларни ўзида мужассам қилган
Мустақиллик ҳар бир хонадонга
тинчлик-хотиржамлик, бахту
саодат, қайзу барака олиб кирсин.
Юртимиз янада обод,
осмонимиз мусатфро бўлсин.



“UZGIR” НИНГ
Қорақалпоғистон
шўба корхонаси

ЖАМОАСИ

БУ ДУНЁДА ЭНГ ЁРУҒ БАХТ – ЭЛ ТИНЧИДИР!



Бундан қирқ йилча аввал, Оржоникидзе (ҳозир Қибрай) тумани ижроқўмида ишлар эдим. Кунлардан бир кун туманимиздаги Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти қошидаги “Қизил шалола” тажриба хўжалигига ўша пайтдаги Ўзбекистон раҳбари, халқимизнинг асл фарзанди Шароф Рашидов Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар раҳбарлари билан бирга таширф буюрди. Меҳмонлар хўжалик тажрибаси билан танишди, машҳур сўт соғувчи Анастасия Чудная билан суҳбатда бўлди. Академик Шавкат Акмалхонов меҳмонларни хўжаликдаги ишлар билан таништирди.

Меҳмонлар ташрифдан мамнун бўлиб кетдилар. Шу ерда ҳозир бўлган туманимиз фаоллари ҳам тадбир яхши ўтганлигидан хурсанд эдилар ва баҳонада йиғилганлар билан бироз гурунглашдик. Республика раҳбари Шароф Рашидов нафақат атоқли давлат ва жамоат арбоби, балки таниқли шоир ва ёзувчи эди. Шунинг учун бўлса керак, гап кўпроқ ижодкорлар ҳақида борди. Шунда менинг эътиборимни адабиётдан анчагина хабардор бўлган, истараси иссиқ ўрта ёшли киши ўзига тортди. У киши нафақат ҳозирги ижодкорлар, балки мумтоз адабиётимиз намоёндалари ҳақида ҳам яхши хабардор экан. Шу воқеани эслар эканман, таниқли шоирнинг куйидаги сатрлари кўз олдимга келди:

Қизгин бир даврада ижод аҳли-ла,
Суҳбат қураб эди бир жўмард одам.
Табиийки, бўлар бундай паллада
Суҳбатнинг мавзуи адабиётдан.

Ул зот Бобур, Машраб, Ҳамид Олимжон,
Ғафур Ғулум, Ойбек, Абдулла Ориф...
Не ёзган – ғазалми, шеър ёки дoston,
Ёддан ўқирди ва этарди таъриф...

Алқисса, сўралди нимадир касби,
“Менми? Мен сизлардек оддий бир фаллоҳ,
Сизлар руҳга озик яратган каби,
Емак яратамиз, фисабиллilлоҳ”...

Суҳбатдан кейин тарқалишар эканмиз, табиийки, мен қизиқиб, у кишини олдига бориб, ким бўлиб ишлаши, адабиётдан бунчалик бохабарлиги сирини сўрадим. У киши – чорвадор олим Лутфиддин Нуриддин ўғли Солибоев бўлиб, шу хўжаликда ишлар экан. У ўзи ҳақида гапириб: “Биз асли андижонлик, 1941 йилда Шаҳрихон шаҳрида таваллуд топганман. Ихтисослигим бўйича зоотехникман. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти аспирантурасига киргач шу ерлик бўлиб кетдим. Адабиёт масаласига келсак, болалиқдан қизиқаман. Биз таниқли ўзбек шоири Ҳувайдонинг еттинчи авлоди ҳисобланамиз. Иложи борича шоир ва ёзувчиларимизнинг тилга тушган янги асарларини топиб ўқишга ҳаракат қиламан. Чунки одам адабиётдан беҳабар бўлса, замондан орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас”, – деди.

Мана шу суҳбатга ҳам анча вақт бўлибди. Шу орада Л.Солибоев “Сигирлар сўт маҳсулдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш” мавзусида диссертация ёқлаб, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олди, Қибрай туманидаги бир қатор чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда раҳбар ва Қибрай агрофирмаси бош директори ўринбосари бўлиб ишлади, “Қизил шалола” тажриба хўжалиги директори ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатди, республика чорвачилигини ривожлантиришга муносиб улуш кўшди. Лутфиддин ака оиласи туманимизнинг энг намунали оилаларидан бири. Фарзандлари ҳам ота ва она изидан бориб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолият олиб боришмоқда.

Яқинда фарзандлар, набиралар ардоғида қариллик гаштини суриб яшаётган Лутфиддин ота билан суҳбатлашдим. Юзларидан нур ёғилиб турган отахон 80 ёшга яқинлашиб қолибди.

“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, – дейди Лутфиддин ака. – Халқимиз мустақилликка эришди. Айни дамда бу сананинг 29 йиллигини нишонлапмиз. Ҳаётимиз кундан кунга фаровон ва гўзал бўлиб бормоқда. Янги-янги иншоотлар, қурилишларни кўриб киши завқланади, Яратганни кўрсатганига шукур деймиз. Халқимизнинг бахтига Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланди ва катта маҳорат, мардлик ва матонат билан мамлакатимизга раҳбарлик қилмоқда. Ҳозир дунё бўйича пандемия балоси кезмоқда. Ҳукуматимиз, шифокорлар, барча соҳа кишилари, барча фуқаролар бирлашиб, бу балони албатта, енгамиз, иншооллоҳ. Шуларни ўйлар эканман Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг куйидаги сатрлари эсга тушади:

Эр бошига иш тушса ўт кечгувчидир,
Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчидир.
Хурлигинг ҳақ – қолган бари ўтаверсин,
Бу дунёда энг ёруғ бахт – эл тинчидир!..
Айирмасин беминнат нон-тузингдан-а,
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!..”

Биз отахонни келаётган улуғ байрам билан табриклаб, у кишига энг эзгу тилаklarимизни билдирдик ва шундай кексаларимиз доим соғ-омон бўлсин дея, ният қилдик.

Носир ТОИРОВ,
сиёсатшунос, меҳнат фахрийси.

ҲАМКОРЛИК ВА ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР

Маълумки, кластер тизимини жорий қилиш билан мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, мавжуд имкониятларни ишга солиб, янги технологиялар асосида қўшимча иш ўринлари яратиш, саноатни юксалтириш, аҳоли турмуш шароитини янада фаровонлаштириш кўзда тутилган. Бу борада Қўшқўпир туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

“WBM QOSHKOPIR KLASTER” МЧЖ раҳбари Фарҳод Сотволдиев 2020-2021 йил давомида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича белгиланган иш режаси асосида “Қўшқўпир пахта тозалаш” АЖ корхонасига қарашли бинони сотиб олган эди. Бугун бинони таъмирлаб, йилига 30 минг тонна пахтани қайта ишлаш, 250 та янги иш ўрни яратиш учун иш олиб бормоқда. Туркия технологияси асосида ишлаб чиқариш қуввати 10 минг тонналик ип йиғирув корхонаси ташкил қилишни режалаштирган.

Айни пайтда туркиялик мутахассисларни жалб қилган ҳолда, дастлабки лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, 3000 тонна чигитни қайта ишлаш учун ёғ-мой заводни ишга тушириш, 2000 бош қорамолга мўлжалланган йирик чорвачилик комплекси ташкил қилиш каби катта ва оламшумул ишларга бош бўлаётган Фарҳод доимий изланишда. Бу ишлар амалга ошса, тумanning ҳар

томонлама ривожланишида кенг имкониятлар туғилади.

Туманда фаолият кўрсатаётган “He-Fei-TeshnologyCo. ItD” хорижий унитар корхонаси 2018 йилда ташкил қилинган бўлиб, жамоага тажрибали, салоҳиятли инсон Шермат Сирожов раҳбарлик қилмоқда. 20 нафар ишчи-хизматчи билан фаолияти йўлга қўйилган бу даргоҳда асосан қизилмия ўсимлиги илдизи қайта ишлаб чиқарилмоқда. “Саноат қурилиш

банк” Хоразм вилояти филиали билан ҳамкорликда Хитойда ишлаб чиқарилган қиймати 1502,0 минг АҚШ долларилек замонавий иш дастгоҳлари келтириб ўрнатилди. Корхонада йилига 200 тонна қизилмия илдизи экстракти ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот, асосан, ташқи бозорга, жумладан, Хитойга сотилапти.

Дарвоқе, ўтган йиллар мобайнида ёввойи ўсимлик сифатида ариқ ва зовурлар бўйида ўсиб ётадиган қизилмия илдизидан фойдаланишни йўлга қўйган корхонада айни пайтда иш қизғин. Фармацевтикада керакли бўлган бу маҳсулотга эса жаҳон бозорида талаб юқори.

Туманда Президентимизнинг 2020 йил 10 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. “Турон банк” томонидан тумандаги “Довуд” маҳалласи



Ишлаб чиқариш жараёни

худудида 21,8 гектар ер майдонида 26 млрд.сўмлик йирик лойиҳа асосида лимон етиштирадиган иссиқхона қуриш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа юзасидан бўлиб ўтган семинарда вилоят ҳокими Фарҳод Эрмонов иштирок этди ва шундай деди:

— Лойиҳалар шундай ижобий натижасини кўрсатиши керакки, бу орқали аҳолининг камбағал қатламини камбағалликдан чиқаришга замин яратилсин. Туман миқёсида ушбу қарор ижросини мукамал тарзда таъминлай олсак, аҳолини иқтисодий томондан юксалтиришдан ташқари, камбағал оила сифатида рўйхатда турганлар сонини ҳам кескин камайтиришга эришамиз. Шундагина аҳоли фаровонлиги ошиб, эҳтиёжини ўзи таъминлай олади.

Семинарда иштирок этган вилоят иссиқхоначиликни ривожлантириш ассоциацияси раҳбари Ғолиб Раҳимов мазкур лойиҳанинг қурилиш технологияси бўйича тақдимот ўтказиб, унинг афзалликлари ҳақида фикр билдирди. Лойиҳа комплекс шаклда ташкил қилиниб, қурилиш учун 100 фоиз маҳаллий бутловчи қисмлардан фойдаланилади. Қурилиш ишларига маҳаллий қурувчилар жалб қилинади. Бу лойиҳа негизда лимончилик кластери шаклланади. Лимон маҳсулотини етиштиришдан тортиб, қайта ишлаш, сақлаш ва тегишли ташкилотларга, экспортга йўналтириш ишлари таъминланади.

Семинарда “Файз барака” МЧЖ раҳбари, лимончилик бўйича мутахассис Шокир Худойбергановнинг тақдими ҳам ўрганиб чиқилди. Иссиқхонада фақатгина лимон эмас, балки ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиб, қулупнай етиштириш мумкинлиги ҳам айтиб ўтилди.

Демак, Қўшқўпир қишлоқ ва сув хўжаликларидан янги, иқтисодий ўсиш даврига ўтиш учун кенг ҳаракат қулоқ ёймоқда. Ишончимиз комилки, қисқа даврда “Қўшқўпир бренди” асосидаги турфа маҳсулотлар ташқи бозорга чиқарила бошланади. Бу борада қўшқўпирлик миришкорларга омад ва саодат тилаб қоламиз.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРИХИНИ БИЛАМИЗМИ?

Икки дарё – Аму ва Сир ораллиги дунё ривожланиш тараққиётининг дастлабки бешикларидан ҳисобланади. Бу юртда етишиб чиққан олиму-фозиллар, табибу, ислом дини алломаларининг саноғи йўқ. Хуллас, тарихимиз жуда бой. Биз қуйида бироз бўлсада деҳқончилик тарихимиз ҳақида маълумот беришга жазм қилдик.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, Ўзбекистоннинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароити инсониятнинг энг дастлабки ва ривожланган онгли фаолияти даврлариданоқ деҳқончиликнинг тараққий этишига олиб келган. Бу эса аждодларимиз тарихида моддий ҳамда маънавий маданият тараққиётини шакиллантиришга хизмат қилган. Антик дунё алломаларидан бири Диодор ўзининг “Тарихий кутубхона” асарида Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари – скифлар, массагетлар, аримасларнинг деҳқончилик билан шуғулланганини таъкидлаган. Масалан, юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, скифлар асосан буғдой етиштиришган. Улар буғдойни фақат истеъмол учунгина эмас, савдо-сотик учун ҳам етиштиришар экан.

Дунё аҳоли сонининг жадал ўсиши ва озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи одамзотни деҳқончилик билан шуғулланишга, ерни ҳайдаш, ўғитлаш, суғориш, буғдой ва бошқа экинларни етиштиришга мажбур этган.

Эраимиздан аввалги учинчи минг йилликдан оқ ўлками деҳқончилигида ҳар бир экин турига хос етиштириш агротехникаси бўлган. Булар деярли ёзишмаларда қайд этилмай, илғор тажриба сифатида авлодан-авлодга ўтиб келган. Уларга ҳудудлар бўйича шўр ювиш, ер ҳайдаш, экин тури, нав, уруғлик танлаш, экиш муддатлари ва бошқа парваришlash омиллари киради.

Эраимизга қадар 5-6 минг йилликларда (Неолит даври) Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбида ўтроқ деҳқончилик маданияти пайдо бўлган. Бу тарихда “Жайтун” номи билан машҳур. Археологик қазилмалардан маълум бўлишича, “Жайтун” маданиятида буғдой ва арпа асосан сел сувларидан фойдаланган ҳолда етиштирилган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимда деҳқончилик гуллаб-яшнаган жой Фарғона водийсининг Чуст воҳаси ҳисобланган. Деҳқончилик, айниқса, бронза даврида тез ривожланган.

Қадим Хоразмда эраимизгача бўлган 2 минг йилликнинг охирида Амударёнинг қуйи қисмида ўта ривожланган суғорма деҳқончилик, яъни суғориш ариқлари мавжуд бўлиб, буғдой ва бошқа экинлар етиштирилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгунга қадар Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган аҳоли донга ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўзида етиштирилган турли маҳсулотлар ҳисобига қоплар эди.

Деҳқончилик юритиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тартиби, структураси. Ўзбекистонда асосан йилнинг курғоқчил ёки серёғин келиши, Амударё, Сирдарё ва бошқа кичик дарё, сойларнинг сув ҳажмига кўра белгиланган. Бунинг асосий сабаби, ўша даврда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини деярли 95 фоизи суғорма деҳқончилик эвазига етиштирилган ҳамда ҳозирда ҳам етиштирилмоқда. Шунинг учун ҳам тарихий манбаларда таъкидлашича, ўша даврларда деҳқончилик тизими деган тушунчалар бўлмай, кейинчалик XV-XVI асрларда ғарб мамлакатларида шаклланган эди.

Юртимиздаги деҳқончиликнинг асосий экинлари бошоқли дон, донли, дуккакли дон, ғўза, сабзавот, полиз ва мойли экинлар ҳамда боғдорчиликдан иборат бўлган. Кўп йиллик тажрибалардан келиб чиқиб, деҳқонлар бир экин турини бир далага кетма-кет 2-3 йил экмасликни, экилган тақдирда ўсимликларни баравар ривожланмаслигини, ҳашарот ва бегона ўтлар кўпайиб, ҳосилдорликни кескин пасайиши ҳамда сифатини яхши бўлмаслигини аниқ экин турлари бўйича билиб олишган.

Шуларни инобатга олган ҳолда, деҳқонлар дала алмашлаб экиш тизимини, яъни бир экин оиласи ва турини бир ерга экмасликка, уларни навбатланишига қаътий риоя қилишган. Натижада режалаштирилган ҳосилдорликка эришиб келинган. Ўша давр-

ларда аҳоли сони оз, ер майдонлари етарли бўлиб, техник экин – ғўза майдони ҳажми умумий ер майдонига нисбатан деярлик 5/1 қисмини ташкил этган.

Шу ўринда Ўзбекистон пахтачилик тарихи маълумотларига мурожаат этсак. Пахтачилик тарихи ва асосий ривожланиш босқичлари расмий статистик маълумот сифатида биз танишиб чиққан адабиётларга кўра, 1860 йилдан бошланиб, 1870 йилгача ғўза экин майдони 36-43 минг гектар бўлган. Ўртача ҳосилдорлик 7,0 ц/га ни, яъни пахта хомашёси ҳосили 25-30 минг тоннани ташкил этиб, тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳисобига ҳосил олинган. Бундай ҳолат Чор Россияси истилоси давригача, яъни 1860 йиллар охиридан 1865 йилларгача давом этиб, Ўзбекистонни асосий пахта етиштириш базасига айлантирилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш структураси буткул ўзгартириб юборилган.

Тарихий бир маълумотни келтириб ўтсак. Россия тўқимачилик саноати учун Туркистон пахтасининг ҳал қилувчи роли ҳақида Чор Россияси салтанати амалдорларидан бири Кривошеин императорга йўллаган ахборотида лўнда қилиб бундай деб ёзган эди: “Туркистоннинг ҳар бир пуд ғалласи рус ва Сибир ғалласига рақобатбардошдир. Туркистон пахтаси эса Америка пахтасига рақобатбардош. Шунинг учун ўлкага қимматга тушса ҳам ғалла келтириш лозим”.

Ана шу даврдан бошлаб, суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари етиштирилиши деҳқончилик тизимидан буткул чиқарилиб, ўрнига ғўза экинни жадал равишда киритила бошланди. Ғўза майдонлари 1908 йилда 275 минг/га ни ташкил этган бўлса, кейинчалик 3720 минг гектарга етказилган.

Уруш бошланиши сабабли, Чор Россияси ғарбий чегараларни ёпиши муносабати билан, 1916 йилдан Туркистон пахта майдонларини кескин оширишга киришди. Пахта

Жадвал.

Ўзбекистонда пахта хомашёси етиштириш тарихи.

Йиллар	Ғўза экилган майдон, минг/га	Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Етиштирилган пахта хомашёси, минг/т
1860	36	7,0	25
1870	43	7,0	30
1890	101	8,0	81
1900	244	9,0	220
1908	275	12,0	330
1911	328	15,0	480
1918	128	5,8	74,0
1920	94	3,3	31,0
1921	76	1,9	15,0
1922	53	7,3	39
1925	3720	10,1	375
1931	1019	7,4	755
1940	948	14,9	1416
1950	1135	20,1	2282
1965	1616	24,1	3904
1970	1783	26,2	4668
1972	1681	28,0	4710

майдонлари мавжудига нисбатан деярли 40-50 фоизга оширилди. Буни академик Д.Н. Прянишников (1922) қуйидагича таърифлайди: пахта майдонларини кескин оширилиши биз учун (Чор Россияси) зўр тадбир. Лекин бу соғлом фикр эмас, оғриқли бўлиб, сўнггида пахтачилик буткул инкирозга олиб келади. Бунинг асосий сабаби, ғўза органик ўғит ҳосил қилмайдиган балки, органик ўғит истеъмол қилувчи экин ҳисобланади. Бунинг учун унга албатта алмашинадиган ем-хашак даласи зарур.

Лекин, ўша давр амалиётида деҳқончилик ривожланган Фарғона водийсида ғўза 80-85 фоизгача ер майдонини эгаллаб, деҳқонлар энди фақат нон эмас, балки чорвасига ҳам ем-хашак сотиб олишга мажбур бўлиб қолдилар. Ғўза монокультураси туфайли беда пичани нархи жуда қимматлашиб кетди. 1916 йилдан Туркистонга ғалла келтирилиши кескин камайиб, очарчилик, қаҳатчилик бошланиб, бутун кишлоқлар аҳолисининг ёппасига нобуд бўлишига олиб келди. 1917 йилдан Туркистон ўлкаси жар ёқасига келиб қолди. Натижада пахта майдонлари ўрнига бошоқли дон экинларини экиш оммавий равишда бошланди.

Шу сабабли 1920 йилгача пахта майдонлари кескин камайди, ҳосилдорлик жуда паст бўлиб (1,9-3,3ц/га), унинг сифати ҳам жуда ёмонлашди.

Юқоридаги ачинарли ҳолатларни кўриб ва ҳисобга олиб, буюк рус олими Д.Н. Прянишников тавсия, васият тариқасида қуйидагиларни билдирган: Келажакда пахтачиликни яна қайта тиклашда, аввалги хатоликлардан қочиш зарур, яъни ғўзани албатта алмашлаб экишга киритиш ва бу экинни ривожланишини тўғридан-тўғри ем-хашак экинлари, биринчи навбатда, беда органик экин билан боғлаш зарур. Кейинчалик қайтиб келувчи органика билан боғламаслик керак.

Чор Россиясининг экстенсив пахтачилик сиёсати натижасида аксинча, ҳосилдорликни ортиши кузатилмай, кескин пасайиб, бир гектардан олинандиган ҳосилдорлик 1,9-3,3 ц/га тушиб қолган ҳамда Туркистон аҳолисини очарчилик гирдобига маҳкум этган эди. Демак, ғўза экиладиган майдонларни кескин ошириш сиёсати ўзини оқламади.

Бунинг асосий сабаби, биринчидан,

ғўза монокультураси бўлса, иккинчидан, юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитларни йўқлиги, органик ўғитларнинг етишмаслиги, учинчидан, деҳқончилик ҳамда унинг илмий асосланган алмашлаб экиш тизими йўқлиги ва етиштириш агротехникаси сузглигини келтириш мумкин.

Шулар натижасида ғўза майдонини 1,0 - 1,8 млн гектарга туширишга қарор қилинган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, муттасил пахта ҳосили олишни таъминлайдиган деҳқончилик системаси ҳамда илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш учун Чор Россияси олимлар гуруҳи Ўзбекистонга юборилган. Кўп йиллик излашнилардан кейин пахтачилик комплексига “Ўт далали ва қатор оралари ишланадиган деҳқончилик системаси” ва унинг асоси бўлган “беда:ғўза” алмашлаб экиш тизимини қўллаш тавсияси берилган. Натижада, тезкорлик билан “беда:ғўза” алмашлаб экишнинг 3:7 схемаси асос, классик деб қабул қилинган. Яъни, 3 йил беда: 7 йил ғўза бўлган 10 далали алмашлаб экиш схемаси қабул қилинган. Лекин, бундан ташқари 11, 12 далали ғўза салмоғи деярлик 80 фоиз бўлган ҳамда қисқа ротацияли 11 ва 12 далали алмашлаб экиш схемалари ҳам қўлланилган. Ҳаттоки, тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи 10 далали 1:4:1:4 икки йил маккажўхори ва саккиз йил ғўза экиш схемалари ҳам сезиларли ҳажмдаги майдонларда жорий этилган. Ушбу қабул қилинган “Ўт далали ва қатор оралари ишланадиган деҳқончилик системаси” ҳамда қабул қилинган “беда:ғўза” алмашлаб экиш схемалари фақат собиқ иттифоқнинг талаби, пахта хомашёси эҳтиёжини қоплашга йўналтирилган, озиқ-овқат маҳсулотларига тобе қилиш деҳқончилик сиёсати эди.

Ўзбекистонда мустабид деҳқончилик системаси ва “беда:ғўза” алмашлаб экиш тизимини жорий этилиши 1950 йилдан ўз самарасини бера бошлаган. Жумладан, ғўза майдонлари тарихан яна иккинчи бор кескин оширилиб, 1616 минг гектарга етказилган. Ўртача ҳосилдорлик 24,1 ц/гани, ялпи ҳосил эса 3904 минг тонна ташкил этган. Ҳатто 1970 йилда экин майдонлари 1783 минг гектарга етказилиб, 4668 минг тонна ҳосил етиштирилган. Юқорида қайд этилган қонуният 1972 йилда ҳам кузатилиб, ўртача

ҳосилдорлик кескин ошиб 28,0 ц/га ни, ялпи ҳосил салмоғи эса 5 млн тоннага яқинлашиб қолган эди. Лекин, кейинги 30 йил мобайнида ҳам пахтачилик тарихида қанча фармонлар, қарорлар қабул қилинмасин, соҳада кескин ўзгариш, ҳосилдорликни ўсиши кузатилмади.

Бунинг асосий сабаби, ғўза монокультураси туфайли ернинг толиқиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, қўлланилган деҳқончилик системаси ҳамда унинг асоси бўлган “мустабид алмашлаб экиш тизими ўзини оқламади ва пахтачиликнинг” орқага кетиши бошланди.

Ғўзанинг ашаддий вертициллез вилт касаллиги авж олиб, мавжуд саноат навларини кучли даражада 500 минг гектарда зарарлаб, йўқотилаётган ҳосил ҳажми 200-250 минг тоннага етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ғўза экин майдони республика мустақиллигидан олдин ҳам 1720,6 минг гектарни, ўртача ҳосилдорлик эса 27 ц/га ни ташкил этиб, мустабид даврининг энг сўнгги юқори нуқтаси, ялпи пахта хомашёси ҳосили 4643,6 минг тоннада тўхтади.

Минг шукрки, шўролар тизими барҳам топди, буткул тугади.

Юқорида республика пахтачилик тарихида асосан пахта хомашёси етиштириб, авлодларимиз бир неча бор очарчиликни бошдан кечиргани ҳақидаги маълумотлар беркорга келтирилмади. Чунки унинг олди олинмас тарихан шундай вазият, фавқулодда ҳолат яна юзага келиши мумкин эди.

Ана энди ёш, мустақил Ўзбекистонни дон мустақиллиги, озиқ-овқат ҳавфсизлиги ҳамда пахтачилик сиёсати келажакни тезкорлик билан ҳал этиш муаммолари кутаётган эди.

Мустақиллик, пахтачилик соҳасини чуқур қайта кўриб чиқилишини, мамлакат иқтисодийётидаги ўрни, шунингдек, ўта ҳаётий зарур бўлган дон мустақиллигини амалга оширилишида иқтисодий самарадорликни белгилашда экинлар майдони, ички бозор талаб этадиган ялпи хомашё ҳажмини аниқлаш каби муҳим масалаларни кун тартибига қатъий қўйди. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик.

Неъматилла ХУДАЙБЕРГЕНОВ,
мустақил тадқиқотчи, доцент,
Рихсивой ТИЛЛАЕВ,
ТошДАУ профессори

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Н. Прянишников. Частая земледелия (растения полевой культуры). Р.С.Ф.С.Р. Государственная издательство, 6-е издание. Берлин, 1922 с. 546-553.
2. Лавронов Л.А. Пшеница в Узбекистане. Ташкент, 1969, с.334
3. Лелли Я. Селекция пшеницы: Теория и практика. Москва, “Колос”, 1980, с.344
4. Удачин Р.А. Шахмедов И.Ш. Пшеницы в Средней Азии. Ташкент, “Фан”, 1984, с.134
5. А. Омонов ва бошқалар. Бир бошоқ дон. Тошкент, “Шарқ”, 2004, 104 б.
6. Helabeak H. 1964: Impressions of the Catal Huyuk plant Husbandry. Anatolian studies XIV, 121-123
7. Rudolf W. 1965: Grundlagen und Methoden der Zucht von konvergenzsorten mit differenzierten Genetik der Resistenzzüchtung mit Aussicht auf Dauerertröy Z.Pflzucht

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ, ҲОСИЛДОР ИНГИЧКА ТОЛАЛИ “ТЕРМИЗ-208” ҒЎЗА НАВИ

The morpho-biological characteristics of new, perspective long staple Termiz-208 and the resistance of the abovementioned variety on drought, water deficit and insects were presented in this article.

Маълумки, охириги йилларда ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, айниқса, Республиканинг жанубий вилоятларида 45-50°C ва ундан ҳам юқори бўлиши сабабли қишлоқ хўжалиги экинларига, айниқса, ғўза ҳосилдорлигига катта зарар етказмоқда. Ундан ташқари, жанубий вилоятларда, хусусан, Сурхон воҳасида юқори ҳароратдан ташқари ҳашаротлардан беда қандаласи ҳам ҳосилдорликка сезиларли даражада зиён келтирмоқда.

Олдинги йилларда бир қатор олимлар томонидан ўрта ва ингичка толали ғўза навлари Сурхондарё вилоятининг жанубий Термиз туманларида синаб кўрилганда, ингичка толали ғўза навлари ўрта толалиларга нисбатан 35-40% гача кам ҳосил элементларини тўкишини исботлаб беришган. Ундан ташқари, муаллифлар томонидан ингичка толали ғўза навлари пояси ва барглариининг сертук ва қалин бўлиши сабабли ҳашаротларга бардошлилиги юқори бўлиши исботлаб берилган.

2019 йилнинг 17-18 октябр кунлари Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида янги ингичка толали ғўза навларини яратиш, тезкор уруғларини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Шундан келиб чиқиб, 2020 йилдан Сурхондарё вилоятининг 50% суғориладиган майдонида ингичка толали ғўза навларини жойлаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда ПСУЕАИТИ ва унинг Сурхондарё ҳамда Қашқадарё илмий-тажриба станциялари селекционер олимлари томонидан юқоридаги талабларга жавоб берадиган бир қатор ингичка толали ғўза навлари яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Булар қаторига “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Сурхон-103”, “Сурхон-104”, “Термиз-202”, “Термиз-208”, “Қашқадарё-1” ва “Қашқадарё-5” ғўза навларини келтириш мумкин.

Жумладан, янги истиқболли ғўзанинг ингичка толали “Термиз-208” ғўза нави 2018 йилдан истиқболли навлар қаторига киритилган. Бу ғўза навининг тезпишарлиги 112 кунни ташкил этиб,

андоза 9871-И навидан 12-13 кунга эртапишар ҳисобланади. Ўсимликнинг бўйи 115-120 см, пояси тўқ яшил. Биринчи ҳосил шохи қисқа, барги кафтсимон, ўртача катталиқда, баргида госсипол безлари мавжуд. Гули сарғиш, кўсаги ўртача катталиқда, эллипссимон, учли. Кўсак очилиши ўртача, пахтаси тўқилмайди. Бир дона кўсақдаги пахта вазни 3,6-3,7 г.

Толасининг саноат типи I бўлиб, тола ранги оппоқ, тола ҳосилдорлиги 19,1 ц/га. Тола чиқими 34,0-34,5%, узунлиги 40-41 мм, толанинг узилиш узунлиги 39,8 г.к./текс, тола пишиқлиги 4,8 г.к., микронейри 3,4-4,0. 1000 дона чигитининг вазни 115-117 г бўлиб, қалин кулранг тукланишга эга. Умумий ҳосилдорлик 45,0-55,6 ц/га ни ташкил қилади.

“Термиз-208” ғўза навининг биринчи ҳосил шохи 1,9 бўғинда жойлашган, нав 20,9 та ҳосил шохиға эга бўлиб, I типли 9871-И навиға нисбатан 4,7 донаға кўп бўлган. Ҳосил элементлари ва кўсақлар сони бўйича 4-5 донаға юқори бўлганлиги кузатилди (жадвал).

Маълумки, Республикамик пахтачилик билан шуғулланувчи давлатлар орасида энг шимолий минтақада жойлашган бўлиб, ғўзанинг тезпишарлиги асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ғўза навларининг тезпишарлик хусусияти экин майдонидан йил давомида унумли фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Янги яратилаётган ғўза навларининг тезпишарлиги нафақат етиштирилган ҳосил миқдорини, балки унинг сифатини ҳам белгилаганлиги сабабли, биз ўз тажрибаларимизда ушбу белгиға алоҳида эътибор қаратдик. “Термиз-208” ғўза нави тезпишарлиги бўйича андоза навларға нисбатан нав 4-6 кунға тезпишарлигини намоён этди.

Селекционер олимлар илмий изланишларида селекциянинг қайси услубидан фойдаланишидан қатъий назар, биринчи навбатда ғўзанинг миқдорий белгиларига, сўнг тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичларини яхшилашқа катта эътибор беришади. Шу сабабдан янги навнинг миқдорий ва тола сифати кўрсаткичларига тўлиқ баҳо бериш мақсадида уни андоза навға солиштирилиб илмий тадқиқотлар ўтказилди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, “Термиз-208” ғўза навининг кўрсаткичлари андоза (9871-И ва Сурхон-14) навларига нисбатан анча устунлигини кўрсатди (жадвал).

Жадвал.

Ингичка толали ғўза навларининг айрим қимматли хўжалик, тола чиқими ва унинг сифати белгиларининг кўрсаткичлари.

№	Нав ва тизмалар	Ўсимлик бўйи, см	Биринчи ҳосил шохининг баландлиги, hs	Ҳосил шохлари сони, дона	Ҳосил элементлари сони, дона	ш.ж. кўсак сони, дона	50 % гуллаши, кун	50 % очилиши, кун	Сентябр ҳосили, ц/га	Умумий ҳосилдорлик, ц/га	Бир дона кўсақдаги пахта вазни, гр,	ТОЛА		
												Чиқими, %	Узунлиги, мм	Микронейри, мис
1	St 9871-И	91,1	2,8	16,2	25,6	21,7	63,0	112,0	36,0	42,4	3,7	27,4	36,6	4,1
2	St Сурхон-14	100,3	3,8	18,0	24,9	24,0	63,0	110,0	43,0	47,6	3,2	-	-	-
3	Термиз-208	104,1	1,9	20,9	30,2	30,1	59,0	106,0	46,5	56,3	3,6	35,7	39,4	3,9



Хар бир экиннинг салмоғини белгилувчи кўрсаткичлардан бири бу - унинг ҳосилдорлигидир. “Термиз-208” ғўза нави сентябр ҳосили ва умумий ҳосилдорлиги бўйича андоза 9871-И навига нисбатан мос равишда 10,5-13,9 ц/га юқори бўлган бўлса, “Сурхон-14” ғўза навига нисбатан тегишлича 3,5-8,7 ц/гача юқори бўлиб, устунлигини намён этди.

Тола ғўзанинг асосий маҳсулоти бўлганлиги учун, ҳар бир ғўза навининг тола чиқими юқори бўлиши маълум майдондан олинадиган тола миқдорини белгилайди. Тола чиқими белгиси бўйича “Термиз-208” ғўза нави андоза 9871-И навидан 8,3% гача устунликка эга бўлиб, андоза навга нисбатан кўп тола беришини кўрсатди.

“Термиз-208” ғўза нави тола узунлиги бўйича андоза 9871-И навидан 2,8 мм.га юқори, тола микропейри бўйича андоза 9871-И навига нисбатан майинлиги аниқланди.

“Термиз-208” ғўза нави қисман қурғоқчиликка чидамлиги, ҳосилдорлиги ва тола сифатининг юқорилиги, махсус агротехник тадбирларни талаб қилмаслиги ҳисобига навининг турли тупроқ-иқлим шароитига мослашиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатади. Демак, навининг тола сифатини ҳамда унинг серҳосиллигини ҳисобга олган ҳолда уруғини кўпайтириш ишларини жадаллаштириш ва унинг экин майдонларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Жамолхон АХМЕДОВ, б.ф.д., проф.,
Хилал ЧАРИЕВА, қ.х.ф.д., к.и.х.,
Джаббархон АХМЕДОВ, қ.х.ф.д., доцент,
Нажмиддин ОЧИЛДИЕВ, к.и.х.,
Хуршидбек ЖАЛОЛОВ, қ.х.ф.д., к.и.х.

АДАБИЁТЛАР

1. С.Рахмонқулов, Х.Чориева, Н.Очилдиев. Ингичка толали “Термиз-202” ва “Термиз-208” ғўза навларининг иктисодий самарадорлиги // “Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги” журнали, Тошкент, 2018, №12, 36-б.
2. М.И.Иксанов. Качество волокна новейших сортов и линий тонковолокнистого хлопчатника. Материалы международной научно-практической конференции “Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития” посвященной 110-летию академика А.И.Автономова, 80-летию академика С.М.Мирахмедова и профессора А.А.Автономова а также 65-летию доктора сельскохозяйственных наук В.А.Автономова. Ташкент, УзНПЦСХ, 2006. –С.192-194.

УЎТ: 631.527.5:633.18.

ТАДҚИҚОТ

ШОЛИ СЕЛЕКЦИЯСИДА ТАЖРИБАЛАР НАТИЖАЛАРИ

В статье приводятся как в питомниках коллекционном, гибридном, контрольном, испытывались образцы. Были сравнены хозяйственно-ценные признаки у скороспелых, среднеспелых и позднеспелых образцов, и сравнивая их с контрольными сортами, приводятся их результаты.

The article describes the results of research on collection, hybridization and varietal patterns in competitive nurseries. Comparison of valuable economic characteristics of control rice varieties with samples of early-maturing, mid-maturing and late-maturing varieties.

2019 йилда дунё бўйича 155 млн. гектар майдонга шולי экилиб, 765,6 млн. тонна шולי ҳосили етиштирилган. Мамлакатимизда эса 113,4 минг гектар майдонда шולי экилиб, ялли ҳосил 439 минг тоннани ташкил этди. Ушбу миқдор мамлакатимизнинг кун сайин ортиб бораётган аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган гуручга бўлган талабини минимал даражада қондира олмақда, холос. Расмий маълумотларга кўра, аҳоли талабини тўлиқ таъминлаш учун сўнгги йилларда 35 минг тонна атрофида гуруч маҳсулоти импорт қилинмоқда. Шу жумладан, гуручнинг импорт даражасини камайтириш мақсадида Шолчилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан турли хил илмий тадқиқот ва тажрибалар ўтказилиб, ҳосилдорлиги ва гуручининг технологик кўрсаткичлари юқори бўлган навлар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Тажрибаларда синалаётган хар бир нав ва намуналарнинг вегетация фазаларида, яъни униб чиқиш, тупланиш ва найчаш, рўвақлаш, пишиш босқичларида морфологик белгиларини аниқлаш учун фенологик кузатувлар олиб борилиб, кузатувлар натижасига кўра, хар бир нав намуналардан модел боғламлар олинди, андоза навларга нисбатан таққослаш ва биометрик анализ қилиш ишлари амалга оширилади.

Тажрибаларимизда коллекция кўчатзоридан танловлар асосида олинган 20 та намунанинг 1000 дона дон вази 31,0 г. дан 37,0 г. гача оралиқда бўлганлиги аниқланди. Жумладан 46, 100, 117, 160, 323 каталог рақамли намуналар эртапишар назорат “Гулжахон” 32,3 г навига нисбатан 29, 67, 98, 152, 183,

200 каталог рақамли намуналар ўртапишар назорат “Илғор” 33,8 г навига нисбатан ва 5, 8, 61, 89, 150 каталог рақамли намуналар кечпишар назорат “ЎзРос 7-13” 31,0 г навига нисбатан 1000 дона вази бўйича ажралиб турди. Ҳосилдорлик таҳлил қилинганда, эртапишарлар гуруҳидаги нав-намуналар назорат “Гулжахон” 69,1 ц/га навига нисбатан 0,1-0,3 ц/га, ўртапишарлар гуруҳида назорат “Илғор” 77,7 ц/га навига нисбатан 0,3-1,8 ц/га ва кечпишарлар гуруҳида назорат “ЎзРос 7-13” 86,5 ц/га навига нисбатан 0,7-2,5 ц/га юқори ҳосилдорликка эга бўлди. Танланган намуналар келгуси йили чапиштиришда ота-оналик шакллари сифатида жалб этилиши белгилаб олинди.

Дурагайлаш кўчатзоридан тадқиқот ўтказилган йилларда жами 4291 та гул 66 та комбинацияда чапиштирилди ва 198 та дурагай уруғи олинди, яъни ўртача чапишган гуллар 4,61% ни ташкил этди.

Селекция кўчатзоридан эртапишарлар гуруҳида СП-41, СП-45, СП-52, СП-115 тизмалари назорат “Гулжахон” 68,5 ц/га навига нисбатан 0,8-1,3 ц/га, ўртапишарлар гуруҳида СП-197, СП-200, СП-155 тизмалари назорат “Илғор” 79,2 ц/га навига нисбатан 0,9-2,9 ц/га ва кечпишарлар гуруҳида СП-14, СП-198, СП-201 тизмалари назорат “ЎзРос 7-13” 86,8 ц/га навига нисбатан 1,2-1,6 ц/га юқори ҳосилдорликка эга бўлди.

Назорат синови кўчатзоридан андоза эртапишар “Гулжахон” 64,9 ц/га навига нисбатан ТШД 13-13-5-1-2-1, Илғор х Истиклол ва 151-12 тизмаларида 0,2-0,6 ц/га, андоза ўртапишар “Илғор” 76,2 ц/га навига нисбатан ТШД 26-13-1-1-1-1, и/о Авангард, F₆ 15-13-1-

1-2, и/о Chokwang, ТШД 20-13-1-1-1-1, Толмас х Марварид, ТШД 26-13-1-3-1-1, и/о Dongjin, ТШД 16-1, ТШД 16-2 тизмаларида 0,3-2,3 ц/га ва андоза кечпишар УзРос 7-13 82,2 ц/га навига нисбатан ТШД 22-13-2-1-1-1, ТШД 22-13-2-2-1-1, ТШД 26-13-1-1-2-1 тизмаларида 1,4-2,4 ц/га юқори ҳосилдорлик аниқланди. Ушбу тизмалар нав танлов синови кўчатзорига ўтказиш учун белгилаб олинди. Ўтказилган тадқиқот натижаларга асосланиб, ҳосилдорлиги назоратга нисбатан паст бўлган тизмаларни ўрганиш тўхтатилди ва коллекция кўчатзорига намуна сифатида қайтарилди.

Нав танлов синови кўчатзорига олиб борилган фенологик кузатувларда ўсимликларнинг ривожланиш фазалари бўйича линиялар орасида бир-биридан 5-7 кунга фарқ қилганлиги аниқланди. Хусусан, эртапишарлар гуруҳида 1142-93 тизмасининг тўлиқ пишиб етилиши 112-114 кунни, 205-01 тизмасида 109-111 кунни, 327-01 тизмасида 112-114 кунни, 10-09 тизмасида 111-115 кунни ташкил этган бўлса, андоза "Гулжаҳон" навида бу кўрсаткич 110-115 кунни ташкил қилди. Ўртапишар гуруҳида 33-09 тизмасининг тўлиқ пишиб етилиши 125-128 кунни, "Тантана" навида 111-115 кунни ташкил қилган бўлса, андоза "Илғор" навида бу кўрсаткич 124-127 кунни ташкил қилганлиги аниқланди. Кечпишар кўчатзорларда эса, ТШД 16-13-1-1-1-1 тизмасининг тўлиқ пишиб етилиши 131-133 кунни, 227-09 тизмасида 130-133 кунни, ТШД 15-13-1-1-1-1 тизмасида 128-132 кунни, "Тарона" навида 132-135 кунни ташкил этган бўлса, андоза "УзРос 7-13" навида бу кўрсаткич 134-137 кунни ташкил қилди. Дала шароитида эртапишар гуруҳида 1142-93, 205-01 тизмалари, ўртапишар гуруҳида 33-09, "Искандар", "Тантана" тизмалари, кечпишар гуруҳида ТШД 16-13-1-1-1-1, 227-09, ТШД 15-13-1-1-1-1, "Тарона" тизмалари ётиб қолишга, пишиб етилганда донининг тўкилишига ва касалликларга чидамлиги кузатилди.

Ўртача бир рўвак вази 2,84-3,81 грамм оралиғида бўлиб, ТШД 16-13-1-1-1-1 (3,66 г), 227-09 (3,81 г), ТШД 15-13-1-1-1-1 (3,74 г), "Тарона" (3,75 г) тизмалари энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Ўсимликларнинг ўртача бўйи 125-128 см. ни ташкил этиди. Хусусан, 205-01 тизмаси (119,5) паст бўйли; 1142-93 (122,2 см),

327-01 (121,4 см), 10-09 (121,1 см), 227-09 тизмалари (126,3 см) ўртача бўйли; 33-09 (141,0 см), 400-99 (131,0 см), "Тантана" (131,1 см), ТШД 16-13-1-1-1-1 (133,1 см), "Тарона" (132,2 см) тизмалари банд бўйлилиги маълум бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган ҳосилдорлик кўрсаткичларига кўра, андоза навларга нисбатан паст ҳосилдорлик эртапишарлар гуруҳида (андоза эртапишар "Гулжаҳон" нави 62,8 ц/га) 10-09 (61,3 ц/га), 1142-93 (62,0 ц/га), 327-01 (62,4 ц/га) тизмаларида, ўртапишарлар гуруҳида (андоза нави "Илғор" 69,1 ц/га) 100-06 (67,0 ц/га) 229-06 (66,5 ц/га) тизмаларида, кечпишарлар гуруҳида (андоза нави "УзРос 7-13" 77,2 ц/га) 105-13 (71,2 ц/га), 176-09 (72,3 ц/га) тизмаларида қайд этилган бўлса, юқори ҳосилдорлик эртапишарлар гуруҳида 205-01 (63,4 ц/га) тизмасида, ўртапишарлар гуруҳида 33-09 (69,2 ц/га), 400-09 (73,1 ц/га), "Тантана" (70,5 ц/га) тизмаларида, кечпишар гуруҳида 227-09 (78,5 ц/га), "Тарона" (80,5 ц/га) ТШД 16-13-1-1-1-1 (86,1 ц/га) ва ТШД 15-13-1-1-1-1 (86,5 ц/га) тизмаларида қайд этилди.

205-01 тизмасида андоза "Гулжаҳон" (62,8 ц/га) навига нисбатан 0,6 ц/га, 33-09, "Тантана", 400-09 тизмаларида андоза "Илғор" (69,1 ц/га) навига нисбатан 0,1-4,0 ц/га 227-09, "Тарона", ТШД 16-13-1-1-1-1, ТШД 15-13-1-1-1-1 тизмаларида 1,3-9,3 ц/га кўп ҳосил олишга эришилди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, андоза "УзРос 7-13" навига нисбатан ҳосилдорлиги энг юқори кўрсаткичга эга бўлган "Тарона" нави Республикамизда экишга тавсия қилинди, шу билан бирга, ТШД 16-13-1-1-1-1 ва ТШД 15-13-1-1-1-1 тизмаларини Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига топшириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

М.ХАЙТОВ,
қ.х.ф.н, кичик илмий ходим,
А.ҚУРБОНБАЕВ,
катта илмий ходим,
М.РАХМАНОВ,
кичик илмий ходим,
Шоличилиқ илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдукаримов Д.Т. Қишлоқ хўжалиқ экинлари селекцияси ва уруғчилиги. Тошкент. 2002 й.
2. Абдукаримов Д.Т., Сафаров Т.С., Остонакулов Т.Э. Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва генетика асослари, Тошкент. "Меҳнат". 1989.
3. Абдукаримов Д.Т. Хусусий селекция Т. 2007.
4. Гуляев Г.В., Гужов Ю.Л. Дала экинлари селекцияси ва уруғчилиги. М., Колос, 1972, 460 б.
5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М., Колос, 1979.
6. Шоличилиқ ИТИ нав яратиш лабораториясининг 2015-2019 йил оралиқ ҳисоботлари.

УЎТ: 635.64:631.51:631:55

ТАДҚИҚОТ

ТАКРОРИЙ ЭКИЛГАН ПОМИДОР НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ ЭКИШ МУДДАТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

The article discusses the results of studying growth, development, crop formation, productivity, marketable productivity of tomato varieties Toshkent tongi, Finish, Solyars and heterosis hybrids F₁ Lojayin, F₁ Sultan in repeated culture at different cultivation periods. For early and medium early tomato varieties in repeated culture, the optimal planting time for seedlings was established - 20.06-10.07.

Мамлакатимизда помидор етакчи сабзавот экини бўлиб, умумий сабзавотлар майдонининг ярмидан кўпини банд қилади. Лекин, ишлаб чиқарилаётган ҳосил аҳолининг истеъмол, консерва саноатининг хомашёга талабини етарлича қондира олмапти.

Шунинг учун помидор етиштириш ҳажмини кўпайтиришнинг асосий резервларидан бўлиб, кузги бошоқли дон ва эртаги экинлардан сўнг майдонини кенгайтириш ва юқори ҳосилдорликни таъминлаш ҳисобланади.

Такрорий экилган помидор нав ва дурагайлари ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва товар ҳосил чиқимининг экиш муддатларига боғлиқлиги

1-жадвал.

Кўчат ўтказиш муддати	Гуллаш даврида ўсимлик			Бир туп		Ҳосилдорлик, т/га	Шу жумладан, товар ҳосил		Назоратга нисбатан фарк	
	бўйи, см	барг сони	ён шохлар сони	палак вазни, г	мева ҳосили, г		т/га	%	т/га	%
“Тошкент тонги” навида										
20.06	71,1	64,3	6,0	132	472	26,6	25,1	94,2	8,0	143
30.06	67,6	60,2	5,7	125	454	24,8	23,2	93,6	6,2	133
10.07	64,8	56,0	5,2	110	398	22,9	21,3	93,1	4,3	123
20.07 (назорат)	60,4	51,6	5,0	96	370	18,6	16,9	90,7	-	100
= 1,3-1,8% ЭКФ ₀₅ = 1,1-2,2 т/га										
“Финиш” навида										
20.06	75,5	68,7	6,3	178	601	30,2	29,1	96,3	9,1	143
30.06	72,8	65,1	6,0	169	578	28,5	27,2	95,5	7,4	135
10.07	69,3	62,0	5,4	154	543	25,8	24,4	94,7	4,7	122
20.07 (назорат)	65,7	60,2	5,1	130	509	21,1	19,5	92,2	-	100
= 1,3-2,5% ЭКФ ₀₅ = 1,4-2,5 т/га										
“Солярс” навида										
20.06	74,3	62,8	6,4	171	592	29,7	28,4	95,7	10,3	153
30.06	70,8	60,0	6,0	162	555	28,2	26,8	95,2	7,8	145
10.07	67,4	56,1	5,6	147	501	25,0	23,7	94,8	5,6	129
20.07 (назорат)	64,9	52,4	5,1	125	476	19,4	18,1	93,1	-	100
= 1,4-2,2% ЭКФ ₀₅ = 1,1-2,6 т/га										
F ₁ Султон дурагайида										
20.06	79,2	72,7	7,4	185	629	32,1	31,2	97,3	10,0	145
30.06	76,0	69,0	7,0	172	588	30,7	29,8	97,0	8,6	139
10.07	72,1	65,2	6,6	158	547	27,9	27,0	96,6	5,8	126
20.07 (назорат)	69,7	61,3	6,1	137	505	22,1	21,0	95,2	-	100
= 1,0-3,2% ЭКФ ₀₅ = 1,3-3,6 т/га										
F ₁ Ложайин дурагайида										
20.06	78,0	71,3	7,0	181	618	31,4	30,6	97,5	11,0	154
30.06	77,2	67,6	6,9	170	580	28,8	28,0	97,1	8,4	141
10.07	71,0	64,1	6,4	162	535	26,5	25,5	96,2	6,1	130
20.07 (назорат)	68,5	60,5	6,0	144	514	20,4	19,3	94,8	-	100
= 1,5-3,7% ЭКФ ₀₅ = 1,9-4,4 т/га										

Такрорий экин сифатида помидор ўстириб, барқарор юқори ва сифатли ҳосил олиш кўп жиҳатдан экиннинг навларини тўғри танлаш ҳамда мақбул муддатларда экишни белгилаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга долзарб масала ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиб, биз Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясининг суғориладиган ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида махсус дала тажрибаси олиб бордик.

Тадқиқотнинг мақсади – такрорий экин сифатида помидор тезпишар ва ўртатезпишар нав ҳамда гетерозисли дурагайлари турли экиш муддатларида экиб, ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши, маҳсулдорлиги ва товар ҳосилдорлигини теримлар бўйича аниқлаб, мақбул экиш муддатларини белгилашдан иборат.

Дала тажрибаларида помидор тезпишар ва ўртатезпишар – Тошкент тонги, Финиш, Солярс навлари ҳамда F₁ Султон, F₁ Ложайин гетерозисли дурагайлари 4 та (20.06-30.06, 10.07 ва 20.07) муддатларда экилиб, ўзаро таққосланди.

Ўрганилган нав ва дурагайлари 5-7 чинбаргли кўчатлари 70x20 см тартибда экилди. Делянканинг майдони 56 м², такрорлар сони 3 та бўлди.

Тажриба даласидаги барча агротехнологик тадбирлар, нав, вариант ва қайтариқлар жойлашиши, улардаги кузатиш, ўлчаш, таҳлил ва ҳисоблашлар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, такрорий экин сифатида помидорнинг Тошкент тонги, Финиш, Солярс навлари ҳамда F₁ Султон, F₁ Ложайин гетерозисли дурагайлари кўчатлари 20 июлда далага экилганда барча навдурагайларида ҳосил пишабошлаши октябрнинг биринчи ўн кунлигига тўғри келди ва ҳосилнинг асосий қисми пишмасдан (кўклигича) қолди.

Кўчатлар далага 20 июнда экилганда, бир тупдан олинган палак массаси ва ҳосил вазни ҳамда меваларнинг ўртача вазни кейинги муддатларда, айниқса 20 июлда экилганга нисбатан юқори бўлди (1-жадвал).

Ўрганилган помидор навлари 20 июнда экилганда гектаридан 26,6-30,2, гетерозисли дурагайлари эса 31,4-32,1 тонна ҳосил олиниб, бу кўрсаткич 20 июлда экилганга нисбатан 143-154 фоизга юқори бўлди.

Шундай қилиб, такрорий экин сифатида помидор тезпишар ва ўртатезпишар нав ҳамда гетерозисли дурагайлари (Тошкент тонги, Финиш, Солярс навлари ҳамда F₁ Султон, F₁ Ложайин кабилари) июнь охири – июль бошида экиш мақбул муддат ҳисобланиб, гектаридан кузги совуқча 25-32 тоннадан ошириб товар ҳосил олиш имконини беради.

Тоштемир Остонақулов,
қ.х.ф.д., профессор,
Озод Муратов,
таъяқ докторант,
Алишер Исмойилов,
PhD (СПЭКИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент, 2002. 224 Б.
2. Арамов М.Х. Научный центр по селекции и семеноводству овощных культур на юге Узбекистана. //Материалы международной научно-практической конференции. Ташкент-Термез, 2001. 3-8-с.
3. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. Москва, 1992. –С. 319.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва, 1985. С. 294.
5. Литвинов С.С. Методика полевого опыта овощеводства. Москва, 2011. С. 648.
6. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Мевачилик ва сабзавотчилик (Сабзавотчилик). Тошкент: Наврўз, 2018. 552. Б.
7. Ҳақимов Р.А. Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг аҳоли, муаммолари ва истиқболлари. //Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2013. Б. 4-9-б.



БАҚЛАЖОН ВА БУЛҒОР ҚАЛАМПИРИ ЕТИШТИРИШДА МИНЕРАЛ ВА БИОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*В работе представлено значение минеральных и биоминеральных удобрений в рост и развитие баклажана и болгарского перца. Цель исследований – определить влияние минеральных, биоминеральных удобрений на формирование урожая и качество овощных культур. Основными объектами исследования являлись минеральные и биоминеральные удобрения на основе штамма *Bacillus subtilis* 26.*

*The paper presents value of mineral and biomineral fertilizers in the growth of eggplant and bell peppers. The purpose of the research is to value of mineral and biomineral fertilizers on formation of crop yields and the quality of vegetable crops. The main objects of the study were mineral and biomineral fertilizers is based on *Bacillus subtilis* 26 strain.*

Сабзавотчилик – қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиши билан бирга, фан сифатида унинг мақсади – сабзавот экинлари биологиясини ўрганиш ва шу асосда маҳсулот бирлигига кам меҳнат, кам маблағ сарфлаб, юқори, сифатли ҳамда арзон маҳсулот етиштириш технологиясининг назарий асослари ва амалий усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Одам организмнинг нормал ривожланиши учун баъзи минерал бирикмалар, чунончи, темир, фосфор, калий, кальций, натрий, магний тузлари, йод ва бошқа элементлар зарур бўлиб, сабзавот ва мевалар ана шу бирикмаларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Шундай сабзавот экинларидан бақлажон ва булғор қалампири ҳақида сўз олиб борамиз. Бақлажон (*Solanum melongena* L.) – томатдошларга мансуб бўлган бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. У ёввойи ҳолда Жанубий Осиё – Ҳиндистон ва Мьянмада ўсади. Ўзбекистонда эса жуда қадимдан маданийлаштирилган.

Булғор қалампири (*Capsicum annuum* L.) – томатдошларга мансуб бир йиллик сабзавот экини бўлиб, ватани – Америка. Деярли барча мамлакатларда етиштирилади, Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда кўп экиладиган экин турларидан ҳисобланади.

Сабзавот экинлари сифатини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш, таннархини арзонлаштириш ҳамда аҳолини сабзавот билан таъминлашда мавсумийликни бартараф этиш Ўзбекистон ва жаҳон сабзавотчилиги олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқотларни амалга ошириш учун “Fan-dop” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган “Fan-agro” минерал ўғитидан, шунингдек, “Fan-agro” минерал ўғити *B. subtilis* BS-26 штамми [4] микроорганизмлар билан имобилизация қилиниб, “Fan-agro-Bio” деб номланган биоминерал ўғитдан фойдаланилди.

Тадқиқот услублари. “Fan-agro” минерал ҳамда “Fan-agro-bio” биоминерал ўғитларининг сифат ва миқдорий таркиби тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари ёрдамида аниқланди. Рентгенофазавий таҳлил амалиёти кукукли дифрактометр XRD-6100 (Shimadzu, Япония) ускунасида амалга оширилди. CuKα нурланиш (β-филтёр, Ni, λ=1.54178Å, рентген трубкасидаги ток кучи ва кучланиш 30 mA, 30 kV) таъсирида ба- жарилди.

Тажриба учун олинган минерал ва биоминерал ўғитларнинг таъсири ҳамда самарадорлигини аниқлаш мақсадида, бақлажон ўсимлигининг “Олмос”, булғор қалампири ўсимлигининг эса “Зумрад” навлари танлаб олинди ва Тошкент давлат аграр университети хузуридаги “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва ахборот маслаҳат маркази” ДУК да, лаборатория шароитида тажрибалар олиб борилди. Тажриба учун бақлажон ва булғор қалампири ўсимликлари уч гуруҳга ажратилди:

1-гуруҳ ўсимликлари – Назорат ҳисобланиб, улар минерал ва биоминерал ўғитларсиз парвариш қилинди; 2-гуруҳ ўсимликлари – “Fan-agro” минерал ўғити билан озиклантирилди; 3-гуруҳ ўсимликлари эса – “Fan-agro-Bio” биоминерал ўғити билан ишлов берилган ўсимликлардир.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Рентгенофазавий таҳлил натижаларига асосланиб, BGMN / Profex Rietveld дастурлар тўплами ёрдамида ўғитларнинг сифат ва миқдорий таркиби аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Рентген фаза бўйича минерал ва биоминерал ўғитларнинг таркиби

2θ	“Fan-agro”			“Fan-agro-bio”			
	Нурнинг қайтиш бурчаги	Текисликларо масофа d/n	Нормал интенсивлик I/I ₀	Фазалар	Нурнинг қайтиш бурчаги	Текисликларо масофа d/n	Нормал интенсивлик I/I ₀
16.7575	5.28631	19	(NH ₂) ₂ CO-NH ₄ Cl	16.8348	5.26221	18	MgSO ₄ ·7H ₂ O
22.1400	4.01181	32	(NH ₂) ₂ CO-NH ₄ Cl	20.7817	4.27085	23	NH ₄ H ₂ PO ₄
22.3264	3.97873	100	(NH ₂) ₂ CO	21.2514	4.17751	21	KH ₂ PO ₄
22.5600	3.93806	12	(NH ₂) ₂ CO-NH ₄ Cl	23.7376	3.74530	32	(NH ₂) ₂ CO
22.8591	3.88721	25	KH ₂ PO ₄	25.3697	3.50793	20	NH ₄ H ₂ PO ₄
23.7849	3.73796	17	NH ₄ H ₂ PO ₄	28.3587	3.14462	51	(NH ₂) ₂ CO
25.4081	3.50271	7	KCl	29.4963	3.02588	55	(NH ₂) ₂ CO-NH ₄ Cl
29.1672	3.05927	29	NH ₄ H ₂ PO ₄	30.6822	2.91157	100	KH ₂ PO ₄
30.8200	2.89887	26	MgSO ₄ ·7H ₂ O	33.8305	2.64747	10	(NH ₂) ₂ CO-NH ₄ Cl
40.5983	2.22039	18	(NH ₂) ₂ CO	58.5220	1.57594	7	KCl

Минерал ва биоминерал ўғитлар таъсирида сабзавотлар биометрик кўрсаткичларининг ўзгариши.

Минерал ва биоминерал ўғитлар таъсирида бақлажон ҳамда булғор қалампирининг биометрик кўрсаткичлари ўзгаришига таъсир қилиб, бақлажонда илдизининг узунлиги назорат вариантыда 35.3 см. ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич “Fan-agro” ўғити қўлланилган вариантда 47,4 см. ни, “Fan-agro-Bio” биоминерал ўғити билан озиклантирилган вариантда эса 56,2 см. га етган. Ўсимликнинг узунлиги бўйича таққосланганда, бақлажонда, назорат вариантга (45.3 см) нисбатан “Fan-agro” ўғити қўлланилган вариантда 17.9 см. га (63.2 см), “Fan-agro-Bio” биоминерал ўғити ишлатилган вариантда эса 47.2 см. га (97.5 см) узун бўлган. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, бақлажон ва булғор қалампирининг ўсимликларининг тадқиқ қилинган биометрик кўрсаткичлари бўйича, яъни илдиз узунлиги, ўсимлик бўйининг узунлиги, мева массалари бўйича олинган тажриба маълумотлари таҳлил қилинганда, “Fan-agro-Bio” биоминерал ўғити қўлланилган вариант кўрсаткичлари “Fan-agro” ўғити қўлланилган вариантдагидан юқори бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

Шунингдек, олинган натижалар шунинг кўрсатдики, “Fan-agro-Bio” биоминерал ўғити “Fan-agro” минерал ўғитига нисбатан ҳосилдорлик бўйича ҳисоблаганда ҳам, 1,4 баробар, назорат вариантга нисбатан эса 1,9 баробар юқори самардорликни намоён қилди.

Хулоса қилиб шунинг келтириш мумкинки, бақлажон ва булғор қалампирининг ўсимликларининг озиклантиришда “Fan-agro” минерал ўғитига нисбатан “Fan-agro-Bio” биоминерал ўғити

Биометрик кўрсаткичлар	Тажриба вариантлари		
	Назорат (ўғит билан ишлов берилмаган)	“Fan-agro”	“Fan-agro-Bio”
	Бақлажон		
Илдизнинг узунлиги, см	35,3±0,09	47,4±0,08	56,2±0,07
Ўсимликнинг узунлиги, см	45,3±1,05	63,2±1,23	97,5±1,46
Мева массаси, г	112,3±2,05	147,2±3,07	200,4±5,06
Ҳосилдорлик, кг/м ²	6,5±0,61	8,8±0,31	12,5±0,45
	Булғор қалампирини		
Илдизнинг узунлиги, см	21,3±0,06	27,5±0,05	35,1±0,09
Ўсимликнинг узунлиги, см	32,7±2,18	47,5±4,07	80,3±5,55
Мева массаси, г	60,3±2,06	83,5±3,09	121,9±4,07
Ҳосилдорлик, кг/м ²	4,86±0,59	6,61±0,24	9,25±0,75

Изоҳ: назоратга нисбатан $p \leq 0,05$ аниқликда олинган.

юқори самардорликни намоён этиб, ҳосилдорлик ва бошқа биометрик кўрсаткичлар бўйича устунликка эга бўлди.

Муҳаббат ХОНКЕЛДИЕВА,
к.ф.ф.д., катта илмий ходим,
ЎЗР ФА Биоорганик кимё институти,
Комил БУХОРОВ,
б.ф.н., доцент, ТошДАУ
Самад ЎТАГАНОВ,
Ўсимликлар карантини илмий маркази
таъин докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик // Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик. Т.: 2009. 460 б.
2. Эльдафрави Б.М. Продуктивность баклажана в зависимости от применения инсектицидов и регуляторов роста // Диссертационная работа. Астрахань. 2011. -149 с.
3. Остонакулов Т.Э. Сабзавотлар етиштириш технологияси. - Т.: 2003. -335 б.
4. Патент UZ IAP 04712. Штамм фосформобилизующих бактерий Bacillus subtilis BS-26 с полифункциональными свойствами для использования в растениеводстве // Патент Узбекистана. Джуманиязова Г.И., Закирьяева С.И., Нарбаева Х.С., Зарипов Р.Н., Бережнова В.В., Караходжаева Х.Т., Икрамова С.Н., Ким А.А., Ядгаров Х.Т // Ташкент, 2013.
5. Döbelin N., Kleeberg R. Profex: a graphical user interface for the Rietveld refinement program BGMN // Journal of Applied Crystallography, 2015, №48. P.1573-1580.

УЎТ: 634.334.631.334.4.

ТАДҚИҚОТ

ЦИТРУС ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА КЕНГ ХАНДАКЛАРДА ЎСТИРИЛАДИГАН НАВАЛРИ

This article describes the advantages of growing citrus mandarins in promising trenches in Uzbekistan as well as promising varieties.

Республикада ўстирилаётган мевали ўсимликлар орасида цитрус ўсимликлари алоҳида ўрин тутди. Дунёда цитрус ўсимликлари жуда хилма-хил бўлиб, улар орасида апельсин, мандарин, лимон, грейпфрут энг кўп тарқалган. Цитрус ўсимликларининг келиб чиққан энг асосий маркази Шимолий Ҳиндистон

ва Шимолий Бирма ҳисобланади. Ўзбекистонга цитрус ўсимликлари XX асрнинг иккинчи ярмида олиб келиниб, совуққа чидамсиз бўлганлиги боис, улар иссиқхона ҳамда хандакларда ўстирилиб парвариш қилина бошланди. 1966 йилда академик М.Мирзаев (собиқ Р.Р.Шредер) номли боғдорчилик, узумчилик ва вино-

чилик илмий-тадқиқот институтида цитрус ўсимликларидан лимон, апельсин, мандарин, грейпфрут ва пампельмус турларининг навлари экилиб, уларнинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилиб, 2015 йилдан Давлат реестрига лимоннинг “Мейер” нави, апельсиннинг “Гамлин”, мандариннинг “Клементин” навлари республикамизнинг барча минтақаларида иссиқхона ва хандакларидида ўстириш учун тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ҳамда аҳоли сонининг тобора ортиб бориши озиқ-овқат, хусусан, меваларга ва ундан қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотлар, уларнинг тури ва сифатига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бозорларимиздаги цитрус меваларни импорт қилишни камайтириш учун аҳоли томорқалари ва деҳқон, фермер хўжаликларидида уларни етиштириш истиқболли бўлиб, унчалик кўп маблағ талаб этмайди. Цитрус меваларни янги узилган ёки шарбат ҳолида, қолаверса, қайта ишланган маҳсулотлари бошқа барча мевали экинлар орасида машҳурлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради, дейиш мумкин.

Мандарин ниҳоятда полиморф ва полиген тур бўлиб, у кўпгина помологик гуруҳларни ўзига бирлаштиради, бироқ айрим ботаниклар уларни алоҳида-алоҳида турга ажратадилар. Мандариннинг систематикаси ҳали ҳам мунозаралигича қолмоқда.

Мандариннинг 7 та асосий помологик гуруҳи мавжуд:

1. Уншу мандарин – асосан Уншу гуруҳига мансуб навлар экилади.

2. Благородний мандарин – (Ҳиндистон-Хитой-Малайзия гуруҳи) меваси энг йирик, пўсти билан ейилади, эти жуда мазали бўлади. Сиам (Сиам қироли, Кинг), Куненбо (Уватимикан), Тсао-цзе навлари шу гуруҳга киради.

3. Сухойкан мандарини (Хитой-Ўрта денгиз гуруҳи), яъни мандариннинг “Итальянский” нави ушбу гуруҳга киради.

4. Танжирин – меваси тўқ сариқ, Уншункидан анча ширин бўлган Хитой навларидандир.

5. Сунтра-понкана – меваси сифатли бўлган (Хитой-Ҳинд навлари гуруҳидан), мандарин ҳисобланиб, унга “Понкан”, “Сунтара”, “Батангас” навлари киради.

6. Майда мевали мандарин – меваси нордон (Хитой-Япон навлари гуруҳи) Шиво-микан ва жуда ширин “Кишиу”, “Мукакукишиу” навлари киради.

7. Дурагай формаларни ўз ичига олган бошқа барча навлар: “Каламандин” (Мандарин билан Кинкан дурагайдан), “Рангпур” (Мандарин билан Лайм дурагайдан).

Хандакда ўстирилганда йил давомида мандарин учта ўсув даврини ўтайди. Умуман олганда, апельсин ва лимонга қараганда мандарин суст ўсади. У жанубда хандакларда 10-20 апрелда, яъни лимондан 10-15 кун олдин ёппасига гуллайди. “Итальянский” ва “Климинтин” навларининг меваси ноябрнинг биринчи ярмида пишади. “Кавано-Васэ” навининг мевалари октябрнинг охири-ноябрь бошларида етилади. Цитрус ўсимликларининг барги бир йилдан уч йилгача яшнаб туради. Қариган барглари ўрнини аста-секин ёш барглари эгаллайди, шунинг учун улар доим яшил кўринишда бўлади. Бир ёшдан катта барглр ҳосил тугилишида аҳамиятга эга: чунки улар захира моддалар тўплайдиган жой ҳисобланади. Шунинг учун бундай баргларни сақлаб туриш мўл ҳосил олишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Қишлар даврида шароит ноқулай бўлиб, барглари тўкилиб кетса, ўсимликлар янги барг чиқаради, лекин шу йили ҳосил бермайди. Ёпиқ жойларда цитрус ўсимликлар тупининг кичикроқ бўлгани афзалдир. Бу жиҳатдан олганда, пакана (паст бўйли) ман-

даринлар, бақувват ўсадиган уншу шаклли мандаринлар паст бўйли бўлиб, эрта ҳосилга киради, мевалари 20-25 кун олдин етилади.

Мандарин навларининг ҳосилдорлиги ўрганилганда, энг юқори ҳосилдорлик “Окицу Васэ” навида 53,85 ц/га. ни ташкил қилиб, ўртача бир тупдан 3,2 кг. ҳосил олинди. Бир тупдаги мевалар сони 48 донани ташкил этган бўлса, меваларнинг ўртача вазни 68 г. ни ташкил этди. Энг кам ҳосилдорлик “Понкан” навида 43,95 ц/га. ни ташкил қилиб, ўртача бир тупдан 2,6 кг. ҳосил олинди. Бир тупдаги мевалар сони 36 донани, меваларнинг ўртача оғирлиги эса 74 г. ни ташкил этди.

Мандарин навлари:

“Климинтин” мандарини тупи кичик, шох-шаббаси қалин, сербарг, шохлари ингичка. Барглари майда, чўзиқ, учи ўткирлашган. Мевалари ўртача йирик ёки майда, ясси шарсимон, вазни 65-75 грамм. Пўчоғи тўқ сариқ, юпқа, деярли силлиқ, устида зич жойлашган ёғ безлари бор, этидан осон ажралади, пўстининг оғирлиги меванинг умумий вазнига нисбатан 28-30% дир. Эти тўқ сариқ, донадор, серсув, ўзига хос ҳидли. Шарбати нордон-чучук, таркибида 10% шакар, 1% кислота бор. Мевасида 20 тагача уруғ бўлади. Шарбатининг кислоталиги 1,02, умумий шакар миқдори 8,1%, С витамини 44 мг/% ташкил этади. Экилгандан кейин олтинчи йили ҳар бир тупининг ҳосилдорлиги 23 килограммга етади. Солкашлик кузатилмайд. Бақувват дарахтлари 10°C га чидамли.

Цитрус ўсимликларнинг ҳосил кўрсаткичи (2019 йил).

Навлар	Пишиш даврининг бошланиши	Тўлиқ пишиш	Давомийлик	Меваларнинг ўртача сони, туп/дона	Меваларнинг ўртача оғирлиги, г	Ҳосилдорлик	
						кг/туп	ц/га
Климинтин	15/XI	20/XII	35	35	70	2,6	45,50
Ковано Васэ	10/X	12/XI	32	40	67	2,6	44,22
Понкан	19/XI	10/XII	51	36	74	2,6	43,95
Миагава Васэ	10/XI	12/XI	32	48	68	3,2	53,85

“Ковано васэ” паст бўйли мандарин нави. Тупи кичикроқ, шох-шаббаси ихчам, бўйи 1,5-2,0 метрга етади. Новдалари калта, сербарг.

Мевалари юмалоқ, ўртача йирик, вазни 120-140 грамм келади. Пўсти оч сариқ, мазаси нордон-чучук. Шарбати таркибида 0,6-0,8% кислота, 6,5-7,0% шакар, 15-20-мг/% С витамини бўлади. Экилгандан кейин 6-5, айрим тупларидан 12-15 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Солкашлик кузатилмайд. Бақувват дарахтлари 7-8°C га чидамли.

“Понкан” нави - баланд бўйли мандарин нави. Тупи пирамидал, шох-шаббаси тикка ўсувчи, бўйи 2,5-3 метрга етади. Новдалари узун, ўртача барглр билан қопланган. Барглари овал-узун 9 см, асоси думалоқ, қирралари билинар-билинар бўртиқли. Мевалари йирик, асоси юмалоқ, вазни 100-110 грамм келади. Пўсти оч сариқ, этидан осон ажралади, мазаси ширин-чучук, серсув. Уруғи 8-12 та, кўп муртакли. Шарбати таркибида 0,7-0,8% кислота, 7,0-8,5% шакар, 15-20-мг/% С витамини бўлади. Экилгандан кейин 5-6, айрим тупларидан 12 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Солкашлик кузатилади. Бақувват дарахтлар 7-8°C га чидамли.

“Миагава Васэ” паст бўйли мандаринлар навига киради. Тупи кичикроқ, бўйи 1,5-2,0 метргача етади. Шох-шаббаси ихчам, новдалари калта. Мевалари ўртача йирик, вази 80-100 грамм келади, юмалоқ шаклда. Пўсти қалин, тўқ сариқ, этидан осон ажралади. Шарбатиди 1,4% турли кислоталар, 7,2% шакар, 44 мг/% С витамини бўлади. Иссиқхона шароитида экилгандан кейин иккинчи йили ҳосилга киради. Тўртинчи йили ҳар тупидан 5-6 килограмм ва ундан ортиқ ҳосил олинади. Сол-кашлик кузатилмайди. Бақувват дарахтлар 8-9°C га чидамли.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, Республикамизда мавжуд кенг хандакларда етишти-

риш учун мўлжалланган ушбу мандарин навлари ҳосилдорлиги ва ўзининг юқори сифат курсаткичлари билан анча устунлигини кўрсатди. Бу эса, аҳоли томорқа ер хўжаликлари ва иссиқхона хўжаликлари учун юқори самара беради ва ички бозорни сифатли мандарин навлари билан бойитишга хизмат қилади.

Феруза РАСУЛОВА,

қ.х.ф.ф.д., катта ўқитувчи,

Хамидохон РАСУЛОВА, магистрант,

Мархабо КАРИМОВА, ассистент,

Шоирахон ҚОСИМОВА, ассистент,

ТошДАУ Андижон филиали,

АДАБИЁТЛАР

1. Витковский В.Л. Культурная флора. Т. 24. Цитрусовые культуры / В.Л. Витковский, Т.Х. Самоладас, О.Н. Корovina, Р.К. Карая. – СПб. ВНИИР, 1998. 415 с.
2. Ибрагимов Р.К., А.А.Алесеенко, О. Ч.Алесева. Выращивание цитрусовых в траншейной культуре. Ташкент, 1981 г.
3. Микеладзе А.Д. Субтропические плодовые и технические культуры. Москва. ВО “Агропромиздат”. 1988 г.

УЎТ: 982.635.632.3912.

ТАДҚИҚОТ

ИССИҚХОНАЛАРДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ЭКИНЛАРДА ИССИҚХОНА ТРИПСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

В статье рассматривается повреждение тепличных трипсов и особенности развития вредителя в культурах, выращиваемых в теплицах.

The article discusses the damage to greenhouse thrips and the peculiarities of the development of the pest in crops grown in greenhouses.

Ҳозирги вақтда Республика-миз минтақаларида қурилаётган иссиқхоналар сони кўпайиб бормоқда. Иссиқхоналарда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотлари йил бўйи ва бутун мавсум давомида аҳолини таъминланмоқда. Етиштириладиган маҳсулотлардан тоза, сифатли ва юқори ҳосил учун уларнинг зарарли организмларига қарши ўз вақтида кураш чоралари олиб бориш зарурдир.

Сўнгги йилларда республика-миз бўйлаб жойлашган иссиқхоналарда сабзавот экинларида иссиқхона трипсининг (Greenhouse thrips) зарари сезиларли даражада эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Бу зараркунанда ҳошияқанотлилар (Thysanoptera) туркуми - Thripidae оиласига мансубдир. Иссиқхона трипсининг узунлиги 1,2-1,6мм бўлиб, танаси ингичка, қорнининг сўнгги сегменти, яъни олтинчи сегменти найсимон чўзилган. Трипс олд кўкрагининг орқа томони кенгайган; қаноти силлиқ бўлиб, олдинги қанотининг ўрта қисми бошқа хил трипсларники сингари сал торайган; қанотининг четларида узун қилчалар бор, мўйлови беш бўғимдан иборат, трипсининг танаси тўқ кўнғир тусда, мўйловининг бўғими оралари оқиш бўлиб, охириги бўғими қора тусли кўринишга эга (1-расм).



1-расм. Трипсининг етук зоти ва зарарлаётган барг.

Иссиқхона трипси ёш личинкалик даврида бегона ўтларда, тупроқ кесаклари остида ва ўсимлик қолдиқларида қишлоғга кетади. Эрта баҳорда, ҳавонинг ҳарорати 10-11°C бўлганда, биринчи авлод личинкалар бегона ўтларда ривожланади. Иссиқхоналарда эса қишлоғга кетмасдан, йил бўйи ривожланиб, 8-12 тагача авлод беради (2-расм).



2-расм. Трипсининг личинкаси.

Олиб борилган кузатишларимиз натижаларига кўра, трипсининг личинкаси ҳамда етук зоти иссиқхонадаги ўсимликларнинг барги ва, асосан, гулларига кучли зарар келтиради (3-расм).



3-расм. Бодрининг гулининг трипс билан зарарланиши.

Трипс баргдаги суюқлик билан озиқланганда, зарарланган баргнинг олди ва орқасида оқ доғлар пайдо бўлади. Кучли зарарланганда эса барг юзаси оқ доғлар билан тўлиқ қопланиб, баргдаги фотосинтез процесси бузилиши натижасида барглар нобуд бўлади.

Иссиқхона трипси сўрувчи зараркунанда бўлиб, вирусли инфекцияларни тарқатувчи ҳашарот ҳисобланади. Шунинг учун бу зараркунандага қарши ўз вақтида кураш чоралари олиб бориш зарурдир, унинг кучли зарар етказиши натижасида ўсимликлар нобуд бўлиши ҳолатлари кўпаймоқда.

Матвай МАХАМЕДОВ,

мустақил тадқиқотчи, ЎҲҚИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Великань И.С., Иванова Г.П. Фауна трипсов в современных теплицах //Ж. "Защита и карантин растений". – М., 2005. №1. С. 41-42.
2. Иванова Г.И., Клишина И.С., Бибилова Л.Ю. Проблемы контроля инвазивных видов трипсов в теплицах северо-запада России // Инновации–основа развития агропромышленного комплекса: материалы Междунар. агропром. конгр. – СПб, 2010. 143 с.
3. Ижевский С.С, Ахатов А.К. (ред.). Защита тепличных и оранжерейных растений от вредителей. – М.: Товарищество научных изданий КМК, 2004. 307 с.
4. Хўжаев Ш.Т., /Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент. "КОНИ-NUR". 2004, 104 б.

УЎТ: 636.081/082+636.8.

ТАДҚИҚОТ

ТУРЛИ ЁШДАГИ ҚўЧҚОРЛАР АВЛОДИНИНГ СИФАТИ

The article presents the quality indicators of the offspring of sheep of different ages are studied. Differences between the offspring of sheep of different ages were not found. With proper selection and rearing of sheep. They can be used at an early age.

Хўжалик учун фойдали белгиларини ўз авлодларига етарлича бера оладиган наслик қўчқорларнинг ирсий кучи ва имкониятларидан юқори самара билан фойдаланиш қисқа вақт ичида хўжаликдаги қўйлар сурувининг маҳсулдорлик белгиларини кескин яхшилаш имконини бера олиши қорақўлчилик амалиётида аллақачон ўз исботини топган. Қорақўлчилик маҳсулотлари сифатини оширишда фақат юқори маҳсулдор, ирсий белгиларини ўз авлодига мунтазам бера олиш хусусиятига эга бўлган юқори гомеостазли қўчқор ва совлиқлардан қочирим мавсумида фойдаланиш кенг аҳамият касб этади.

Юритиладиган наслик ишининг асосий мақсадларидан бири, хўжаликларда юқори маҳсулдор наслик қўчқорлар ва совлиқлар сурувларини яратиш ҳисобланади. Мавжуд сурувдаги ҳайвонлар ўрнини уларга нисбатан яна ҳам маҳсулдорроқ, яна ҳам сифатли ҳайвонлар билан тўлдириш муҳим, зеро, авлодлар алмашинуви қанчалик эрта ва жадал амалга оширилса, олинган натижа ўшанчалик салмоқли бўлади. Бу ишининг, айниқса, наслик қўчқорлар галасида амалга оширилиши салмоқли ижобий натижаларга олиб келади. Қўчқор сурувларида авлодлар алмашинувини жадаллаштириш йўли билан селекция ишлари суръатини тезлаштиришда ёш қўчқорчаларни танлаб олиш ва иложи борица барвақтроқ уларнинг насл сифатини текшириш ўта муҳим. (Абдукаюмов С, 1981; Мирзабеков С.Ш, 1984; Юсупов С.Ю, 2015).

Ёшдаги қўчқорларнинг авлод сифатини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар Самарқанд ва Навоий вилоя-

ти хўжаликлариди 9 бошдан иборат сур ва қора рангли қўчқорларда ўтказилди.

Қорақўл қўйлари билан наслик ишлари олиб боришда конституция типи муҳим аҳамиятга эга, чунки бу белги ҳайвоннинг соғлигини, ҳаётчанлигини ва маҳсулдорлигини белгилаб беради.

1-жадвал.

Турли ёшдаги қўчқорлар авлодининг конституцияси, %.

Қўчқорлар тоифаси	n (бош)	Конституция типи		
		мустаҳкам	қўпол	нозик
Қора рангли				
7 ойлик:				
яхшиловчилар	369	76,65	9,32	14,03
ёмонлаштирувчилар	105	61,73	13,26	25,01
1,5 ёш:				
яхшиловчилар	641	78,90	8,95	12,15
ёмонлаштирувчилар	189	59,77	11,11	29,12
Сур рангли				
7 ойлик:				
яхшиловчилар	349	76,13	10,27	13,60
ёмонлаштирувчилар	107	55,31	15,89	28,80
1,5 ёш:				
яхшиловчилар	601	78,04	10,14	11,82
ёмонлаштирувчилар	186	57,56	12,92	29,52

Барча ранглар ичида энг мураккаби сур ранги ҳисобланади. Мураккаблиги шундаки, сур рангида тола узунлиги бўйлаб ранг ҳар хил тақсимланади. Бизнинг турли ёшдаги қўчқорлар авлодидан олган натижаларимиз қуйидаги жадвалда келтирилмоқда:

Катта ва ёш қўчқорлар ўртасида деярли фарқ кузатилмади. Яхшиловчи қўчқорлар тоифаси ўз кўрсаткичларини авлодига барқарор бера олиши кўзга ташланди.

2-жадвал.

Турли ёшдаги сур рангли қўчқорлар авлодида сур ранги ва рангбарангликлари тақсимланиши, %.

ранг ва рангбаранглик	7 ойлик		1,5 ёш	
	яхшилов. (n=349)	ёмонлаштир. (n=107)	яхшилов. (n=601)	ёмонл. (n=186)
Сур ранги чиқими ш. ж:	85,98	69,08	88,03	70,95
кумушсимон	61,52	49,68	63,74	51,08
тилло	22,05	17,65	23,42	18,78
олмос	0,31	-	0,35	-
сирен	2,09	1,75	0,52	1,09

Қўчқорларни эрта баҳолаш натижалари ҳақидаги хулосага уларнинг авлод сифатини таҳлил қилган ҳолда келиш мумкин. Тадқиқот натижалари ёш ҳайвонлар тери сифати белгиларини авлодига мустаҳкам бера олишини кўрсатди. Бу шундан далolat берадики, турли барра типдаги қўйлар улуши бўйича қўчқорлар авлодида ёшлараро фарқ кузатилмади.

Турли ёшдаги қўчқорлар авлодининг барра типлари ва синфи, %.

Қўчқорлар ёши	n	Барра типлари				Синфи	
		жакет	қобирғасимон	ясси	кавказ	элита	I синф
Қора рангли							
7 ойлик							
яхшиловчи	369	54,75	14,12	5,69	25,44	9,03	62,51
ёмонлаштирувчи	105	40,83	17,08	5,73	36,36	-	55,10
1,5 ёш							
яхшиловчи	641	56,50	14,16	5,31	24,03	10,20	62,82
ёмонлаштирувчи	189	41,82	16,41	5,27	36,50	-	50,25
Сур рангли							
7 ойлик							
яхшиловчи	349	55,24	14,95	5,14	24,67	8,67	62,94
ёмонлаштирувчи	107	44,69	15,01	3,75	36,55	-	54,07
1,5 ёш							
яхшиловчи	601	57,42	12,44	5,33	24,81	9,20	62,84
ёмонлаштирувчи	186	41,90	12,35	4,85	37,67	-	56,99

Қўзилар синфи бонитировка жараёнида тери сифати ва конституциясига қараб аниқланди. Қўзилар авлодининг юқори сифати оталаридан ирсиятга берилганлиги тасдиғини

3-жадвал. топди. 7 ойлик қўчқорчалар катта ёшдаги қўчқорлардан авлод сифати бўйича деярли фарқ қилмади. Юқори келтирилган тадқиқот натижалари 7 ойлик қўчқорчалардан авлод сифати бўйича баҳолашда эрта фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, танлаш ва тарбиялаб ўстириш жараёнлари тўғри ташкил қилинган хўжаликларда 7 ойлик наслик қўчқорчалардан улар туғилган йилнинг қочирим мавсумида бемалол фойдаланиб, насл сифатини баҳолаш мумкин. Бу эса бир томондан наслик қўчқорчалардан фойдаланиш муддатини чўзиш имконини берса, иккинчи томондан наслилик ишлари жараёнини жадаллаштириш имконини беради.

Раббимқул РЎЗИМУРАДОВ,
ассистент, қ.х.ф.н.,
Озод ТУХТАЕВ,
СамВМИ.

АДАБИЁТЛАР:

1. С.Ю.Юсупов ва бошқалар. Методические основы оценки баранов-производителей по качеству потомства. Ж. "Зооветеринария". 2015. №5.
2. С.Ш.Мырзабеков. О ранней оценке генотипа по потомству в каракулеводстве. Актуальные вопросы каракулеводства. Т. 5. Кайнар, 1984.
3. С.Абдукаюмов. Проверка по качеству потомства каракульских баранчиков в 7-месячном возрасте. Сб. научных трудов КазНИИК. Т. 4. Кайнар, 1981.

УЎТ: 631.10.630.34.

ТАДҚИҚОТ

ҚИСҚА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИГА КИРИТИЛГАН ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚДАГИ ОЗИҚ МОДДАЛАР МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ

In order to develop a system of short-term sowing in the soil of the Republic of Karakalpakstan, a field experiment was conducted to increase. The amount of nutrients in the soil of crops included in the crop rotation system. It has been found that the amount of nutrients in the soil increases when young is planted.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги тупроқ унумдорлигига, яъни унинг таркибидаги озиқ элементлари миқдори, тупроқ ҳажм салмоғи, сув билан таъминланиши, структурасига боғлиқ бўлади. Тупроқдан ўсимликлар томонидан ўзлаштирилган озиқ элементлари, албатта, тупроққа қайтарилиши керак. Агарда бу қонунийлик бузилса, тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш билан бирга тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш иложини ҳамма вақт кўришимиз зарур.

Биз тажрибада қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш учун алмашлаб экишга киритилган экинларнинг тупроқ унумдорлигига қандай таъсир кўрсатишини икки муддатда: амал даври бошида ва охирида, тупроқнинг 0-30 ҳамда 30-50 см қатламларида аниқладик.

Тажриба даласининг ҳайдалма (0-30 см) қатламдаги озиқ элементлари умумий миқдорининг дастлабки кўрсаткичлари гумус 0,785%, азот 0,045%, фосфор 0,085%, калий 0,085% ва уларнинг ҳаракатчан миқдорлари 5,4 мг/кг, фосфор 43,5 ва калий 210 мг/кг ни ташкил этади.

Дала тажрибаси Қорақалпоғистон Республикаси марказий тупроқ-иқлим минтақасида, ТошДАУ Нукус фи-

лиалининг Хўжайли туманида жойлашган ўқув-тажриба хўжалигида ўтказилди. Тупроқлари ўтлоқи-аллювиал, механик таркиби ўртача, сизот сувлари 1,5-2,0 м. да жойлашган, шўрланган.

Қисқа навбатлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан сўнг экилган такрорий экинлар: мош, кунжут, жўхори ва оралиқ экин билан 20 т/га миқдорида органик ўғитнинг тупроқ таркибидаги озиқ моддалари миқдори ва улардан сўнг экиладиган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш мақсад қилиб олинди.

Тажрибада қуйидаги вариантлар ўрганилди: 1-вариант - ғўза (назорат), 2-вариант - 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (мош): ғўза:ғўза, 3-вариант - 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (кунжут) : ғўза : ғўза; 4-вариант - 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) : ғўза : ғўза, 5-вариант - 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) + 20 т/га гўн : ғўза : ғўза, 6-вариант - 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (мош) + оралиқ экин (мош) : ғўза : ғўза, 7-вариант - 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) : ғўза : ғўза, 8-вариант - 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) + 20 т/га гўн : ғўза : ғўза. Ҳар бир вариантнинг майдони 240 м², тўрт такрорланишда олиб борилди.

Алмашлаб экиш экинларининг тупроқдаги озиқ моддалар миқдорига таъсири.

Вариантлар	Тупроқ қатламлари, см	Гумус, %	Умумий миқдори, %			Ҳаракатчан миқдори, мг/кг		
			N	P	K	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
Баҳор								
1	0-30	0,680	0,030	0,050	0,050	3,0	30,5	120,0
	30-50	0,480	0,020	0,020	0,020	2,0	20,0	90,0
2	0-30	0,780	0,060	0,095	0,090	5,0	45,5	190,0
	30-50	0,600	0,040	0,045	0,050	4,0	28,0	110,0
3	0-30	0,780	0,065	0,090	0,090	5,2	48,0	180,5
	30-50	0,580	0,040	0,045	0,050	4,0	30,5	120,5
4	0-30	0,740	0,050	0,080	0,075	5,2	47,5	190,5
	30-50	0,540	0,030	0,030	0,030	3,3	22,0	110,0
5	0-30	0,800	0,065	0,100	0,100	7,0	50,5	220,5
	30-50	0,600	0,040	0,050	0,065	5,0	29,0	170,0
6	0-30	0,840	0,060	0,095	0,095	6,5	50,5	190,5
	30-50	0,580	0,050	0,050	0,040	5,0	27,0	125,0
7	0-30	0,840	0,060	0,095	0,095	6,3	50,5	200,0
	30-50	0,600	0,040	0,060	0,040	4,5	25,5	120,0
8	0-30	0,870	0,070	0,110	0,120	8,0	55,6	240,0
	30-50	0,640	0,055	0,060	0,070	5,0	30,0	180,0
Куз								
1	0-30	0,640	0,020	0,040	0,040	2,5	25,0	100,0
	30-50	0,460	0,015	0,015	0,020	2,0	15,0	70,0
2	0-30	0,770	0,055	0,090	0,080	4,0	35,0	170,0
	30-50	0,540	0,030	0,040	0,040	3,0	25,0	90,0
3	0-30	0,770	0,060	0,080	0,080	5,0	40,0	170,5
	30-50	0,560	0,030	0,040	0,040	3,0	30,0	100,5
4	0-30	0,740	0,045	0,075	0,075	5,0	42,5	170,5
	30-50	0,520	0,025	0,020	0,025	3,0	17,0	100,0
5	0-30	0,820	0,070	0,090	0,090	6,5	45,0	210,5
	30-50	0,600	0,035	0,045	0,060	4,5	25,0	120,5
6	0-30	0,820	0,060	0,090	0,090	6,0	45,0	170,0
	30-50	0,560	0,045	0,045	0,030	4,0	22,0	105,0
7	0-30	0,830	0,065	0,090	0,090	6,0	44,5	180,0
	30-50	0,580	0,040	0,050	0,030	4,0	20,0	100,0
8	0-30	0,890	0,075	0,100	0,110	7,0	50,5	220,0
	30-50	0,630	0,050	0,060	0,060	4,0	25,0	160,0

Озиқ элементлари миқдорининг дастлабки мuddатида, 2019 йил баҳорда гумус миқдори вариантлар бўйича ўртача 0,680-0,870% бўлди. Бунда гумуснинг энг паст кўрсаткичи ғўзадан кейин ғўза экилган назорат (1-вар.) вариантда кузатилди, алмашлаб экишнинг 1:2 тизимида, ғўзани экишдан олдин кузги буғдойдан кейин такрорий экинлар: мош, кунжут ва жўхори экилган 2-, 3-, ва 4-вариантларда 0,740-0,780%, кузги буғдойдан кейин такрорий экин (жўхори) экилиб + 20 т/га ғўнг берилганда 0,800%, кузги буғдойдан кейин + такрорий экин (мош, жўхори) + оралиқ экин (мош) экилганда 0,840% ва кузги буғдойдан кейин + такрорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) + 20 т/га ғўнг тизимида экилгандан кейин тупроқдаги гумус миқдори 0,870% бўлди. Жадвал маълумотларида кўриниб турганидек, озиқ элементлари умумий ва ҳаракатчан турлари миқдори бўйича ҳам вариантлар орасидаги фарқлар сақланиб қолди. Яъни, ўтган йили алмашлаб экиш тизимида киритилган экинларидан кейин тупроқда қолдирилган ўсимлик илдиз ва анғиз қолдиқлари озиқ элементлари тупланишига ҳар хил таъсир этади. Бунда ғўзадан кейин ғўза экилган назорат вариантда озиқ элементларининг камайиб бериши кузатилса, қисқа ротацияли алмашлаб экиш (1:2) тизимида (ғалла : ғўза : ғўза) кузги буғдойдан кейин такрорий, оралиқ экинлар

экилиб, унга қўшимча 20 т/га миқдорида ғўнг берилганда, тупроқдаги гумус ва бошқа озиқ элементлари миқдори ортади.

Амал даври охирида тупроқдаги гумус ва бошқа озиқ элементлари миқдорини аниқлаганимизда ҳамма вариантларда (5- ва 8-вариантдан ташқари) уларнинг пасайиши кузатилади. Ғўзадан кейин ғўза экилган назорат вариантда амал даври бошида гумус 0,680% бўлса, амал даври охирида 0,640% ни ташкил этиб, 0,40% га камайди. Кузги буғдойдан кейин такрорий экинлар: мош, кунжут ва жўхори экилиб, кейин ғўза экилган 2-, 3- ва 4-вариантларда амал даври бошида 0,740-0,780% бўлиб, амал даври охирида 0,740-0,770% бўлди ва камайиши 0,010% ни ташкил этди. Кузги буғдойдан кейин такрорий экин экилиб, унга қўшимча 20 т/га миқдорида ғўнг берилганда, гумус миқдори 0,020% ортиши кузатилди, кузги буғдой + такрорий экин (мош,

жўхори) + оралиқ экин (мош) тизимида экилганда баҳорда 0,840% бўлса, кузда 0,820-0,830% бўлиб камайиши 0,020-0,010% бўлди ва экинлар кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) + 20 т/га ғўнг тизимида экилиб, кейин ғўза экилганда гумус миқдори 0,20% га ошиши кузатилди. Амал даври охирида озиқ элементларидан азот, фосфор ва калийнинг умумий ва ҳаракатчан миқдорлари динамикаси бўйича вариантлар орасидаги фарқ ғўза монокультураси ва алмашлаб экиш тизимида киритилган экинлар турига боғлиқ ҳолда сақланиб қолди.

Жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, тупроқдаги озиқ элементлари миқдорини ошириш учун алмашлаб экишнинг 1:2 тизимида, кузги буғдой + такрорий экин (мош, жўхори) + оралиқ экин (мош) ва 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) + 20 т/га ғўнг қўлланиб экилса, кейинги йилларда экиладиган ғўзанинг яхши ўсиши, ривожланиши ва юқори ҳосил тўплаши учун қулай шароит яратилади.

Д.ИСМАИЛОВ,
таянч докторант,
ТошДАУ Нукус филиали.

АДАБИЁТЛАР:

1. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почвы. Нукус. 2004. 186 с.
2. Халиков Б.М., Гамозов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. Тошкент. 2016. 222 б.
3. Ли В.Н. Плодородие орошаемых земель Узбекистана. Тошкент. ФАН. 1989. 144 с.

ЕРНИ ТУРЛИ ХИЛ УСУЛЛАРДА ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ОҚБОШ КАРАМ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

The article presents the results of scientific research to determine the impact of soil preparation on plant growth and productivity on the development of white cabbage in the period of repeated cultivation of cereals or early vegetable crops.

Республикада сўнги йилларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда, хусусан, такрорий экин сифатида экспортбоп, ички ва ташқи бозорда талаб бўлган экинлар экиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда оқбошли карам сабзавот экинлари орасида етиштириш ҳажмига кўра бугунги кунда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда дунё бўйича энг оммабоп ва хушхўр сабзавот экинларидан бўлган оқбошли карам етиштирилаётган майдонлар 2,82 млн. гектар, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 29,4 тонна ва ялпи ҳосил 82,8 млн. тоннани ташкил этмоқда.

Дунёда мўътадил иқлим шароитига эга, узун илиқ кунли Жанубий Европа, Марказий ва Жанубий Осиё, Шимоллий ва Жанубий Америка, Австралия минтақаларида қишлоқ хўжалигида такрорий экин сифатида сабзавотларни экиш кенг йўлга қўйилган.

Оқбош карамга бўлган талабни қондириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ушбу экинни бошоқли дон ёки эртаги сабзавот экинлардан сўнг такрорий муддатда етиштириш технологиясини такомиллаштиришда энг мақбул ерни экишга тайёрлашнинг ўсимликлар ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш борасидаги илмий тадқиқот ишлари долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотлар қуйидаги ерни экишга тайёрлаш усуллари бўйича дала тажрибалари олиб борилди:

1. Такрорий муддатда оқбош карамни етиштириш учун экишдан олдин анъанавий усулда ҳамда ишлаб чиқарилаётган машина ва иш қуроллари базасида ерни экишга тайёрлаш – назорат.

2. Такрорий муддатда оқбош карам етиштириш учун экишдан олдин бирлаштирилган технологик жараёнларни роторли культиватор базасида ерни экишга тайёрлаш.

Тадқиқотлар оқбошли карамнинг “Тошкент-10” навини 4 қайтариқда 8 қатордан, эгат узунлиги 40 м, экиш схемаси 70×40 см да жойлаштирилиб, 1792 м² бўлган майдонда дала тажрибалари ўтказилди. Оқбош карам кўчатлари ҳар икки хил ерни экишга тайёрлаш усулларида 30 июлда экилди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, бошоқли дон ёки эртаги сабзавот экинларидан сўнг такрорий муддатда роторли унификациялашган машина билан ерни экишга тайёрлаш карам ўсимликларни ўсиш ва ривожланишига анъанавий усулга нисбатан фенологик фазаларнинг давомийлиги 4-5 кунга вақтли амалга ошганлиги аниқланди. Яъни, 35-40 кунлик кўчат экилгандан роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида кўчатларининг тутиб кетиши 95% бўлиб, назоратда – 85% ёки 5357 донасининг нобуд бўлишига сабаб бўлди.

Оқбошли карамнинг 30 см барглари роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида 42 кунда пайдо бўлган бўлса, назорат анъанавий усулда 46 кунни ташкил этди. Шунингдек, назорат анъанавий усулда карамбошларнинг техник пишиши 108 кун бўлиб, роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида 103 кун ёки назоратга нисбатан 5 кун илгарироқ шакллантирди.

Роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида ерни экишга тайёрлаш кўчат тутиб олганда барг сони – 5,6 дона, банди узунлиги – 7,3 см, узунлиги – 8 см ҳамда эни 7,1 см бўлиб, мутаносиб равишда анъанавий усулдан 5,1; 7,5 ва 6,4 см га юқорироқ бўлди.

Карам бош ўрай бошлаганда эса

роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида барг сони – 20,5 дона ҳамда банди узунлиги – 6,4 см, узунлиги – 28,9 см ва эни – 21,6 см бўлиб, назорат анъанавий усулда эса – 2,8 дона, 3,3, 3,9 ва 3,6 см га кичикроқ шакллантирди.


Ҳосилни йиғиб олишдан олдин барг ўлчамлари анъанавий усулда барг сони – 21,8 дона, банди узунлиги – 3,7 см, узунлиги – 32,8 см га ва эни – 34,9 см бўлган бўлса, роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида назоратга нисбатан 2,7 дона, 3,2, 0,3 ва 2,4 см га юқорироқ эканлиги аниқланди.

Назорат анъанавий усулда илдиз вази 167 г бўлиб, роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида – 181 г ёки назоратга нисбатан 14 г га каттароқ бўлди. Оқбошли карам карамбошининг баландлиги назорат анъанавий усулда – 21,8 см бўлган бўлса, таққосланаётган роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида – 23,8 см ни ташкил қилди (жадвал).

Оқбошли карамбош йўғон қисмининг ўртача диаметри ҳисобланганда роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида – 28 мм бўлиб, назорат анъанавий усулга (24,5 мм) нисбатан – 3,5 мм га каттароқ бўлди.

Ўрганилган ерни экишга тайёрлаш усулларида “Тошкент-10” нави кўрсаткичи 0,8-1,1 индексига тўғри келиб, улар юмалоқ шаклга эга бўлди.

Экин турларидан қатъий назар, ерни экишга тайёрлаш усуллари оқбошли карам ўсимлигининг ҳосилдорлигига (50-60%) кучли таъсир кўрсатиб, назорат анъанавий усулда карамбош вази 3,1 кг бўлган бўлса, роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида карамбош



Ерни экишга тайёрлаш усулларида оқбошли карам ҳосилдорлигига таъсири.

**Ерни экишга тайёрлаш усулларининг карамбоши
кўрсаткичларига таъсири (2018-2019 й).**

Ерни экишга тайёрлаш усуллари	Илдиз вази, г	Карамбош баландлиги, см	Карамбош кесими диаметри, мм
Анъанавий (назорат)	167	21,8	24,5
Роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида	181	23,8	28,0

вази 4,1 кг ни шакллантирди.

Такрорий муддатда оқбошли карамга ерни экишга анъанавий усулда тайёрланганда умумий ҳосилдорлиги 2018 йилда – 85,7 т/га ва 2019 йилда – 89,9 т/га бўлган бўлса, шундан товарбоп ҳосил миқдори 2018 йилда – 80,1 т/га ва 2019 йилда – 82,4 т/га ни ташкил

қилди (расм).

Роторли культиватор (Фиреза РР-2.8) базасида такрорий муддатда оқбошли карамга ерни экишга тайёрлаш усулида умумий ҳосилдорлиги 2018 йилда – 98,6 т/га ва 2019 йилда – 118,8 т/га ни ташкил қилди. Шунингдек, умумий ҳосилдаги товарбоп ҳосил

миқдори мутаносиб равишда 94,6 ва 115,9 т/га ни ташкил қилди.

Хулоса қилинадиган бўлса, ерни турли усулларда экишга тайёрлашда роторли унификациялашган машиналарда тайёрлаш ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига яхши таъсир этди.

Назорат анъанавий усулга нисбатан роторли культиватор (Фиреза РР-2,8) базасида ерни экишга тайёрлаш усулида ўртача йиллик маълумотларга кўра, умумий ҳосилдорлик 21 т/га юқори бўлганлиги аниқланди.

**Умидулло АКРАМОВ, қ.х.ф.н.,
Сабзавот, полиз экинлари ва
картошқачилик ИТИ.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Бўриев Х., Зуев В., Қодирхўжаев О., Мухамедов М. Очқ жойда сабзавот экинлари етиштиришнинг прогрессив технологияси. Т.: УзМЭ, 2002. 221-228-б.
2. Қўлибобов И., Ҳақимов Р.А., Аббосов А.М. Бошоқли дон экинларидан сўнг сабзавот экинлари ва картошка етиштиришга оид тавсиялар. Тошкент, 2002. 6-7-б.
3. Lapasov S.S., Shokirov A.J., Azimov B.J. Selection of White Cabbage Variety Samples Those are Cultivated in Uzbekistan Conditions. // International Journal of Science and Research (IJSR) ISSN (Online): 2319-7064. – Volume 6, Issue 11, November 2017. – P. 1999-2002. Impact Factor (2015) 6.391.

УЎТ:631.1:528.9:004.

ТАДҚИҚОТ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭЛЕКТРОН КАРТАСИНИ ЯРАТИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

This article to consider a proposal for the general classification of agriculture as a result of the analysis of research of foreign and national scientists on the compilation of agricultural maps.

Ҳар қандай турдаги картани яратиш жараёнини тизимлаштириш картанинг дастурини ишлаб чиқиш билан чамбарчас боғлиқ. Карта дастурини яратиш куйидаги бўлимларни ўз ичига олади.


Карта дастурининг технологик қисмида карта ва атлас яратишда фойдаланиш мумкин бўлган янги технологик усуллар, яъни компьютерлардан, дастурий таъминотлар ва бошқа янги асбоб-ускуналардан фойдаланиш имконияти кўрсатилади. Тадқиқот давомида қишлоқ хўжалиги картасини тузиш куйидаги босқичларда амалга оширилди:

1-босқич: қишлоқ хўжалиги электрон картасини тузишда дастлаб, карталаштириладиган ҳудуддаги мавжуд умумий қишлоқ хўжалигининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ўрганиш, аввалги яратилган картографик асарларни таҳлил қилиш, яъни дастлабки маълумотлар йиғилади ва таҳлил қилинади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги электрон картасининг мавзули қатламлари (мазмунли элементлари) ишлаб чиқарилади.

2-босқич: картанинг математик асосини танлашни бир нечта йўлларда амалга ошириш мумкин. Бу иш анъанавий усуллардан фарқли уларок, ҳозирги кундаги технологияларнинг ривожланиш тенденцияси натижасида содда йўл билан амалга оширилади. Бунга мисол қилиб, навбатчи электрон карталар ёки космик суратларни келтириб ўтишимиз мумкин. Тадқиқот давомида қишлоқ хўжалиги электрон картасини тузиш учун навбатчи электрон картанинг математик асоси танланган.

3-босқич: ҳозирги кунда рақамли ва электрон карталар тузиш учун ГАТ оиласига мансуб бўлган дастурий таъминотларнинг жуда кўп турлари мавжуд (Global Mapper, ArcGis, Panorama, MapInfo, Surfer ва бошқалар). Қишлоқ хўжалиги электрон картасини яратишда Esri компаниясига тегишли бўлган ArcGis дастурий таъминотидан фойдаланилди.

4 – босқич: барча турдаги қишлоқ хўжалиги тармоқлари сифат ва миқдор кўрсаткичларининг ҳудудий тарқалиши ва объектларининг географик ўрнини белгилаш жиҳатдан маълумотлар киритиш жараёни яқунлангандан кейин дала тадқиқот кузатувлари амалга оширилади. Ушбу жараён, асосан, ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларининг турган ўрнини GPS (Global Position System) приёмниклари орқали аниқлаш ва уларни электрон картага юклаш жараёнини ўз ичига олади. Дала тадқиқоти давомида тумандаги қишлоқ хўжалиги бошқармаси, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ва участкалари, ветеринария дорихоналари, ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази, агрокимё бошқармаси, ўрта-махсус касб-хунар коллежи, қишлоқ хўжалиги техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва ёқилги куйиш шохобчалари каби қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларининг географик ўрни Trimble Juno 3 GPS қурилмаси ёрдамида аниқланди ва электрон картага кўчирилди. Ушбу жараёнда ҳар бир объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қўшимча маълумотлар базаси яратилди. Ушбу маълумотлар олдиндан тайёрланган қайднома ва тадқиқот



1-расм. Қишлоқ хўжалиги электрон картасини яратиш технологияси.

жойида аниқланган қўшимча маълумотлар асосида яратилади.

Қўшимча маълумотлар – тадқиқот жараёнида объект ҳақида янада кўпроқ тасаввурга эга бўлиш учун хизмат қиладиган маълумотлар ҳисобланади. Ушбу маълумотлар оғзаки, ёзма ва ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги хусусиятини таҳлил қилиш, баҳолаш имконини берувчи сўровномалардан ташкил топиши мумкин.

5-босқичда қишлоқ хўжалиги электрон картасининг шартли белгилар тизими ишлаб чиқилади. Шартли белгилар тизими таркиби 2 турга бўлиниб тасвирланади. Биринчи турда карталаштирилаётган ҳудуднинг табиий ва географик объектлари

қишлоқ хўжалиги экин турлари бўйича ўлчовдан ўтказиш картаси олинган.

Юқорида келтирилган босқичларни умумлаштириб, тизимлаштирсак, қишлоқ хўжалиги электрон картасини яратиш технологияси шаклланади. Ушбу технологияда келтирилган босқичлар кетма-кетлиги асосида карталаштирилаётган ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги электрон картасини яратиш мумкин (1-расм).

**Р.ОЙМАТОВ,
З.ХАФИЗОВА,
ТИҚХММИ.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Т.М.Мирзалиев, Э.Ю.Сафаров ва бошқалар. Карташунослик. – Тошкент, 2012.
2. Т.М.Мирзалиев. Картография. – Тошкент, 2006.
3. Э.Ю.Сафаров, Р.Ойматов. Геоинформацион картография. – Т. 2012.
4. Р.К.Ойматов. Картографик дизайн. – Тошкент, 2019.

УЎТ: 631.332.

ТАДҚИҚОТ

ЕР ТУЗИШ ЛОЙИҲАЛАРИДА ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

В статье изложена охрана почвенного покрова от деградации в первую очередь от эрозионных процессов – одна из важнейших экологических проблем, которая решается при помощи землеустроительных проектов.

The article describes the protection of soil cover from degradation primarily from erosion processes - one of the most important environmental problems that is solved with the help of land management projects

Сўнги йилларда глобал иқлим ўзгариши натижасида даврий равишда қузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармоқлари асосий қисмининг ярқоқсиз ҳолатга келганлиги

суғориладиган экин ерлари мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига ва йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетишига олиб келмоқда. Бу ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишига

киритиш, ерости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сувтежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотишларини

камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторларни таъминлаш кўзда тутилмоқда. Ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва суғориладиган ҳамда лалми ерлар, тоғ, тоғолди ва чўл яйлов ҳудудларида тупроқ қатламини деградациядан, биринчи навбатда, эрозия жараёнларидан муҳофаза қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш кўзда тутилмоқда.

Масаланинг қўйилиши. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон шароитида тупроқ эрозиясининг ҳамма турлари, яъни шамол, сув эрозиялари, сел оқимлари ва бошқалар мавжуд. Мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароитида эрозиянинг энг зарарлилари шамол ва сув (ирригация) эрозиялари ҳисобланади. Ўзбекистонда эрозия жараёнига учраган 1,6 млн. гектар тоғолди, 600 минг гектар суғориладиган ва бошқа лалми ерлар мавжуд. Бу ерларда интенсив боғ ва узумзорлар етиштириш режалаштирилмоқда. Бунда асосий муаммо сув ва ирригация эрозияси билан курашиш ҳисобланади.

Тупроқ эрозияси нафақат табиий офатлар натижасида, балки ерлардан нотўғри фойдаланиш жараёнида, экин ва дарахтларни жойлаштиришдаги талабларни бажармаслик оқибатида ҳам келиб чиқади. Бу ерларни суғориш пайтида сув оқимини шу жойнинг оқим йўналишидаги нишабига ва тупроқнинг механик таркибига мувофиқ танламаслик натижасида ирригация эрозияси содир бўлади. Натижада сув йўлида ёки эгатда тупроқни ювиб кетадиган оқим тезлиги вужудга келади. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, бу ҳудудларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш вазибаларини ер тузиш тадбирлари орқали амалга ошириш яхши натижаларга эришиш имкониятини беради.

Тадқиқот услуги. Тупроқнинг унумдор қатлами ювилган ерлар қишлоқ хўжалигига катта зарар келтиради. Бунда ерлар ишлаб чиқаришдан чиқиб кетиб, ундан фойдаланиш коэффициенти

камаёди. Минерал ва органик ўғитлар солиш йўли билан унумдорлики тиклаш катта маблағ ва меҳнат сарфларини талаб этади. Эрозияга учраган ерларда экинларнинг ҳосили анча камайиб кетади. Нишаблиги 2^о- 4^о дан ортиқ бўлган участкаларда кучли ёгингарчиликлардан кейин ёки баҳорги тошқинлар натижасида тупроқнинг ювилиб кетиши 20-50 т/га этади. Тоғ этаклари минтақасида ёки адир ерларда ҳосил бўладиган сел оқимлари халқ хўжалигига катта зарар келтирганлиги тўғрисида мисоллар кўп. Бу муаммоларга қарши тоғ ёнбағирлардан оқиб тушадиган сув миқдорини ва тезлигини камайтириш, тупроқнинг сув синдириш қобилиятини ошириш, тупроқ сатҳининг ювилишга қаршилигини кучайтириш – тупроқни сув ювиб кетишининг олдини олувчи ер тузиш тадбирларидан ҳисобланади. Ўт экиш, структура ҳосил қилувчи асосий моддалар ёрдамида мустаҳкам увокли структурани вужудга келтириш ва сақлаб туриш муҳим ҳисобланади. Бунда ёнбағирларга ихота дарахтлари ўтказилади, ёнбағирлар кўндалангига қараб ишланади, қор ва сувни тўсиш ишлари ташкил этилади. Тик ёнбағирларда терассалар ҳосил қилинади. Ихота дарахтзорлари шамолнинг тезлигини пасайтиради, қорни бутун ёнбағир бўйлаб бир текисда тўсиб, эриган сувлар оқимини тартибга солиб туради. Ўтироқ ёнбағирларда ихота дарахтзорлари энг хавфли шамоллар йўналишига перпендикуляр ҳолатда, кучли даражада ўйилиб кетадиган тик ёнбағирларда эса – горизонтал қиялик бўйлаб жойлаштирилади. Тик ёнбағирларда ихота дарахтзорлари оралиғидаги масофа қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$B = \alpha * H * \frac{i}{i + \alpha i}$$

Бу ерда: Н — дарахтлар баландлиги;

α — ётиқ ёнбағир полосодаги шамол ва қор таъсири коэффициенти (α = 15-25); i — ёнбағирнинг қиялиги

Бўйлама дарахтзор полосасига перпендикуляр йўналишда 1000-1500 м оралиқда кўндаланг полосалар жойлаштирилади. Ўрмон полосалари туташган жойларда қишлоқ хўжалиги машиналари ўтиши учун 25-30 м кенгликда бўш оралик қолдирилади.

Ихота дарахтлари полосалари тартиби тўрт-саккиз хил дарахт навлари (эман, терак, шумтол, тилоғоч, қарағай, оқ акация, қарағоч, заранг, жийда, ўрмон ёнғоғи, ёнғоқ мевалилар, мевали дарахтлар) резавор мевалар ва бошқалар) аралашмасидан иборат бўлади. Дарахт қаторлари оралиғи 1,5-2,5 м, қатордаги дарахтлар оралиғи эса 0,7-1,0 м бўлади.

Ўсимлик қатламининг табиий равишда тикланишига ёрдам берадиган тадбирлар; яйловларни тартибга солиш ва пичанзорларни яхшилаш, лалми ерларда ҳамда кўп йиллик ўтлар экиб ўстириш ишлари ҳам профилактика тадбирлари жумласига киради. Жар ёқаларида сув оқимини тўсиб қоладиган ва тупроқни мустаҳкамлайдиган кенг (20-50 м) ихота полосалари барпо этиш жарликлар камайишига йўл қўймасликнинг асосий тадбири ҳисобланади. Жар ёқаларидаги дарахтзорлар майдонларда горизонтал йўналишлар бўйлаб сув йиғиладиган каналлар қуриш яхши самара беради.

Хулоса. Биохилма-хилликни сақлаш, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашишда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, шамол ва сув эрозиясига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда давлат тузилмалари, жамоатчилик ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни фаоллаштириш лозим. Зеро, атроф-муҳит мусаффолиги соғлом авлодни вояга етказишнинг, мамлакатимизда барқарор ривожланишнинг асосини ташкил қилади.

**Мунира СУЛАЙМОНОВА,
Сайфуддин ШАРИПОВ,
ТИҚХММИ катта ўқитувчилари.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон фармони. www.lex.uz
2. Абдуразақов А.Т. ва бошқалар. “Ўрмон тузиш асослари ва ихота дарахтлари полосаларини лойиҳалаш”. Т.: ТИМИ, 2008, 150 б.
3. Шарипов С.Р. Бузилган ерларни рекултивация қилишнинг зарурати ва уни амалга оширишда ер тузишнинг роли // “АГРО ИЛМ” журнали. – Т.: 2019, махсус сони (61), 94-95-б.

СТРУЯЛИ АППАРАТНИНГ СЎРУВЧИ ҚУВУРИДАГИ СУВ САРФИНИ АНИҚЛАШ

В статье как трубопровод с отрицательным уклоном рассматривается всасывающий трубопровод струйного аппарата. Приводятся теоретические и экспериментальные основы определения гидравлических параметров струйного аппарата. Теоретические исследования основаны на законах сохранения энергии, лабораторные исследования направлены на определение коэффициента расхода потока.


The article considers a suction pipeline of a jet apparatus as a pipeline with a negative slope. The theoretical and experimental foundations of determining the hydraulic parameters of the jet apparatus are presented. Theoretical studies are based on the laws of energy conservation, laboratory studies are aimed at determining the flow rate coefficient.

Сув ҳавзаларини лойқалардан тозалаш, иншоотларда йиғилиб қолган сувларни тортиб чиқариш ва лойқа босишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар аксарият ҳолларда катта маблағ ва энергиялар талаб қилади. Бу соҳадаги асосий ишлардан бири энергия тежайдиган қурилма ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг гидравлик ҳисобларини бажаришдан иборат. Ушбу ишларни бажариш учун таклиф этилаётган струяли аппарат шундай қурилмалардан бири ҳисобланади. Струяли аппарат кўшимча энергия манбалари талаб қилмасдан, сув ҳавзасидаги сувнинг потенциал энергияси ҳисобига ишлайди. Унинг асосий кўрсаткичларидан бири узатиладиган оқимнинг сарфидир.

Тадқиқот объекти сифатида струяли аппаратнинг сув сўрувчи қувури қаралади. Тадқиқотда струяли аппарат орқали узатилаётган сув сарфи ва қувур сарф коэффициентининг айрим критериялар параметрларга, жумладан, Рейнольдс сонига боғлиқлиги ўрганилади. Струяли аппаратнинг сўрувчи қувуридан келаётган оқим сарфи тизимнинг гидравлик элементларини аниқлашда энг муҳим параметрлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам олиб борилган тадқиқотлар сўрувчи қувурда ҳаракатланаётган оқимни ўрганишга қаратилган.

Сарфни аниқлаш учун гидравликанинг классик формулаларидан фойдаланиш мумкин. Оқим сарфи унинг ўртача тезлигига боғлиқ. Демак, бунда асосий масала ўртача тезликни аниқлаш экан. Бу бирмунча мураккаб масала бўлиб, унинг мураккаблиги струяли аппарат сарфи ишчи оқим сарфи ва сўрувчи қувурдаги оқим сарфларининг йиғиндисидан иборат эканлигида. Бу эса гидравлик ишқаланиш ва қаршилик

коэффициентларини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Масалани ечиш учун гидравликнинг классик тенгламаларидан Д.Бернулли тенгламаси имкониятлари кўриб чиқилди:



1-расм. Струяли аппарат схемаси.

Тенгламадан фойдаланиш учун таққослаш текислигини қувур оғирлик марказидан ўтказиб (1-расм), оқим чизиқлари параллел бўлган, ҳаракат секин ўзгарадиган 1-1 ва с-с кесимлар танлаб олиб, улар учун Д.Бернулли тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$z_1 + \frac{P_1}{\gamma_1} + \frac{\alpha_1 \vartheta_1^2}{2g} = z_c + \frac{P_c}{\gamma_1} + \frac{\alpha_c \vartheta_c^2}{2g} + h_{1-c} \quad (1)$$

Тенглама устида айрим математик амалларни бажаргандан сўнг с-с сиқилган кесимдаги босимнинг қуйидаги формуласи ёзилади:

$$\frac{P_c}{\gamma_1} = (1 + \xi_1) \frac{\vartheta_c^2}{2g} - H \quad (2)$$

бу ерда: ξ_1 – струяли аппарат сув чиқариш тирқишининг қаршилик коэффициенти бўлиб, тажрибалар натижасида аниқланади. (2) формула ёрдамида сув чиқариш тирқишида пайдо бўладиган вакуумнинг қийматини аниқлаш имкониятига эга бўлдик. Шуни

эслатиб ўтиш керакки, таклиф этилаётган струяли аппаратда сув чиқариш тирқиши аралаштириш камераси вазифасини бажаради. Масалани ечиш учун (2) формула билан аниқланган босим сўрувчи қувурдан сув чиқадиган кесимдаги босимга тенг деб қабул қилинади:

$$\frac{P_c}{\gamma_1} = \frac{P_{c_1}}{\gamma_1} \quad (3)$$

Кейинги асосий масала сўрувчи қувурдаги оқимнинг ўртача тезлигини аниқлашдир. Бунинг учун яна 2-2 ва с₁-с₁ кесимлар учун Д.Бернулли тенгламаси ёзилади. Д.Бернулли тенгламаси ҳадларини ўрнига қўйсақ, тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$\frac{\gamma_1}{\gamma_0} (h + H) - h = \frac{P_{c_1}}{\gamma} + \frac{\vartheta_2^2}{(4)^2 g} + \left(\frac{\lambda \cdot l}{d} + \xi_2 \right) \frac{\vartheta_2^2}{2g}$$

бунда $\vartheta_{c_1} = \vartheta_2$ – струяли аппаратнинг сўрувчи қувуридаги оқимнинг ўртача тезлиги. Қуйидаги белгилашлар қабул қилинди:

$$\beta = \frac{\gamma_1}{\gamma_0}, \quad \beta_1 = \left(1 + \frac{\lambda \cdot l}{d} + \xi_2 \right) \quad (5)$$

бу ерда: β – оқимнинг нисбий солиш-тирма оғирлиги;

β_1 – сўрувчи қувурнинг барча қаршилик коэффициентлари йиғиндиси;

Тенгламанинг чап тарафи қуйидагига тенг:

$$H_2 = \beta \cdot H + h \cdot (\beta - 1) \quad (6)$$

Юқоридаги келтирилганлар асосида струяли аппаратнинг сўрувчи қувуридаги оқимнинг ўртача тезлигини аниқлаш учун қуйидаги формула ёзилади:

$$\vartheta_2 = \frac{1}{\sqrt{\beta_1}} \sqrt{2g \left(H_2 - \frac{P_{c_1}}{\gamma} \right)} \quad (7)$$

Струяли аппаратнинг сўрувчи қувуридаги оқимнинг сарфи:

$$Q_2 = \omega_2 \cdot \vartheta_2 \quad (8)$$


Аниқланган (4), (5), (6), (7) формуларда бир нечта ноаниқ параметрлар λ , ξ мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш талаб этилади. Чунки бу элементлар оқимнинг ўртача тезлигига бевосита ва оқимнинг сарфига тезлик орқали билвосита таъсир қилади.

Бунинг учун лаборатория шароитида

махсус тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар 1-расмда келтирилган махсус курилмада, сув иншоотларини лойқадан тозалаш учун ишлаб чиқилган струяли аппарат ёрдамида ўтказилди.

Струяли аппаратнинг сўрувчи қувуридан чиқаётган оқим сарфини лаборатория шароитида аниқлаш учун идишдаги сувнинг напори ўрганилди ва сув сарфи ҳамда бошқа бир неча гидравлик элементлар аниқланди. Ундан сўнг сўрувчи қувур беркитилиб, фақат ишчи суюқликнинг сарфи аниқланди ва улар орасидаги фарқдан сўрувчи қувурдан чиқаётган оқим сарфи аниқланди.

Тажрибалар натижасида бир неча гидравлик параметрлар ва коэффициентларнинг муносабатларини ўзида жамловчи коэффициент – сарф коэффициентининг ўлчов бирликсиз катталиги - Рейнольдс сонига боғлиқлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Струяли аппаратнинг сўрувчи қувуридаги оқим сарфи коэффициентининг Рейнольдс сонига боғлиқлиги графиги.

$$\Delta\mu = 0,67 - \frac{4,6}{\sqrt[4]{Re_H}} \quad (9)$$

Струяли аппаратнинг сўрувчи қувуридаги оқим сарфини аниқлаш учун $\Delta\mu$ оқим сарфи формуласига киритилди:

$$Q = \Delta\mu \omega \sqrt{2gH} \quad (10)$$

Тажриба натижаларининг ишончилигини аниқлаш учун у математик статистика усуллари асосида таҳлил қилинди. Математик статистика усулларида энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди ва корреляция коэффициенти аниқланди, бунда $r=0.8$.

Қуйидагича хулосалар қилиш мумкин: Олиб борилган тадқиқотларда оқимнинг тескари нишабликдаги напорли қувурларидаги ҳаракати струяли аппаратнинг сўрувчи қувури мисолида ўрганиб чиқилди. Бунда сарф коэффициентининг Рейнольдс сонига боғлиқлиги аниқланди. Рейнольдс сонининг катта диапазонидаги ўзгаришларида струяли аппаратнинг сўрувчи қувури оқим сарфи коэффициентининг қандай ўзгариши аниқланди. Тажриба тадқиқотларининг натижаларига кўра, Рейнольдс сонининг кичик қийматларида сарф коэффициенти $\mu = 0,3$ қийматгача тез ошиб боради, Рейнольдс сонининг катта қийматларида эса ҳаракатнинг квадрат қаршилик соҳасида сарф коэффициентининг қийматлари $\mu=0,35-0,4$ жуда секин ўзгаради.

Қутрат РАХИМОВ,
PhD, доцент, ТИҚХММИ,
Мақсуд ОТАХОНОВ,
ассистент, ТИҚХММИ,
Қувончбек ХУДОЙШУКУРОВ,
таянч докторант (PhD), ГМИТИ,
Дилбар АБДУРАИИМОВА,
катта ўқитувчи, PhD. ТИҚХММИ,
Динислом АТАКУЛОВ,
ассистент, ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Латипов К.Ш., Арифжанов А.М. Вопросы движения взвешенного потока в открытых руслах. Мехнат. Ташкент- 1994 г. 110 с.
2. Арифжанов А.М., Абдураимова Д.А., Рахимов Қ.Т. Пути использования гидравлической энергии водоемов. "Проблемы повышения эффективности использования электрической энергии в отраслях агропромышленного комплекса". Международная научно-практическая конференция. 25-26 май. Ташкент, 2015 г. С. 234-237.
3. Arifjanov A.M., Rahimov Q.T. Abduraimova D.A. Hydrotransport of exceptional flow in pipelines with various pulls. European Science Review. Austria, Vienna, 2017. 124-126p.
4. Рахимов К., Хамраев С., Расулов Р. Турбулентное течение потока . журнал "Агро илм". Ташкент, 2010. С.41-45.
5. Мухаммадиев М.М., Хохлов В.А. Новые разработки струйного насоса для гидроэнергетики. В сб. "Научные проблемы энергетики возобновляемых источников". Самара, 2000. С. 81-83.
6. Рахимов К.Т. Определение пропускной способности струйного аппарата. Тошкент, ТАКИ. Журнал "Архитектура. Курилиш.Дизайн", 2012, №2. С. 52-54.

УЎТ: 633.51:631.432.3.

ТАДҚИКОТ

СУВ ВА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

In research, the best cotton yield results 3.91 t ha-1 were (0.34 t ha-1 more than control) and highest economic effectiveness 956230 sum ha-1 were obtained when the furrow was mulched with film (treatment number 12) and the optimal irrigation regime was 70-75-60% FC, mineral fertilizer were N-200, P-140, K100 kg ha-1.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши қишлоқ хўжалигида бир қатор иқтисодий муаммоларни юзага келтирди. Бу муаммолар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги, хусусан, пахтачиликда кенг жорий этилаётган янги иқтисодий муносабатлар, шу билан бирга, ерга бўлган мулкчилик шакллари қарор топтириш ва ҳоказо масалаларда изчиллик билан ўз ечимини топмоқда.

Чунки бозор иқтисодиёти пахтачиликда янада эртапишар, юқори тола сифатига эга бўлган, жаҳон бозориди

рақобатбардош бўла оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқишни талаб қилмоқда

Андижон вилояти шароитида рақобатбардош, юқори сифатли, эртаки пахта ҳосили етиштиришда ишлаб чиқилган сув ва ресурс тежовчи технологиянинг асосий элементи ҳисобланган плёнка остига чигит экиш технологияси ҳар томонлама ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди.

Мазкур технологиянинг ҳар томонлама афзалликлари Республикамининг турли минтақаларида ўтказилган бир қатор олимларнинг кўп йиллик илмий тадқиқот ишларида ҳам ўз аксини топган.

Ана шу мақсадларда ҳозирги кунда Андижон вилоятида ғўза навларидан эртаки ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда турли технологиялар ишлаб чиқилган ва тавсия этилган. Айниқса, сув ва ресурс тежовчи агротехнологияларнинг муҳим элементи ҳисобланган плёнка остига чигит экиш, ғўза қатор ораларини турли плёнкалар билан мульчалаб суғориш технологиялари шулар жумласидандир.

Бироқ, ғўза навларидан эртаки, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда мазкур технологияларнинг иқтисодий самарадорлиги тўла ўрганилган эмас.

Шу муносабат билан 2012-2014 йилларда ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида сув ва ресурс тежовчи технологиянинг асосий элементи ҳисобланган ғўза қатор орасига қора рангли полиэтилен плёнка мулча сифатида тўшаб суғориш ва плёнка остига чигит экиш билан бирга қатор орасига мульча сифатида шаффоф плёнка тўшаб суғориш усулларининг иқтисодий самарадорлиги тадқиқ қилинди.

Тажрибада “Андижон-37” ғўза навининг чигитлари 1-2-вариантларда 90х10-1 экиш тизимида одатдаги очиқ усулда экилди. Суғоришларда 1-вариант одатдаги усулда, 2-вариантда қатор орасига ишлов бериш цикли қисқа муддатда якунланиб, (20 июнгача) плёнка тўшайдиган агрегат ёрдамида сув ва ресурс тежовчи технологиянинг асосий элементи ҳисобланган ғўза қатор орасига қора рангли полиэтилен плёнка мулча сифатида тўшалди. Ғўзанинг кейинги амал сувлари шу плёнкалар орқали амалга оширилди. 3-вариантда эса, сув ва ресурс тежовчи технологиянинг асосий элементи ҳисобланган плёнка остига чигит экиш усулида шаффоф плёнка 60х15-1 тизимида экиш билан бирга пушта ташлаб, қатор орасига мулча сифатида тўшалди. Ғўзанинг барча амал давридаги суғоришлари шу плёнкалар орқали амалга оширилди. Амал даврида ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиклантириш, суғориш ва бошқа тадбирлар плёнка ёпилмаган пушталарда амалга оширилди. Бу вариантларда фақат пушталарга ишлов берилди.

Шунингдек, 1-3-вариантларда маъдан ўғитларни NPK-150-105-75 кг/га, 4-6-вариантларда маъдан ўғитларни NPK-200-140-100 кг/га меъёрлари қўлланилди ҳамда ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда суғорилди. 7-12-вариантлар ҳам шу тартибда давом эттирилиб, ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилди.

Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Аввало, ҳар бир вариант бўйича 2012-2014 йиллардаги 1 гектар ҳисобига сарфланган уч йиллик ўртача харажатлар ҳисоблаб чиқилди. Натижада, уч йиллик ўртача харажатлар 3057000 сўм/га ни ташкил қилди. Шунингдек, 2012-2014 йиллардаги пахта хомашёсининг харид баҳолари ҳисоб-китоб қилиниб, ўртача уч йиллик рақамлар асос қилиб олинди. Шунга кўра, пахта хомашёсининг ўртача харид баҳоси 1019000 сўмни ташкил этди. Барча иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоблари шу рақамлар асосида олиб борилди.

Уч йиллик тадқиқот натижаларига қараганда, “Андижон-37” ғўза навини маъдан ўғитларнинг NPK-200-140-100 кг/га меъёрлари қўлланилган, қатор ораларига қора плёнка ва плёнка остига чигит экиш билан бирга шаффоф плёнка тўшаб, ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғориш технологияларидаги вариантларнинг пахта ҳосилдорлиги ўртача уч йилда 37,1 ва 39,1 ц/га ни ташкил этиб, маъдан ўғитларнинг NPK 150-105-75 кг/га меъёрларида озиклантирилган вариантларга нисбатан 2,9 ва 3,4 ц/га, қўшимча ҳосил етиштирилган вариантларда энг кўп иқтисодий даромад олинди. Бу вариантлардан олинган ялпи даромад 3780490 ва 3984290 сўмни ташкил этиб, тегишли равишда гектаридан 869513 ва 956230 сўм соф фойда олинди. Бу вариантларнинг рентабеллик даражаси 29,8 ва 31,5% ни ташкил этиб, бунда қўлланилган агротадбирлар иқтисодий энг самарали тадбир эканлиги аниқланди.

Шунингдек, тадқиқот натижаларига кўра ҳисоб-китоб қилинганда, одатдаги суғориш усулидаги вариантларда пахта ҳосилдорлиги 3 йилда ўртача 31,7 ва 33,8 ц/га ни ташкил қилган ҳолда ялпи иқтисодий даромад тегишли равишда гектаридан 3230230 ва 3444220 сўм ни ташкил этди. Соф фойда эса, 452232 ва 688844 сўмни ташкил этиб, плёнкали вариантларга нисбатан иқтисодий самарадорлигининг пасайиши кузатилди. Чунки бу вариантлардан олинган соф фойданинг камайиши ҳисобига рентабеллик даражаси 16,2 ва 25,0% ни ташкил этди, холос.

Демак, “Андижон-37” ғўза навини сув ва ресурс тежовчи технологиянинг асосий элементи ҳисобланган плёнка остига чигит экиш бирга эгатларга шаффоф плёнка тўшаб, ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилган вариантдаги энг юқори пахта ҳосилдорлигида 1 ц пахта ҳосили етиштириш учун сув сарфи бошқа вариантларга нисбатан энг оз миқдорда бўлиб, энг юқори иқтисодий самарадорликка эришилди. Ўртача уч йилда қарийб икки баравар сув тежалганлиги аниқланди. Демак, ғўза парваришида мазкур технологияда суғориш ва эртаки, юқори сифатли пахта ҳосили етиштириш имконияти юқори эканлиги маълум бўлди.

Акрамқул ҲАЙДАРОВ,
қ./х.ф.н., катта илмий ходим,
ПСУЕАИТИ Андижон ИТС.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзажонов Қ. Исаев С. Плёнка остида ғўза етиштирилганда// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2000, № 5. 22-23-б,
2. Махмудов О. Нематов Ф. Бахромов С. Шаффоф плёнка остига чигит экиб ғўза ўстириш афзалликлари// Пахта мажмуидаги зироатлар етиштириш агротехнологиясининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари. Тошкент. 1999 й.
3. Оstonов С. Ўтлоқи бўз тупроқларда плёнка остида ўстирилган ғўза ҳосилдорлиги ва суғориш тартиблари// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 1999, № 2. 19-20-б.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ЗАМОН БУ

ЯНГИ ЗАМОН

Кўксимни тўлдирар тоза ҳаволар,
Куйласам – тилимда янги наволар,
Эй сиз, она юртга жони фидолар,
Дунёга йўл очган янги даврон бу,
Янги Ўзбекистон – янги замон бу!

Вафо тупроқда ҳам из очган бунда,
Ҳар кўча гул билан юз очган бунда,
Гўдаклар Ватан деб кўз очган бунда.
Порлоқ истиқболдан ёруғ нишон бу,
Янги Ўзбекистон – янги замон бу!

Бу Ватан – Навоий баёти бўлган,
Бобур соғинчининг саботи бўлган,
Мангубердиларнинг ҳаёти бўлган,
Ғурур, ифтихорга олий имкон бу,
Янги Ўзбекистон – янги замон бу!

Илмда дунёни олган боболар,
Довруғин дунёга солган боболар.
Жисми ёт тупроқда қолган боболар,
Тарих қатидаги алам, армон бу,
Янги Ўзбекистон – янги замон бу!

Ўзлигин қудратин ўзи кўрган халқ,
Рост дунё аслини кўзи кўрган халқ,
Тараққиёт – тақдиринг, ифтихордан балқ,
Ғафлатдан уйғотган фидо Сарбон бу,
Янги Ўзбекистон – янги замон бу!

ШУҚР

Шуқр қилган барака чорлар,
Қалби ўзин шуқридан порлар.
Вале бордир шуқр билмас ҳам,
Иймону инсофда ночорлар.

Шуқр – Ҳаққа дил изҳоридир,
Етказганга етган зоридир.
Шуқр қилган Оллоҳ наздида
Бандаларнинг бахтиёридир.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ЖОНИНГНИ ТИКСАНГ...

Бу юртга жонингни тиксанг, шарафдир –
Ҳар чўпи, ҳар гули, япроғи учун.
Оппоқ умидларинг эксанг, унгай дур,
Орзунг гуллатаётган тупроғи учун.

Кузда пайкаллари Хизр чайласи,
Оппоқ яқтак кияр, ҳатто, даласи,
Бахтга ошуфтасан, озод ялласи –
Гулла, булбулларнинг сайроғи учун.

Ғурурдан кўксинга тушади ларза,
Юлдузлар шабнамга юзини чайса,
Баргин ҳилпиратиб чопади майса –
Зангори ишқ тутиб байроғи учун.

Кўсаклар очилар орзиқиб тонгда,
Иқбол муждаси бор бу ёруғ бонгда,
Болам, қарзинг бордир ҳар битта дондан –
Ватан, деб эгилган бошоғи учун.


Асов дарёларнинг шиддатин кечгил,
Озод ҳаволарнинг бағрида учгил,
Жаннатариқларнинг сувидан ичгил,
Юрагинг юртим, деб урмоғи учун.

Дунё таъзимдадир, олам ҳайрони,
Тинчлик меъморидир ботир сарбони,
Қароргоҳи бўлди жумла жаҳонни –
Дўстлик, офиятнинг ардоғи учун.

Юракда Янги кун, бахтлар жаранги,
Заҳми кетди, дилдан қулликнинг занги,
Халқим, жаҳон ичра тамоман янги
Янги Ўзбекистон қурмоғи учун.

Болам, оёққа тур, юракдан отлан,
Бу буюк кунлардир, англагил, зотан,
Бағрикенг ва ўқтам, донишманд, танти –
Бу ватан абадий турмоғи учун.

Энахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон халқ шоири



ЎЗБЕКISTON QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Ўктам БАРНОЕВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Аброр ВАХОБОВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2020 йил,
№9. Сентябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Мустақиллик – эзгу ниятларимиз, буюк мақсадларимиз рўёби йўлида қудрат манбан	1
Мукофот муборак!	3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	5
Б.СУЛАЙМОНОВ. Аграр таълимдаги ислохотлар – замон талаби	7
Ш.ЖОНИҚУЛОВ. Техникумлар фаолияти йўлга қўйилмоқда	9
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	10
Б.ЭГАМҚУЛОВ. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг янги босқичи.....	13
Д.АХМЕДОВ, Ф.ХАСАНОВА. Пахтакор хирмон кўтармоқда.....	14
М.ТОШБОЛТАЕВ. Пахта ҳосилини машиналар ёрдамида сифатли териш	15
РАБДУЛЛАЕВ, ҲАБДУЛЛАЕВА. Боғ-тоқзорларда пишиб етилган меваларни териш ва сақлаш	17
Дехқон ва талабага муҳим қўлланма	18
Х.КАРИМОВ. “Сардоба” сувига кўз тикиб.....	19
Бугунги меҳнат келгуси фаровонлик омили	20
Ш.НОРМУРОДОВ. Мелиорация тадбирлари – юқори ҳосилга замин.....	21
Ш.СОДИҚОВА. Ҳар муаммонинг ўз ечими бор.....	22
Навоий вилояти: томчилатиб суғориш тажрибаси	23
Ғ.ОТАЖОНОВ. Қорақалпоғистонда сув тежовчи технологиялар.....	23
Н.ТОИРОВ. Бу дунёда энг ёруғ бахт – эл тинчидир!	25
Ш.ЖАББАРОВА. Ҳамкорлик ва янги йўналишлар.....	26
Н.ХУДАЙБЕРГЕНОВ, Р.ТИЛЛАЕВ. Ўзбекистон деҳқончилик тарихини биламизми?...	27
Ж.АХМЕДОВ, Х.ЧАРИЕВА, Д.АХМЕДОВ, Н.ОЧИЛДИЕВ, Х.ЖАЛОЛОВ. Янги истикболли, ҳосилдор ингичка толали “Термиз-208” гўза нави	29
М.ХАЙИТОВ, А.ҚУРБОНБАЕВ, М.РАХМАНОВ. Шоли селекциясида тажрибалар натижалари.....	30
Т.ОСТАНАҚУЛОВ, О.МУРАТОВ, А.ИСМОЙЛОВ. Такрорий экилган помидор нав ва дурагайлари ҳосилдорлигининг экиш муддатларига боғлиқлиги	31
М.ХОНКЕЛДИЕВА, К.БУХОРОВ, С.ЎТАГАНОВ. Бақлажон ва булғор қалампири етиштиришда минерал ва биоминерал ўғитларнинг аҳамияти	33
Ф.РАСУЛОВА, Х.РАСУЛОВА, М.КАРИМОВА, Ш.ҚОСИМОВА. Цитрус ўсимликларининг Ўзбекистон ҳудудида кенг хандақларда ўстириладиган навлари	34
М.МАХАМЕДОВ. Иссиқхоналарда етиштириладиган экинларда иссиқхона трипсининг ривожланиши	36
Р.РЎЗИМУРАДОВ, О.ТЎХТАЕВ. Турли ёшдаги кўчкорлар авлодининг сифати	37
Д.ИСМАИЛОВ. Қисқа навбатлаб экиш тизимига киритилган экинларнинг тупроқдаги озик моддалар миқдорига таъсири	38
У.АКРАМОВ. Ерни турли хил усулларда экишга тайёрлашнинг оқбош қарам ҳосилдорлигига таъсири	40
Р.ОЙМАТОВ, З.ХАФИЗОВА. Қишлоқ хўжалиги электрон картасини яратишнинг технологик тизимини ишлаб чиқиш.....	41
М.СУЛАЙМОНОВА, С.ШАРИПОВ. Ер тузиш лойиҳаларида тупроқ эрозиясига қарши чора-тадбирлар	42
Қ.РАХИМОВ, М.ОТАХОНОВ, Қ.ХУДОЙШУКУРОВ, Д.АБДУРАЙИМОВА, Д.АТАКУЛОВ. Струяли аппаратнинг сўрувчи қувуридаги сув сарфини аниқлаш.....	44
А.ҲАЙДАРОВ. Сув ва ресурс тежовчи технологияларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	45
Янги Ўзбекистон – янги замон бу	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва аборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjournal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,

Telegram: qxjournal_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv
xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2020 йил
2 сентябрь. Босишга руҳсат этилди: 2020 йил
2 сентябрь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет
усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шарт-
ли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи
5,0. Буюртма №02/09. Нухаси 1400 дона.

RELIABLE PRINT


МЧЖ да чоп этилди.

Қорхона манзили:

Тошкент шаҳар Чорсу майдони 3А.

Навбатчи муҳаррир: А. ТОИРОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ

**Polimer
Galantry**



POLIMER GALANTERY

**Надёжная полимерная продукция
от производителя**

**Жаннатмакон юртимиз
ривожига ҳисса кўшаётган
халқимизни, фермерларимизни
Истиқлол айёми
билан самимий қутлаймиз!
"Polimer Galantry" МЧЖ
жамоаси**

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- **ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ**
- **ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**
- **ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ**
- **ТРЁХСЛОЙНАЯ**
- **МЕШКИ И ПАКЕТЫ**



Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

(+998) 94-638-33-33

(+998) 95-142-31-19

(+998) 97-342-50-08

polimergalantry@mail.ru

www.polimergalantry.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА

Юртимиз аҳолиси дастурхонининг тўкин бўлишини таъминлаётган азият деҳқонларимизни, барча юртдошларимизни қутлуғ айём – Мустақилликнинг 29 йиллиги билан самимий табриклаймиз.

«BREEDR CONSULT» ОК жамоаси




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.

тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;

+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

www.chorvador.uz